



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL

**ЎЗБЕКИСТОН – ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ:
МЕХР-ОҚИБАТ, САХОВАТ ВА
ҲАМЖИҲАТЛИК УЛУФ ҚАДРИЯТ**



“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Одил судлов академияси**Ҳамкорлар**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси**ТАҲРИР КЕНГАШИ**Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Шерзод АБДУҚОДИРОВ
Дилшод АРИПОВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод ИСРОИЛОВ
Худойқул АЗИЗОВ
Илхом НАСРИЕВ
Собир ХОЛБАЕВ
Шавкат ҲАҚНАЗАРОВ
Ботир САМАРХОДЖАЕВ
Толибжон ОБИДОВ
Фозилжон ОТАХОНОВ**Бош муҳаррир**

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Шахбоз САИДОВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 27.02.2026 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 13/8,8 босма табоқ.
Буюртма № 87. Адади 1925.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“OLTIN NASHR” МЧЖ

матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 42-уй

Телефон: +998 97 735 11 88

МУНДАРИЖА**ДАВРА СУҲБАТИ****4****ДАВЛАТ ДАСТУРИДА ОДИЛ СУДЛОВ:
ЯНГИ ВАЗИФА, ЯНГИЧА СИФАТ****11****ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ****КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ СОҲАСИДА
СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОМИЛЛАРИ****13****БУЮК БРИТАНИЯДА ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ
АСОСИЙ МАНБАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ****15****ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ****ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ҲУҚУҚИЙ
ҲИМОЯСИГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЛАР
ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ****17****КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ:
МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА****19****МУЛОҲАЗА****СУД ҲОКИМИЯТИ ОЧИҚЛИГИ ЖАМОАТЧИЛИК
НАЗОРАТИНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ****21****УНДИРУВНИ ГАРОВ МУЛКИГА ҚАРАТИШДА
ЮЗАГА КЕЛАДИГАН АЙРИМ МАСАЛАЛАР****23****МУҲИМ МАВЗУ****СУРРОГАТ ОНАЛИК ШАРТНОМАСИ
ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛИШ****ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ****24****ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШНИНГ ЖИНОЯТ-
ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ****26****МЕНИНГ ФИКРИМ****ИҚТИСОДИЙ СУД ИШ ЮРИТУВИДА
СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ****ТАЛҚИН****27****ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ
ҚОНУНБУЗИЛИШЛАРДА ЖИНОЯТ ПРЕДМЕТИ**

МУТАХАССИС МУЛОҶАЗАСИ **29**

СУД ТЕРГОВИДА ҲИМОЯ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

31 **СУДЬЯ МИНБАРИ**

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА СУД ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

32

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ СУД ТАРТИБИДА ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

34

СУДЛАРДА МЕДИАЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЎЗГАРТИРИШЛАР

МОЗИЙДАН САДО **36**

АҲМАД ДОНИШ МИНТАҚА ИНҚИРОЗИ САБАБЛАРИ ҲАҚИДА

38 **СУД ОЧЕРКИ**

ОҒУФУРУШНИНГ ҚИСМАТИ

ТАҲЛИЛ **39**

ЗАМОНАВИЙ КРИМИНОЛОГИЯДА ЖИНОЯТЧИЛИККА ОИД ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР

42 **ТАДҚИҚОТ**

ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

43

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

44

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ИНСТИТУТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

46

МУДОФАА САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲАРБИЙ-ДИПЛОМАТИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЎРНИ

48

ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗҒАТИШНИ РАД ҚИЛИШ

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ **50**

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ИНСТИТУТ

51

ҲУҚУҚИЙ - ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

52

ПРОФЕССИОНАЛ СУДЬЯЛАР КОРПУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ: ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ

53

СУДЬЯ ОДОБИНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

ВАЖНАЯ ТЕМА **54**

ВНЕДРЕНИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ В СУДОПРОИЗ-ВОДСТВО В ОТНОШЕНИИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

55

АДМИНИСТРАТИВНО-ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ОКАЗАНИЯ ГОСУДАРСТВЕННЫХ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ

ТЕМА ДНЯ **57**

ПРИОРИТЕТЫ ЗАЩИТЫ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА ВО ВНЕШНЕЙ ПОЛИТИКЕ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

59 **ПРОЦЕСС**

РЕФОРМЫ ПО ОБЕСПЕЧЕНИЮ ВЕРХОВЕНСТВА ЗАКОНА В СУДЕБНО-ПРАВОВОЙ СИСТЕМЕ

60

КАК НЕ СТАТЬ ЖЕРТВОЙ КИБЕРМОШЕННИКОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

61 **ANALYSES**

THE GENESIS OF INFORMATION INTERMEDIARY LIABILITY: WEB 1.0, JUDICIAL PRACTICE, AND THE DIGITAL MILLENNIUM COPYRIGHT ACT

ДАВЛАТ ДАСТУРИДА ОДИЛ СУДЛОВ: ЯНГИ ВАЗИФА, ЯНГИЧА СИФАТ

2026 йил 16 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисидаги ПФ-22-сонли фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармон билан 2026 йилга мўлжалланган устувор ислохотларни белгилаш ва уларнинг ижросини ташкил этиш чора-тадбирларига қаратилган қўйидаги 5 та ниҳоятда муҳим дастур тасдиқланди:



- Маҳаллалар инфратузилмасини такомиллаштириш ва уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш бўйича устувор ислохотлар дастури;

- Иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш ҳамда ички бозорда талабни рағбатлантириш бўйича устувор ислохотлар дастури;

- Касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш бўйича устувор ислохотлар дастури;

- Экологик мувозанатни таъминлаш ва сувдан оқилona фойдаланишни ташкил этиш бўйича устувор ислохотлар дастури;

- Давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жамиятда бирдамликни таъминлаш орқали уни юксалтириш бўйича устувор ислохотлар дастури.



Эътиборингизга тақдим этилаётган давра суҳбатида судьяларимизнинг “Давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жамиятда бирдамликни таъминлаш орқали уни юксалтириш бўйича устувор ислохотлар дастури”да судлар фаолиятида халқаро андозаларга мос янги институтларни жорий этиш орқали одил судлов сифатини янада ошириш борасида белгиланган муҳим вазифалар хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

ОДАМЛАР ҲАЁТИДА АНИҚ НАТИЖА БЕРИШГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

Алоҳида таъкидлаш жоизки, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этишдан кўзланган бош мақсад замирида ҳар бир инсонга муносиб турмуш шароитини яратиш орқали халқимизнинг фаровонлигини ошириб боришдек инсонпарвар гоя ётади.

Мана шундай эзгу бир мақсаддан келиб чиққан ҳолда давлатимиз раҳбари томонидан 2026 йил 16 февралда имзоланган “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги Фармонда жуда кўплаб устувор йўналиш ва вазифалар белгиланган.

Бунда инсоннинг хоҳиш-иродасини эркин рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, жисмонан соғлом, маънан баркамол, юксак интеллектуал салоҳиятли янги авлодни тарбиялаш, кескин глобаллашув ва трансформациялашув жараёнларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодий шакллантириш, айниқса жамият ҳаётида адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш сингари ниҳоятда муҳим вазифалар алоҳида устуворлик касб этади.

Аҳамиятлиси, Давлат дастурида назарда тутилган йирик лойиҳалар ўзининг ҳаётийлиги, ижро этиш механизмларининг аниқ кўрсатиб ўтилганлиги, асосийси унинг ҳар бир бандида акс этган масалалар Янги Ўзбекистон давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва мақсадли кўрсаткичларини ифодалаб беради.

Бу йилги Давлат дастурини қабул қилиш ҳам бир қатор янгича ёндашувлар асосида амалга оширилди. Хусусан, 2026 йилга мўлжалланган ислохотлар дастурлари ва Давлат дастури лойиҳалари тегишли мутасаддилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимот қилинди.

Мазкур тақдимот жараёнида алоҳида қайд этилганидек, Ислохотлар дастурлари ва Давлат дастурининг бир-биридан ажралиб турадиган ўзига хос фарқли жиҳатлари мавжуд. Гап шундаки, Ислохотлар дастурлари давлатимиз раҳбарининг халқимиз ва Олий Мажлисга Мурожаатномасида илгари сурилган ташаббуслар ва 2026 йил учун энг устувор ислохотларни қамраб олган.

Булар маҳаллалар инфратузилмасини такомиллаштириш ҳамда уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш, иқтисодий технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш ҳамда ички бозорда талабни рағбатлантириш, касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш, экологик мувозанатни таъминлаш ва сувдан оқилона фойдаланишни ташкил этиш ҳамда давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жамиятда бирдамликни таъминлаш орқали уни юксалтиришни қамраб олади.

Бу дастурларда “ҳужжат ишлаб чиқиш”дан “натижага эришиш” тамойилига ўтилмоқда. Ҳар бир ташаббусни амалга ошириш механизмлари ва йил якунига мўлжалланган ижро натижалари бўйича КРІ белгиланган. Дастурлар тўғридан-тўғри амал қилиш механизмига эга ва айрим ташаббуслар бўйича алоҳида ҳужжат қабул қилишни талаб этмайди. Ҳар бир ислохотлар дастурининг ижроси учун шахсан жавобгар бўлган масъул раҳбар ва мувофиқлаштирувчи давлат ташкилоти белгиланмоқда.

Аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик учун жазони кучайтириш, педофилия учун умрбод озодликдан маҳрум этиш жазосини жорий этиш, ипотека ва электромобиль хариди учун кредит механизмларини такомиллаштириш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг улушини 30 фоизга етказиш, коррупцияга қарши курашишни янги босқичга олиб чиқиш, жиноят ишлари бўйича судларда халқ вакиллари ҳайъати иштирокини йўлга қўйиш каби ташаббуслар қўллаб қувватланди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, ушбу Давлат дастурининг ижроси барча ислохот ва чора-тадбирлар, аввало, одамлар ҳаётида аниқ натижа бериб – янги иш ўринлари кўпайиши, даромадлар ўсиши ва аҳоли розилигида ўз аксини топишига хизмат қилиши кўзланган.

Йўлдош НОРБЕКОВ,
Тошкент туманлараро
иқтисодий суди судьяси.

ОДИЛ СУДЛОВ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Янги Ўзбекистон суд органлари фаолиятини тубдан демократлаштириш, унинг мустақиллигини амалда таъминлаш, суд ҳокимиятини бугунги кундаги жадал ислохотлар талабларига мослаштириш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг 16 феврида қабул қилинган “Давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жамиятда бирдамликни таъминлаш орқали уни юксалтириш бўйича устувор ИСЛОҲОТЛАР ДАСТУРИ”нинг 5-бандида “суд органлари фаолиятига энг замонавий халқаро андозаларга мос янги институтларни жорий этиш орқали одил судлов сифатини янада ошириш” вазифаси белгиланди.

Бу ерда гап оддий ташкилий ўзгаришлар ҳақида эмас, балки суд ҳокимиятининг мазмун-моҳиятини мустаҳкамлаш, унинг мустақиллиги ва жамоатчилик ишончини институционал жиҳатдан кучайтириш ҳақида бормоқда.

Дастурга мувофиқ, жиноят ишлари бўйича суд процессларини халқ вакиллари ҳайъати (jury) иштирокида ўтказиш амалиёти жорий этилади.

Бу институтнинг жорий қилиниши:

✓ суд муҳокамасининг очиқлиги ва шаффофлигини оширади;

✓ жиноят ишларида қарор қабул қилиш жараёнида жамоатчилик иштирокчини таъминлайди;

✓ суд ҳукмига нисбатан ижтимоий ишончини мустаҳкамлайди.

Халқ вакиллари ҳайъати иштирокидаги судлов амалиёти, айниқса, ўта оғир жиноятлар бўйича ишларда қарорнинг адолатлилиги юзасидан жамоатчилик назоратининг табиий механизми сифатида хизмат қилади. Бу эса “суд фақат адолатли бўлиши эмас, балки адолатли экани кўриниши ҳам керак” деган тамойилни амалда таъминлашга хизмат қилади.

Белгиланган тартибга кўра, биринчи босқичда 2026 йил якунига қадар Тошкент шаҳри ва вилоятида ўта оғир жиноятларни халқ вакиллари ҳайъати иштирокида кўриб чиқиш амалиёти йўлга қўйилади (тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар бундан мустасно). Бу босқичма-босқичлик ёндашуви ислохотни тизимли равишда жорий этиш, ташкилий ва процессуал механизмларни пухта синовдан ўтказиш имконини беради.

Дастурда жиноят ишларида халқаро тан олинган “Хабеас корпус” институти доирасида тергов судьяларига қамоққа олиш, уй қамоғи тарзидаги ва бошқа эҳтиёт чораларини ўзгартириш ҳамда бекор қилиш ваколатини бериш назарда тутилган.

“Хабеас корпус” институтининг мазмуни — шахс эркинлигини чеклаш фақат суд назорати асосида

амалга оширилиши ва ҳар қандай мажбурлов чораси қонунийлик ҳамда асослилик мезонлари бўйича баҳоланиши шартлигидан иборат.

Ушбу ваколатларнинг кенгайтирилиши қуйидаги натижаларга олиб келади:

⚖️ жиноят процессида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд механизми кучаяди;

⚖️ тергов босқичида қабул қилинаётган қарорлар устидан мустақил суд назорати таъминланади;

⚖️ асоссиз қамоққа олиш ёки ортиқча чеклов чораларининг олди олинади.

Дастурга мувофиқ, республикадаги барча тергов судьяларининг ваколатлари кенгайтирилиши суд назоратини марказлаштириш эмас, балки уни институционал жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган. Бу эса жиноят процессида мажбурлов чоралари қўлланилишида қонунийлик ва мутаносиблик тамойилларини янада қатъий таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур ўзгаришлар фақат суд тизими ичидаги техник янгиланиш эмас. Улар жамият ва давлат ўртасидаги ишонч муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қамровли ислохотларнинг бир қисми ҳисобланади.

Суд қарорларига нисбатан ишонч даражаси ошган сари:

🌈 фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти юксалади; қонун устуворлигига бўлган ишонч мустаҳкамланади;

🌈 ижтимоий барқарорлик ва бирдамлик таъминланади.

Шу маънода, мазкур дастурнинг ижроси суд ҳокимиятини замонавий халқаро стандартларга яқинлаштириш билан бирга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг реал ва амалий кафолатларини кучайтиришга қаратилган стратегик қадам сифатида баҳоланиши мумкин.

Азамат КУРАМАТОВ,

Сирдарё вилоят судининг судьяси,

Жиянбек НАВРЎЗОВ,

жиноят ишлари бўйича Ховос туман судининг тергов судьяси.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ҲИМОЯ ИНСТИТУТИ – ОДИЛ СУДЛОВ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ

Юқорида ҳамкасбларимиз томонидан тўғри таъкидлаб ўтилганидек, Янги Ўзбекистондаги демократик ислохотлар одил судловнинг очиқлиги, шаффофлиги, шунингдек суд назорати институтини янада такомиллаштириш ва кучайтиришга қаратилганлиги билан ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги ПФ-22-сонли фармони-нинг “Давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жамиятда бирдамликни таъминлаш орқали уни юксалтириш бўйича устувор ислохотлар дастури” деб номланган 5-илоvasи 6-бўлими суд ишларини юритишда ҳимоя институтини такомиллаштиришга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Жиноят ишини судга юборишда айблов ҳулосаси билан бирга “ҳимоя фикри”ни тақдим этиш тартибининг жорий этилиши процессуал тенглик тамойилини амалда мустаҳкамлайди.

Амалда иш судга айблов позицияси асосида келиб тушади. Янги тартиб эса ишнинг бошиданоқ икки позиция — айблов ва ҳимоя нуқтаи назарини бир вақтда кўриб чиқиш имконини яратади. Бу:

➡ суднинг ҳолис баҳолаш имкониятини кенгайтиради;

➡ иш материалларига бир томонлама ёндашув хавфини камайтиради;

➡ тортишув принципининг реал ишлашини таъминлайди.

Жиноят ишида ҳимоячига ўз ҳимояси остидаги гумон қилинувчи, айбланувчи ёки жабрланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар ва далиллар билан танишиш, улардан нусха олиш, шунингдек суриштирув ва дастлабки тергов босқичида исталган вақтда жиноят ишини кўзғатиш ёки тугатиш ҳақидаги қарорлардан нусха олиш ваколатларининг берилиши ҳимояни формал эмас, амалий механизмга айлантиради.

Бу норма қуйидаги жиҳатлари билан муҳим:

✔ ҳимоячи ишнинг ҳар бир босқичида ахборотга тўлиқ эга бўлади;

✔ процессуал қарорларга ўз вақтида ҳуқуқий муносабат билдириш имконияти яратилади;

✔ гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ҳуқуқлари чекланиши хавфи камаяди.

Қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно этилиши эса давлат сирлари ёки махсус тартибдаги ишларнинг ҳимоясини таъминлашга қаратилган мувозанатли ёндашувни англатади.

Адвокат сўровига маълумотларни бепул тақдим этиш, шунингдек нотариал ҳаракатлар ва кадастр органларидан маълумотларни адвокат сўрови орқали олиш имкониятининг яратилиши ҳимоячи фаолиятидаги маъмурий ва молиявий тўсиқларни қисқартиради.

Бу ўзгариш:

➡ далилларни йиғиш жараёнини тезлаштиради;

➡ ҳимоячининг процессуал мустақиллигини кучайтиради;

➡ одил судловда тарафларнинг тенг ҳуқуқлилигини амалда таъминлайди.

Ижронини бошлаш муддати 2026 йил 1 июнь этиб белгиланган. Йил якунига қадар 7 минг нафардан зиёд адвокатларнинг жиноят процессида ҳимоя остидаги шахслар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонуний ваколатлари кенгайтирилиши кутилмоқда.

Бу рақам ислохотнинг тармоқ кўламини англатади. Масала фақат ваколатларни қоғозда белгилашда эмас, балки уларнинг ҳар бир жиноят ишида реал ишлашини таъминлашдадир.

Умуман олганда, мазкур ўзгаришлар жиноят процессида айблов ва ҳимоя ўртасидаги процессуал мувозанатни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш ва суд қарорларининг адолатлилигига нисбатан жамоатчилик ишончини оширишга қаратилган тизимли қадам сифатида баҳоланади.

Қаҳрамон ИСАРОВ,

жиноят ишлари бўйича
Чиноз туман судининг раиси.

КОРРУПЦИЯ - АДОЛАТГА НИСБАТАН ИШОНЧНИ ЗАИФЛАШТИРАДИ

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичига ўтилганидан кейин одил судлов тизимини такомиллаштиришга қаратилган дастлабки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири – давлатимиз раҳбарининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сон фармонида “ҳодимлар ўрта-суда суиистеъмолчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича идоровий назоратни кучайтириш, одоб-ахлоқ қоидаларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш”, шунингдек “юксак ахлоқий-иродавий ва касбий фазилатларга эга, юклатилган вазифалар ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарали бажарилишини таъминлашга қодир бўлган кадрларни шаффоф танлов асосида ишга қабул қилиш тизимини такомиллаштириш” масаласи суд органларининг муҳим вазифалари қаторида белгиланган эди.

Дарҳақиқат, нафақат суд, балки бутун жамият тараққиётига тўсқинлик қиладиган энг хавfli иллатлардан бири — коррупциядир. У фақат иқтисодий зарар етказмайди, балки давлат бошқарувининг самарадорлигини пасайтириб, фуқароларнинг адолатга бўлган ишончини заифлаштиради ва қонун устуворлиги тамойилини издан чиқаради. Шу боис Президент фармони билан тасдиқланган 5-илованинг 7-бўлими жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ҳамда қонунчиликдаги коррупциявий омилларни бартараф этишни устувор вазифа сифатида белгилайди.

Коррупцияга қарши курашиш фақат жазони оғирлаштириш орқали самара бермайди. Амалиёт шуни кўрсатадики, коррупциянинг катта қисми ҳуқуқий ноаниқликлардан озиқланади. Қонунчиликда коллизиялар, номувофиқ нормалар ёки икки хил талқин қилиниши мумкин бўлган қоидалар мавжуд бўлса, мансабдор шахс ихтиёрида кенг дискрецион майдон пайдо бўлади. Бу эса қарор қабул қилиш жараёнида субъектив ёндашув ва манфаат тўқнашувига шароит яратади.

Шу нуқтаи назардан, қонунчиликдаги “ноаниқ” қоидалар, “оқ доғлар” ва коллизияларни бартараф этиш — техник таҳрир эмас, балки тизимли антикоррупция сиёсати ҳисобланади. Ҳуқуқий норманинг аниқлиги, унинг чегаралари ва ҳуқуқий оқибатлари равшан белгилаб қўйилса, қарор қабул қилувчи шахснинг ихтиёри чекланади. Бу эса суд амалиётида ҳам барқарорликни таъминлайди. Чунки, суд учун асосий мезон — норма мазмунининг аниқлиги ва унинг бир хил қўлланилишидир.

Ҳуқуқий аниқлик таъминланганда, фуқаро ва давлат органи ўртасидаги муносабатлар прогнозлаштириладиган тус олади. Бу эса суд низолари сонини камайтириш, қарорларни бекор қилиш ҳолатларини қисқартириш ва суд юкласини оптималлаштириш-

га хизмат қилади. Демак, коррупцияга қарши курашиш суд-ҳуқуқ тизимининг самарадорлиги билан бевосита боғлиқ.

Илованинг мазкур бўлимида назарда тутилган яна бир муҳим йўналиш — “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” электрон платформасини жорий этишдир. Давлат хизматчилари малакасини оширишни рақамли форматда ташкил этиш орқали профилактика институционаллаштирилади. Коррупцияга оид қонунчилик, хизмат этикаси, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бартараф этиш механизмлари бўйича мунтазам ўқитиш давлат хизматчисининг ҳуқуқий маданиятини оширади.

Коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти орқали эмас, балки жамият онгида шаклланиши керак. Агар фуқаро ноқонуний ҳаракатни “одатий амалиёт” сифатида қабул қилмаса, коррупциянинг ижтимоий базаси қисқаради. Бу эса ҳуқуқий давлат барпо этишнинг энг муҳим шартини ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, “Давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жамиятда бирдамликни таъминлаш орқали уни юксалтириш бўйича устувор ислоҳотлар дастури”нинг 7-бўлимида назарда тутилган чора-тадбирлар коррупцияга қарши курашишни жазо марказидан профилактика ва ҳуқуқий аниқлик марказига кўчиришга қаратилган. Қонунчиликни тизимли равишда тозалаш, нормаларни уйғунлаштириш ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий компетенциясини ошириш орқали коррупциявий хавфларнинг манбаи қисқартирилади.

Натижада давлат бошқарувида шаффофлик, қарор қабул қилишда прогнозлаштириш имконияти ва суд амалиётида барқарорлик таъминланиши кутилмоқда.

Валишер КАРАМАНОВ,

жиноят ишлари бўйича Олмazor туман суди судьяси.





КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ТАКОМИЛЛАШАЁТГАН ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Жамиятда коррупцияга нисбатан мурасиз муносабатни шакллантириш ва қонунчиликдаги коррупциявий омилларни бартараф этишга қаратилган Давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жамиятда бирдамликни таъминлаш орқали уни юксалтириш бўйича устувор ИСЛОҲОТ-ЛАР ДАСТУРИнинг 7-банди тўлиқ амалиётга жорий этилганидан сўнг йил якунига қадар муайян институционал ютуқларга эришиш режалаштирилган.

Ушбу жараён икки стратегик йўналишни қамраб олади ва улар ўзаро боғлиқ механизм сифатида ишлаши керак.

Энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи 2 мингдан зиёд қонунчилик ҳужжати хатловдан ўтказилиши белгиланган. Бу шунчаки таҳририй иш эмас, балки ҳуқуқий тизимни изчил равишда қайта кўриб чиқиш жараёнидир.

Ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат қуйидаги мезонлар асосида таҳлил қилинади:

-  бошқа ҳужжатлар билан уйғунлиги;
-  ҳуқуқий аниқлик даражаси;
-  амалиётда қўлланилиш барқарорлиги;
-  дискрецион ваколатлар ҳажми.




Хатлов натижасида:

Зиддиятлар бартараф этилади. Коллизиялар ва такрорланувчи нормалар бекор қилиниши орқали ҳуқуқий тизим ихчамлашади.

Аниқлик таъминланади. “Ноаниқ” ва турлича талқин қилиниши мумкин бўлган қоидалар қайта таҳрир қилиниб, ҳуқуқий оқибатлар равшанлаштирилади.

Ваколатлар чегараланади. Мансабдор шахслар ихтиёрида асосиз кенг дискрецион майдон қолдирувчи нормалар қайта кўриб чиқилади.

Бу жараённинг суд амалиёти учун аҳамияти алоҳида. Норма қанчалик аниқ ва бир маъноли бўлса, унинг қўлланилиши ҳам шунчалик бир хил бўлади. Натижада:

-  қарорларни турлича талқин қилиш ҳолатлари камаяди;
-  юқори инстанцияларда бекор қилиш ҳолатлари қисқаради;
-  ҳуқуқий прогнозлаштириш имконияти ошади.

Демак, қонунчиликни “тозалаш” — бу коррупцияга қарши курашишнинг профилактик ва суд-ҳуқуқ самарадорлигини оширувчи йўналишидир.

Иккинчи стратегик йўналиш — 30 минг нафар давлат хизматчисини коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус ўқитиш тизими билан қамраб олишдир.

Бу рақам миқдор эмас, сифат масаласини қўяди. Агар ўқитиш формал ҳисоботга айланса, натижа бўлмайди. Агар у амалий ва баҳолаш механизмлари билан боғланса, институционал иммунитет шаклланади.

Асосий эътибор қуйидагиларга қаратилиши лозим:

Амалий йўналиш. Реал кейслар таҳлили, манфаатлар тўқнашуви сценарийлари, ҳуқуқий жавобгарлик мисоллари асосида интерактив ўқитиш.





Ҳисобдорлик механизми. Билимни баҳолаш, сертификатлаш ва лавозимга тайинлаш ёки рағбатлантириш билан боғлаш.

Этик маданият. Давлат хизматчисининг шахсий масъулияти ва хизмат этикаси нормаларини ички қадрият даражасига олиб чиқиш.

Коррупция кўп ҳолларда ният эмас, имконият ва назоратсизлик натижаси бўлади. Назорат тизими кучли ва билим юқори бўлса, хавфлар минималлашади.

5-иловининг 7-банди доирасидаги чора-тадбирлар коррупцияга қарши курашиш моделини концептуал жиҳатдан ўзгартиради.

Биз “фақат жазолашга йўналтирилган” моделдан “профилактика ва ҳуқуқий аниқликка асосланган” институционал моделга ўтишни кўзлаймиз. Бу моделда:

-  ҳуқуқий норма аниқ;
-  ваколат чегараланган;
-  давлат хизматчиси билимли ва ҳисобдор;
-  суд амалиёти барқарор бўлади.

Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши натижасида йил якунига бориб давлат бошқарувида шаффофлик, прогнозлаштириш имконияти ва адолат тамойиллари институционал даражада мустаҳкамланади.

Шахноза МУХАММАТКУЛОВА,
фуқаролик ишлари бўйича
Ургут туман судининг судьяси.

ИНСТИТУЦИОНАЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Ҳимоя институтини мустаҳкамлашга қаратилган нормаларнинг мантиқий давоми 5-илованинг 14-бўлимида акс этган. Унда аёллар ҳамда болаларга нисбатан зўравонлик каби жамият олдида турган ўта долзарб муаммоларга қарши институционал ва таъсирчан тизимни шакллантириш вазифаси қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони-нинг “Давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини тақомиллаштириш, жамиятда бирдамликни таъминлаш орқали уни юксалтириш бўйича устувор ислоҳотлар дастури” деб номланган 5-иловаси 14-бўлимида мазкур йўналиш устувор вазифа сифатида белгилаб берилган.


2026 йил 1 апрелдан амалий ижроси бошланадиган ислоҳотлар доирасида 14 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан содир этилган жинсий жиноятлар учун умрбод озодликдан маҳрум этишгача бўлган жазо чораларини белгилаш назарда тутилмоқда.


Бу норма жиноятга жазо эмас, балки жиноятнинг олдини олишга қаратилган қатъий превентив сигнал сифатида хизмат қилади. Айниқса, вояга етмаганларга нисбатан жиноятлар бўйича жавобгарликнинг оғирлаштирилиши давлатнинг болалар дахлсизлигини мутлақ қадрият сифатида эътироф этишини англатади.

Вояга етмаганларга нисбатан содир этилган жинсий ва зўравонликка оид жиноятларни тергов қилишни прокуратура органлари ваколатига ўтказиш орқали мазкур тоифадаги ишлар бўйича ягона амалиёт ва юқори профессионал стандартни шакллантириш мақсад қилинган.

Бундай ёндашув:


 тергов жараёнида масъулиятни аниқ белгилайди;


 ишларнинг процессуал назоратини кучайтиради;


 жабрланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ихтисослашган ёндашувни таъминлайди.

Вояга етмаган шахслар ва хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик билан боғлиқ ишларни махсус тайёргарликдан ўтган терговчи ва судьялар томонидан кўриб чиқиш амалиётини жорий этиш мазкур соҳада профессионал компетенцияни оширишга хизмат қилади.

Зўравонлик билан боғлиқ ишлар фақат ҳуқуқий эмас, балки психологик ва ижтимоий жиҳатларни ҳам қамраб олади. Шу боис ихтисослашган кадрлар томонидан кўриб чиқилиши:

 жабрланувчининг иккинчи марта руҳий жароҳат олиш хавфини камайтиради;


 далилларни тўғри баҳолаш имкониятини оширади;


 суд қарорларининг асослилигини таъминлайди.


Ислоҳотлар фақат жазо чораларини кучайтириш билан чекланмайди. Оила ва маҳаллаларда ёш никоҳланувчилар учун махсус ўқитиш дастурларининг самарадорлигини ошириш, психолог, ҳуқуқшунос ва бошқа мутахассисларни фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида жалб қилиш орқали оилавий (маиший) зўравонликнинг олдини олишга қаратилган профилактик механизмлар ҳам назарда тутилган.

Бу ёндашув муаммонинг оқибатлари эмас, сабаблари билан ишлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ислоҳотлар амалга оширилгач йил якунига қадар:

 жамиятда “зўравонликка тоқатсизлик” тамойили ижтимоий меъёр сифатида қарор топishi;

 қонунда белгиланган никоҳ ёшига етмасдан турмуш қуриш ҳолатларини бартараф этишнинг самарали тизими яратилиши ва ота-оналарнинг фарзанд камолоти учун масъулияти ошиши;

 оила ва маҳаллаларда ёш никоҳланувчиларнинг камида 40 фоизини махсус бепул ўқитиш билан қамраб олишга эришилиши куттилмоқда.

Мазкур чора-тадбирлар жиноят-ҳуқуқий таъсир, институционал ислоҳотлар ва ижтимоий профилактикани бирлаштирган комплекс ёндашувни ифода этади. Бу эса аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни декларатив эмас, балки амалий ва тизимли даражага олиб чиқишга қаратилган муҳим қадам бўлиб ҳисобланади.

Бегенч ЭШҚУВАТОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ СОҲАСИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОМИЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада коррупцияга қарши курашишни амалга оширувчи органлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этишнинг ташкилий жиҳатлари таҳлил қилинади. Коррупцияга қарши курашиш жараёнларини рақамли трансформация қилиш самарадорлигига таъсир этувчи асосий омиллар, жумладан институционал, норматив-ҳуқуқий, кадрлар ва инфратузилмавий шарт-шароитлар очиб берилади.

Калит сўзлар: сунъий интеллект, коррупцияга қарши курашиш, ташкилий омиллар, рақамли трансформация, давлат бошқаруви, антикоррупция сиёсати.

Давлат бошқарувида бюрократияни қисқартириш, давлат органлари ва нодавлат ташкилотлари фаолиятини замон талаблари асосида рақамлаштириш орқали коррупцияга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу эса, коррупцияга қарши курашиш соҳасида янги ёндашувларни шакллантирмоқда. Дунёда коррупциявий жиноятларнинг тобора юксак даражадаги профессионализм билан замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда содир этилиши ва даражаси юқорилаб бораётганлиги, уларнинг ижтимоий хавфлигини янада оширмоқда. Жумладан, сунъий интеллект катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш, коррупция хавфларини прогноزلаш ва назорат ҳамда текширув функцияларини автоматлаштиришда муҳим қуролга айланмоқда.

“Рақамли суд” концепцияси ва тергов жараёнларини рақамлаштириш орқали сунъий интеллект технологияларини жиноят процессига жорий этиш ташаббуси инсон омиллини қисқартириш, субъективлик ва суиистеъмол ҳолатларининг олдини олишда мутлақо янги босқични бошлаб беради. Жиноят ҳақидаги аризани қабул қилишдан тортиб ишни судга оширишгача бўлган барча босқичларни рақамли платформага ўтказиш фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ишончли қафолатлашга хизмат қилади. Бу ёндашув демократик давлатларда кенг қўлланаётган “due process” (қонуний тартиб-таомил) тамойилларига тўла мос келади.

Мамлакатда суд қарорлари ижроси масаласи ўта долзарб масала ҳисобланади. Қарор ижроси таъминланмас экан, фуқаро ва тадбиркор ҳуқуқларининг тикланиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Суд қарорлари ижроси тизимига сунъий интеллект жорий этилса, ижро ҳаракатларининг салмоқли қисмини инсон омиллиси амалга ошириш режаси соҳада шаффоликни ошириш ва коррупция хавфларини кескин камайтиришга хизмат қилади.

Бироқ унинг самарали қўлланилиши нафақат технологик ривожланиш даражасига, балки ташкилий таъминот сифатига ҳам бевосита боғлиқ. Тегишли давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда аҳолимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг етарли эмаслиги, зарур кўникмаларнинг етишмаслиги ва ягона ахборот инфратузилмасининг мавжуд эмаслиги рақамли инновацияларни жорий этишда жиддий тўсиқларни юзага келтирмоқда.

Давлат бошқаруви ва корпоратив секторларда сунъий интеллектдан фойдаланиш тажрибаси коррупция хавфларини аниқлашга қаратилган таҳлилий тизимларни қуришда қўлланиладиган дастурий алгоритмлар ва технологик ёндашувларнинг юқори даражада уйғун эканлигини кўрсатади. Бу ҳолат бир хил дастурий ечимларни турли соҳаларда универсал тарзда

қўллаш мумкинлиги билан тасдиқланади. Қуйида халқаро амалиётдаги энг аҳамиятли мисоллар асосида давлат бошқаруви соҳасида коррупцияга қарши курашишда сунъий интеллектдан фойдаланишда эътиборга олиниши лозим бўлган асосий ташкилий омиллар ёритилади.

Хитой тажрибаси, жумладан “Zero Trust” тизими алоҳида қизиқиш уйғотади. Ушбу лойиҳа давлат бошқаруви соҳасида коррупция фактларини аниқлаш мақсадида сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича кенг қўламли тажриба сифатида намоён бўлди. Бироқ гумонли ҳолатларни аниқлашда юқори самарадорликка эришилганига қарамай, қарор қабул қилиш алгоритмларининг нисбатан шаффоф эмаслиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан уларни кейинчалик текшириш ва ҳуқуқий баҳолашни қийинлаштирди. Бу эса тизимни эксплуатация қилиш учун қўшимча инсон ва моддий ресурслар талаб этилишига, шунингдек, айрим аниқланган ҳолатларнинг юридик аҳамиятга эга тасдиқ олмаслигига олиб келди. “Zero Trust” лойиҳаси доирасида сунъий интеллектнинг таҳлилий салоҳияти уни қўллаб-қувватловчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш инфратузилмасининг имкониятларидан анча юқори экани аниқ намоён бўлди.

Бразилияда амалга оширилган “Serenata do Amor” операцияси доирасида ишлаб чиқилган Rosie сунъий интеллектли парламент аъзоларининг хизмат фаолияти билан боғлиқ харажатларини қоплаш соҳасидаги қонунбузарликларни, шу жумладан коррупциявий ҳолатларни аниқлашга йўналтирилган. Rosie алгоритми расмий реестрлар ва очик манбалардан олинган маълумотларни таҳлил қилиб, харажатларнинг асоссиз оширилиши ёки номутаносиблигини аниқлайди. Тасдиқланган ҳолатлар ваколатли назорат органларига юборилади ҳамда Jarbas платформасида ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинади. Ушбу тажриба тор ихтисослашган, амалиётга йўналтирилган ечимлар, электрон ҳужжат айланиши тизимлари билан интеграция ва ошкоралик ташкилий моделининг муҳим элементи эканини кўрсатади.

Бирлашган Араб Амирликларининг CY2 (Presight) компанияси томонидан сунъий интеллект алгоритми ёрдамида турли йўналиш ва соҳалардаги қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олишга доир дастурий маҳсулотларини чуқур ўрганиб тегишли органлар ва ташкилотларимиз фаолиятига тадбиқ этишимиз мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, 2025 йилнинг 15-19-декабрь кунлари Қатарда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига аъзо давлатлар конференциясининг 11-сессияси бўлиб ўтди. Мазкур конференцияда БМТга аъзо мамлакатларнинг давлат органлари, халқаро ва нодавлат ташкилотлар ҳамда БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси томонидан ташкил этил-



ган бир қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Ушбу конференция доирасида спорт соҳасида коррупцияга қарши курашиш, табиатни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши, сиёсий партияларни молиялаштиришнинг шаффофлиги, активларни қайтариш, кибержиноятчиликка қарши курашиш, коррупцияга қарши курашиш ва бир қатор фаолиятларда айнан сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш масала кенг муҳокама қилинди ва конференция якунида “2025 йил Доҳа декларацияси: халқаро ҳамкорлик ва техник ёрдамни мустаҳкамлаш ҳамда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда сунъий интеллект (СИ) тизимлари тақдим этаётган имкониятлардан фойдаланиш” декларацияси қабул қилинди.

Декларацияда трансчегаравий коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг глобал ҳамкорлигини кучайтириш ва коррупция хавфини баҳолаш бўйича миллий саъй-ҳаракатларнинг аниқлиги, самарадорлиги ҳамда ҳолислигини ошириш учун рақамли технологиялардан, шу жумладан сунъий интеллектдан фойдаланиш тавсия этилади, шунингдек, эксперт тармоқлари томонидан ишлаб чиқилган рақамли технологиялардан хавфсиз ва тезкор ахборот алмашинуви таъминлаш учун, шу жумладан БМТ Коррупцияга қарши кураш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг глобал тезкор тармоғи орқали фойдаланиш зарурлиги таъкидланади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, сунъий интеллектдан фойдаланиш коррупцияга қарши курашда самарали таҳлилий ҳамда профилактик восита сифатида хизмат қилади. Европа ва Осиёнинг ривожланган мамлакатларидаги тажрибалардан келиб чиқиб, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш орқали коррупция хавфларини баҳолаш ва олдини олишда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурати мавжуд.

Америка қитъаси давлатлари тажрибалари таҳлили қилинганда Мексика тажрибасини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мексикада давлат харидлари соҳасида коррупция хавфлари индекси ишлаб чиқилди. Ушбу тизим давлат харидлари бозоридаги қисман монополиялашув, компаниялар ўртасида эҳтимолий тил бириктириш ва давлат хизматчилари иштирокидаги коррупция хавфларини аниқлаш имконини берди. Натижада харидлар иштирокчиларининг коррупциявий фаолияти рейтингни шакллантирилди. Бироқ олинган натижаларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалиётида бевосита қўлланилиши чекланган бўлиб, улар кўпроқ умумлаштирилган характерга эга экани мазкур ёндашувнинг асосий камчилиги сифатида баҳоланади.

COVID-19 пандемияси даврида сунъий интеллектдан фойдаланиш тажрибаси ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Пандемия ҳуқуқий ва коррупциявий хавфларнинг ошишига олиб келди, бу ҳолат Россия тажрибаси мисолида ҳам атрофлича таҳлил қилинган. Давлат харидлари ҳажмининг кескин ўсиши шароитида кўплаб давлатлар сунъий интеллектга асосланган аксилкоррупциявий ечимларга мурожаат қилди. Хусусан, Open Contracting Partnership ташкилоти давлат контрактларининг шаффофлигини таъминловчи ягона стандартларни жорий этишни илгари сурди. Колумбия Бош назоратчи офиси маълумотларига кўра, 2025 йилда OCEANO марказида сунъий интеллектдан фойдаланиш натижасида пандемия даврида тузилган контрактларнинг 19 фоизга яқини қайта кўриб чиқилди. Бу ҳолат вазибаларнинг аниқ ва реал қўйилиши сунъий интеллект самарадорлигини оширишини тасдиқлайди.

Давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект катта маълумотларни қайта ишлаш, субъектлар хулқ-атворини моделлаштириш ва инсон иштироки минимал бўлган қарорлар қабул қилишга қаратилган технологиялар мажмуаси сифатида намоён бўлади.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида сунъий интеллект куйидаги вазибаларни бажаради: 1) гумонли транзакциялар ва манфаатлар тўқнашувини автоматик аниқлаш; 2) мансабдор шахсларнинг даромад ва харажатлари декларациясини таҳлил қилиш; 3) давлат харидларида коррупция хавфларини прогнозлаш; 4) хизмат фаолияти ва фуқаролар мурожаатларини мониторинг қилиш.

Шу билан бирга сунъий интеллект технологиялари давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини доимий равишда таҳлил қилиб юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатларни эрта аниқлаш ва тегишли чоралар кўриш бўйича маслаҳатлар бериши мумкин.

Давлат бошқаруви тизимининг сунъий интеллектни жорий этишга тайёрлиги институционал тузилма, норматив-ҳуқуқий база, кадрлар таъминоти ва ахборот инфратузилмаси каби бир қатор ўзаро боғлиқ омиллар билан белгиланади.

Шу тариқа, ташкилий таъминот сунъий интеллектнинг технологик салоҳияти билан унинг коррупцияга қарши курашиш амалиётида қўлланилиши ўртасида боғловчи бўгин ҳисобланади. Халқаро тажриба рақамли антикоррупция ташаббусларининг муваффақияти кўп жиҳатдан давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда аҳолимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва инновацияларни бошқаришга тизимли ёндашувга боғлиқ эканини кўрсатади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, сунъий интеллект технологияларидан коррупцияга қарши кураш соҳасида фойдаланиш бўйича давлат органлари, нодавлат ташкилотлари ва аҳолининг рақамли саводхонлик даражасини тизимли ошириб бориш талаб этилади.

Ахтам ТУРСУНОВ,

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси профессори,
юридик фанлар доктори,
Рахматулло МИРЗАЕВ,*

*Самарқад давлат университети юридик факультети
дегани, юридик фанлар доктори, доцент.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. DDIQ – Due Diligence Solution Using AI Technology // Exiger [Электрон манба]. URL: <https://www.exiger.com/ddiq/> (мувожаат қилинган сана: 5.01.2026).
2. Chen S. Is China's corruption-busting AI system "Zero Trust" being turned off for being too efficient? // South China Morning Post. 4 Feb. 2019. URL: <https://www.scmp.com/news/china/science/article/2184857/chinas-corruption-busting-ai-system-zero-trust-being-turned-being> (мувожаат қилинган сана: 5.01.2026).
3. Operação Serenata do Amor [Электрон манба]. URL: <https://serenata.ai/en/> (мувожаат қилинган сана: 5.01.2026).
4. GitHub: <https://github.com/okfn-brasil/serenata-de-amor> (мувожаат қилинган сана: 5.01.2026).
5. Jarbas | Serenata de Amor [Электрон манба]. URL: <https://jarbas.serenata.ai/layers/#/documentId/0/> (мувожаат қилинган сана: 5.01.2026).
6. Конференция государств – участников Конвенции Организации Объединенных Наций против коррупции <https://track.unodc.org/uploads/documents/UNAC/COSP/session11/CAC-COSP-2025-INF-1/2511272R.pdf>
7. Alcázar F. Un nuevo sistema de contrataciones públicas para México // IMCO. 2019.
8. Регуляторные и коррупционные риски. М.: ВШЭ, 2020.
9. Open Contracting Partnership [Пасмий сайт]. URL: <https://www.open-contracting.org> (мувожаат қилинган сана: 5.01.2026).
10. Revista Economía Colombiana – Océano [Электрон манба]. URL: <https://www.economicolombiana.co/revista/oceano-393> (мувожаат қилинган сана: 5.01.2026).

БУЮК БРИТАНИЯДА ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ АСОСИЙ МАНБАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ: муаллиф мазкур мақолада Буюк Британияда жиноят ҳуқуқининг асосий манбалари — суд қарорлари (прецедентлар) ва қонунлар (статутлар)дан иборат эканлигини ва уларнинг моҳиятини ёритиб ўтган. Шунингдек, Буюк Британияда жиноят ишларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири — содир этилган жиноятларнинг ижтимоий ҳавфлилик хусусияти ва даражасидан келиб чиқиб, жиноят ишлари магистрат ёки Қироллик судлари томонидан кўриб чиқишینی баён этган.

Таянч сўзлар: суд қарорлари (прецедентлар), қонунлар (статутлар), магистрат судлари, Қироллик судлари.

Ҳар бир давлатда жиноят ҳуқуқининг асосий манбалари мавжуд бўлиб, ушбу манбалар ўзига хос хусусиятлари билан бир-бирдан ажралиб туради. Жиноят ҳуқуқининг манбалари ҳар бир давлат томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши самарали курашиш бўйича олиб борилаётган ислохотлар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли таъминлашдан келиб чиқиб ишлаб чиқилади.

Хусусан, Англияда ҳозирги вақтда жиноят ҳуқуқининг манбалари суд прецедентлари (умумий ҳуқуқ) ва статутлар (Парламент актлари ҳуқуқи) ҳисобланади. Англия жиноят ҳуқуқида уни умумий тартибга солувчи кодификацияланган кодекс мавжуд эмас, ушбу ҳолат Англия жиноят ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги жиноят ҳуқуқининг асосий манбалари куйидагилардан иборат:

Суд қарорлари (прецедентлар) бўлиб, улар умумий ҳуқуқ (Common Law) тизимини ташкил қилади. Мазкур тизимнинг шаклланиши XII асрга бориб тақалади. Умумий ҳуқуқ прецедентларнинг яхлит тизими ҳисобланиб, ўзига хос иерархия, суд қоидалари ва суд қарорларини қабул қилиш жараёнларини ўз ичига олади. Бироқ барча инглиз судлари қарорлари прецедент сифатида мажбурий кучга эга эмас. Прецедент мақомига фақат юқори суд инстанциялари қарорлари эга бўлиб, уларга Апелляция суди (Court of Appeal), Лордлар палатаси судьялари (House of Lords) қарорлари киради ва улар барча куйи инстанция судлари, яъни Олий адлия суди (High Court of Justice), графлик (county court) ва магистрат (magistrates' court) судлари учун мажбурий ҳисобланади.

Қонунлар (статутлар) — парламент томонидан қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларидир (Statute Law). Статут ҳуқуқи XVII аср инқилобининг натижаси сифатида парламент ҳокимиятининг мустақамланиши билан жадал ривожланди. Ҳажми ва мазмунига кўра статут ҳуқуқи умумий ҳуқуқни сиқиб чиқара бошлади. Статут ҳуқуқи жиноят ҳуқуқининг Умумий қисми бўйича кўплаб нормаларни ва Махсус қисмдаги деярли барча институтларни ўз ичига олади. Статут ҳуқуқининг муҳим қонунчилик ҳужжатларидан 2011 йилдаги “Терроризмнинг олдини олиш ва тергов чоралари тўғрисида”ги қонун ҳамда 2015 йилдаги “Оғир жиноятлар тўғрисида”ги қонунни мисол қилиб келтириш мумкин.

Парламент топшириғига биноан Вазирлар Маҳкамаси аъзолари парламент томонидан қабул қилинган қонунларни амалга оширишни таъминловчи “қонунчилик ҳужжатлари”ни чиқаришлари мумкин. Масалан, Буюк Британия Ички ишлар вазирлиги томонидан қабул қилинган 1261-сонли Қонунчилик ҳужжати терроризмга алоқадорликда гумон қилинаётган тақиқланган ташкилотлар кўшимча рўйхатини белгилайди.

Инглиз жиноят қонунчилигини кодификация қилиш бўйича бир неча бор уринишлар қилинган. Бундай уринишлардан бири таниқли инглиз юристи Ж.Ф.Стифен томонидан 1878 йилда ишлаб чиқилган Жиноят кодекси лойиҳасидир. Бироқ барча ушбу лойиҳалар қоғозда қолиб кетган. Англия жиноят қонунчилиги асосан қонунлар — статутлар қабул қилиш йўли билан ривожланмоқда.

Англия жиноят қонунчилигида соҳалараро нормаларни ажратиш принципи мавжуд эмаслиги сабабли, жиноят ҳуқуқининг Умумий қисмига оид нормаларнинг аниқ тизими мавжуд эмас. Умумий қисм институтлари суд прецеденти ва жиноят ҳуқуқи доктриналарида мустақамланган. Масалан, XIX аср ўрталарида Ж.Ф.Стифен жиноят тушунчасига куйидаги таърифни берган: “Жиноятлар деб айнан қонун билан жазога тортилиш таҳдиди остида тақиқланган ҳаракатларга айтилади”. Бу таъриф инглиз жиноят ҳуқуқи доктринасида классик ҳисобланади.

1967 йилгача Англияда жиноятлар давлатга хиёнат, оғир ва енгил жиноятлар деб таснифланган. 1967 йилги Жиноят ҳуқуқи тўғрисидаги қонун билан жиноятларни оғир ва енгил жиноятларга ажратиш бекор қилинди. Ҳозирда моддий белгиларига кўра жиноятлар давлатга хиёнат ва бошқа жиноятлар сифатида таснифланади. Умумий ва статут ҳуқуқи асосида жиноятлар умумий ҳуқуқий жиноятлар ва статут жиноятларига бўлинади. Умумий ҳуқуқий жиноятлар — суд прецеденти орқали белгиланган ҳуқуқбузарликлар бўлиб, уларга қасддан одам ўлдириш (murder), одам ўлдириш (manslaughter) ва фирибгарлик мақсадида тил бириктириш каби жиноятлар киради. Статут жиноятлари эса тўлиқ таърифлари статутларда берилган жиноятлардир.

Буюк Британия қонунчилигида жиноий ҳуқуқбузарликларнинг уч тоифаси мавжуд. Судлар жиноий ҳуқуқбузарликларни улар мансуб бўлган тоифага мувофиқ кўриб чиқади. Тоифалар ўртасидаги асосий фарқлар — жазо муддати, суд тури ва қарор қабул қилувчи орган (ёки шахс) ҳисобланади.

Майда ҳуқуқбузарлик — бу жиноий ҳуқуқбузарликнинг энг энгил тури ҳисобланади. Майда ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар фақат магистрат судида кўриб чиқилиши мумкин. Бироқ, агар майда ҳуқуқбузарлик ўрта оғир ёки оғир жиноятлар тоифасига кирувчи бошқа жиноят билан боғлиқ бўлса, у айрим чекланган ҳолларда Қироллик судида кўриб чиқилиши мумкин.

Барча жиноий ишларнинг аксарияти магистрат судида кўриб чиқилади. Майда ҳуқуқбузарлик учун одатда энг юқори жазо — 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки 5000 фунт стерлинг миқдорига жарима ҳисобланади. Магистрат суди муайян ҳаракатларни тақиқловчи буйруқлар чиқариши ёки жамоат ишлари каби жазо чораларини тайинлаши мумкин. Магистрат судидаги ишлар, одатда, туман судьяси томонидан яқка тартибда ёки уч нафар тинчлик судьялари ҳайъати томонидан кўриб чиқилади.

Ўртача оғирликдаги жиноятлар магистрат судида ёки Қироллик судида кўриб чиқилиши мумкин. Ушбу тоифадаги ҳуқуқбузарликлар доираси оғирлик даражаси жиҳатидан жуда кенг. Бунга қуйидаги жиноятларни мисол келтириш мумкин: ўғирлик, фирибгарлик, ҳужум ва оғир тан жароҳати етказиш, ҳужум қуролига ва назорат қилинадиган дори воситаларига эгалик қилиш ва сотиш, транспорт воситасини хавфли бошқариш, айрим жинсий жиноятлар, масалан, беҳаё тасвирларни сақлаш ҳамда бошқа қонунчилик ҳуқуқбузарликлар.

Ўртача оғирликдаги жиноят тўғрисидаги ишни қайси суд кўриб чиқишини аниқлашда асосий омил — айбланувчи айбдор деб топилган тақдирда унга бериладиган эҳтимолий жазо ҳисобланади. Мисол учун, ўғирлик жиноятининг оғирлиги нисбатан кичик дўкон ўғирлигидан тортиб, миллионлаб фунт стерлинг миқдорига йирик ўғирликкача фарқланиши мумкин. Шкаланнинг қуйи чегарасида дўкондаги майда ўғирлик каби жиноят магистрат судининг ваколатида қолади, юқори чегарасида эса катта миқдордаги пул маблағлари ва (ёки) жабрланувчиларга кенг кўламли таъсир кўрсатиш билан боғлиқ бўлган жиноят магистрат судининг ваколатидан ошиб кетадиган жазога лойиқ бўлганлиги сабабли Қироллик судига ўтказилади.

Магистрат суди томонидан кўриб чиқилмайдиган ўртача оғирликдаги жиноят учун кўпи билан 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин. Агар иш Қироллик судига ўтказилса, ушбу жиноят учун қонунда белгиланган энг юқори жазо қўлланилиши мумкин.

Ўртача оғирликдаги жиноятни содир этганликда айбланаётган шахс дастлаб магистрат судига келиши керак, у ерда ундан айбини тан олиш ёки инкор этиш сўралади. Магистрат суди иш ҳолатларини тинглаб, суд муҳокамаси ёки ҳукм чиқариш қаерда ўтказилиши кераклиги тўғрисида қарор қабул қилади. Муайян жиноятнинг ҳолатлари унинг оғирлигини белгилайди ва шу асосда жазо магистрат ваколати доирасида бўладими ёки ишни янада қаттиқроқ жазолар тайинланиши мумкин бўлган Қироллик судига ўтказиш керакми, деган қарор қабул қилинади. Ўғирлик мисолида, агар

иш магистрат судида кўриб чиқилса, энг юқори жазо 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш, агар иш Қироллик судида кўриб чиқилса, 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўрта оғирликдаги жиноятлар магистратлар суди томонидан кўриб чиқилиб, магистрат ёки туман судьяси томонидан ҳал қилинади. Қироллик суди томонидан кўриб чиқилмайдиган ишлар эса судья ва суд маслаҳатчилари томонидан ҳал этилади.

Ўта оғир жиноятлар жиноий ҳуқуқбузарликларнинг энг жиддий тоифаси ҳисобланади ва фақат Қироллик судида кўриб чиқилиши мумкин. Бу энг оғир жиноят тоифаси бўлганлиги сабабли, максимал жазо сифатида узок муддатга озодликдан маҳрум қилиш қўлланилади. Фақат суд маслаҳатчилари судловига тегишли бўлган кўплаб жиноятлар учун энг юқори жазо умрбод озодликдан маҳрум қилишдир. Фақат суд маслаҳатчилари судловига тегишли жиноятда айбланаётган шахс дастлаб магистратлар судида кўриб чиқилиб, иш дарҳол судья томонидан кўриб чиқилиши учун Қироллик судига ўтказилади.

Фақат суд маслаҳатчилари судловига тегишли жиноятлар қаторига қуйидагилар қиради: қасддан ёки зўрлаш, эҳтиётсизлик оқибатида одам ўлдириш, босқинчилик, ўқотар қуролни ноқонуний сақлаш, транспорт воситасини хавфли бошқариш натижасида ўлимга сабаб бўлиш.

Юқоридагиларга мувофиқ, Буюк Британияда жиноят ишларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири — содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасидан келиб чиқиб, жиноят ишларини магистратлар ёки Қироллик судлари томонидан кўриб чиқилишидир. Жиноятларнинг тоифасига қараб ишларни турли судларда кўриб чиқиш амалиёти нафақат суд-ҳуқуқ тизимининг самарадорлигини таъминлайди, балки ҳар бир жиноят ишига индивидуал, аниқ ва мувозанатланган ёндашувни тақозо этади. Бу ҳолат, ўз навбатида, ҳуқуқий муомалада нисбатан адолатли ва ҳуқуқий кафолатланган ечимларни таъминлашга хизмат қилади. Бундай модел жиноятга муносиб жазо тайинлаш, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш ва судлов органларининг иш ҳажмини оптималлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу тариқа, Буюк Британияда жиноят ишларини кўриб чиқиш тизими жиноят ҳуқуқи ва жиноят-процессуал ҳуқуқи нормалари ўртасидаги мутаносибликни сақлаган ҳолда, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилгандир.

Дониёр УСМОНОВ,

Тошкент халқаро университети Ҳуқуқий фанлар кафедраси доценти, ю.ф.б.ф.д. (PhD), доцент

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хапов А.В. Источники английского Общего права: судебные прецеденты // Российская юстиция. 2006. – № 3. – С. 64.
2. Ведерникова О.И. Уголовное право и уголовная политика Великобритании // Ежегодник уголовного права. 2007. – № 2. – С. 515-516.
3. Есаков Г.А., Крылова Н.Е., Серебренникова А.В. Уголовное право зарубежных стран: учебное пособие. – М., 2010. – С. 121.
4. Types of Criminal Offence in UK Law // <https://www.dracycottbrowne.co.uk/investigations/types-criminal-offence>.

ҲАРБӢЙ ХИЗМАТЧИЛАР ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

АННОТАЦИЯ: мақолада Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, бу борадаги хорижий тажриба, шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ижтимоий ҳимояси масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Давлат, Қуролли Кучлар, қонун, низом, ҳарбий хизматчи, прокурор назорати, ижтимоий ҳимоя, ҳарбий прокуратура, ташкилий-ҳуқуқий асослар.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва унинг ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилган.

Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ҳарбий хизматчилар давлат мустақамлиги ва ҳудудий дахлсизлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш вазифасини бажарадиган муҳим субъектлардир. Уларнинг хизмат фаолияти махсус шарт-шароитларда, кўпинча хавфли ва экстремал вазиятларда амалга оширилиши, уларнинг ҳуқуқларини қўшимча ҳимоя қилиш заруратини келтириб чиқаради. Амалиётда ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари ҳам кўзга ташланади.

Бугунги кунда ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш механизмларини, бу борада прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш долзарб масалага айланиб қолмоқда. Ушбу кафолатларнинг амалда тўлиқ бажарилиши, уларнинг ҳар бир ҳарбий хизматчи манфаатига мос равишда қўлланилиши прокурор назоратининг самарадорлиги билан бевосита боғлиқ.

Давлатимизда ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.02.2025-йилдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.08.2005-йилдаги ПҚ-158-сонли "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 09.04.2025-йилдаги 214-сонли Қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича нормалар белгиланган. Қайд этилган Президент ва Вазирлар Маҳкамаси Қарорларига асосан, ҳарбий хизматчилар учун уй-жой ижара компенсацияси суммаси оширилди, уй-жой хариди (ёки қурилиши) учун ажратиладиган ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадал миқдори 35 фоиз этиб белгиланди, шунингдек, ҳарбий хизматчиларни турар-жой билан таъминлаш механизмлари соддалаштирилди, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг умумий принциплари, турар-жой билан таъминлашнинг давлат кафолати, соғлиқни сақлаш, моддий таъминот ва компенсация механизмлари такомиллаштирилди. Бу нормалар ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси барқарорлигини мустақамлайди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда қабул қилинган янги қонун ҳужжатлари Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъ-

золарига берилаётган ижтимоий-ҳуқуқий кафолатларни сезиларли даражада кенгайтди. Таъкидлаш лозим, қонунларга киритилган ҳарбий хизматчилар ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ кенг қамровли нормалар ижросининг тўлақонли таъминланиши бу борада ўрнатилган прокурор назоратининг самарадорлигига бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни 4-моддасига мувофиқ, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш ҳисобланади. Бу вазифа - прокуратура органларининг алоҳида ҳарбий тузилмаси бўлган - Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари томонидан амалга оширилади.

Ҳарбий хизматчиларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик талабларини чуқур таҳлил қилиш, бу соҳада прокурор назорати фаолиятига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади. Хусусан, ҳарбий хизматчиларнинг турар жой, соғлиқни сақлаш, таълим ва меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга оид кафолатларнинг кучайтирилиши прокурор назоратининг янги шакллари қўлланилиши талаб этади. Назорат фаолиятини такомиллаштириш учун, биринчи навбатда, ҳарбий прокуратуранинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси кафолатларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши бўйича назорат ваколатларини янада аниқ белгилаб берувчи идоравий ҳужжатларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Масалан, Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг уй-жой таъминотига оид қонунчилик ижроси устидан назоратни ҳар бир хизматчининг аниқ эҳтиёжига қараб ташкил этиш, шунингдек, ҳарбий округлар даражасида муаммоларни тизимли таҳлил қилувчи ҳуқуқий мониторинг гуруҳлари фаолиятини йўлга қўйиш ижобий самара беради.

Прокурор назоратининг сифат ва самарадорлигини оширишда ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш зарурати ортиб бормоқда. Бу борада "Ҳарбий хизматчининг ижтимоий мақоми" Ягона электрон тизимини яратиш ва уни Ҳарбий прокуратуранинг назорат тизимлари билан интеграция қилиш таклиф этилади. Ҳарбий хизматчиларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш - Қуролли Кучларда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустақамлашда муҳим роль ўйнайди.

Ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, келгусида ҳарбий хизматчилар ижтимоий-ҳуқуқий кафолатлари бузилишининг олдини олишга қаратилган назорат бўйича махсус йўриқнома ишлаб чиқилиши, ҳарбий прокуратура органлари ходимларининг ҳарбий хизматчиларни уй-жой ҳуқуқларига оид қонунчилик нормаларини қўллаш бўйича малакасини ошириш тизими жорий этилиши, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларини тезкор



аниқлаш ва таҳлил қилиш имконини берувчи ягона электрон назорат тизими (ахборот базаси) яратилиши каби тақлифлар илгари сурилади. Бу чора-тадбирлар ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга, провардида Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигини оширишга ва бу соҳада қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳарбий хизматчиларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларини таҳлил этиш давомида бир қатор хорижий мамлакатлар қонунчилиги ўрганилди.

Масалан АҚШ, Россия ва Хитой каби ривожланган давлатлар Қуролли Кучларида ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари, уларнинг ижтимоий ҳимояси масалалари ўрганиб чиқилганида, бу давлатларда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларининг бузилишини текшириш, ижтимоий тўловлар ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланишини назорат қилиш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини мониторинг қилиш, уй-жой таъминоти дастурларининг бажарилишини текшириш, қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириш дастурларини назорат қилиш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш масалалари мунтазам равишда мониторинг қилиб борилади ва аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш чоралари кўрилади.

Бу борада АҚШ Қуролли Кучларида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш “Inspector General Office” - ички назорат органи, “Defense Legal Services Agency” - ҳуқуқий ёрдам хизмати, “Military OneSource” - кенг қамровли ёрдам дастури, “Veterans Affairs” - фахрийлар билан ишлаш департаменти каби бир неча махсус институтлар ҳамда прокурорнинг бу борадаги ваколатлари ва вазифалари орқали амалга оширилади.

Шунингдек, Америка Қўшма Штатларида ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий ҳимояси Ҳарбий жиноятлар ягона кодекси (UCMJ) асосида таъминланади. Ҳарбий хизматчилар ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда ҳарбий судларга, шунингдек фуқаролик судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

АҚШда JAG (Judge Advocate General) хизмати фаолият юри-тиб, ҳарбий хизматчиларга бепул ҳуқуқий маслаҳат ва ҳимоя кўрсатади. Бу тизим ҳарбий хизматчиларнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Хорижий мамлакатлардан Россия Федерациясида ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий ҳимояси марказлашган давлат назорати асосида ташкил этилганини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу соҳада асосий роль Ҳарбий прокуратура ва ҳарбий судлар зиммасига юклатилган.

Ҳарбий прокуратура ҳарбий қисмлар, муассасалар ва органларда қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширади. У ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган ҳолларда текширув ўтказиш, протест киритиш, тақдимнома бериш ва жавобгарлик масаласини қўйиш ваколатига эга.

Россияда ҳарбий хизматчиларга нисбатан жиноий ишлар ҳарбий судлар томонидан кўриб чиқилади. Ҳарбий судлар умумий суд тизимининг таркибий қисми ҳисобланиб, хизматга оид ҳуқуқбузарликлар, интизомий ва жиноий ишларни кўриб чиқиб ҳал қилади.

Шунингдек, Россия қонунчилигида ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси — пенсия таъминоти, тиббий хизмат, уй-жой билан таъминлаш, хизмат пайтида етказилган зарарни қоплаш каби кафолатлар мустаҳкамлаб қўйилган.

Хорижий мамлакатлардан Хитойда ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий ҳимояси қатъий марказлашган ва давлат манфаатларига мослаштирилган тизим асосида амалга оширилади. Ҳарбий хиз-

матчиларнинг ҳуқуқий мақоми махсус қонунлар ва Халқ-озодлик армияси Низомлари орқали тартибга солинади.

2021 йилда қабул қилинган “Ҳарбий хизматчиларнинг мақоми ва ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун ҳарбий хизматчиларнинг шахсий, ижтимоий ва хизматга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Бу қонун ҳарбий хизматчиларнинг шаъни, кадр-қиммати, оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини ҳам қамраб олади.

Хитойда ҳуқуқий низолар, асосан ҳарбий иерархия доирасида ҳал этилади. Бу мамлакатда судга мурожаат қилиш имконияти мавжуд бўлса-да, амалиётда ҳарбий интизом ва буйруқларга бўйсиниш устувор ҳисобланади.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш давлат томонидан уларга юклатилган мураккаб ва маъсулиятли вазифалар бажарилишини таъминлашнинг муҳим омилидир. Қайд этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳарбий хизматчиларни ҳимоя қилишнинг асосий йўналишлари таҳлил этилган бўлсада, амалиётда уларнинг ижросини тўлақонли таъминлашда айрим нуқсонлар кўзга ташланмоқда.

Прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, прокуратуранинг ҳарбий соҳадаги назорат ваколатларини аниқлаштириш ва техник-ташкилий инфратузилмани модернизация қилиш орқали, прокурор назорати ҳарбий хизматчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи фаол ва самарали механизмга айланади, бу орқали ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини сезиларли даражада оширади.

Бунда асосий эътибор махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, махсус тузилмаларни яратиш, рақамли технологияларни жорий этиш, ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш ва кадрлар билимини оширишга қаратилиши лозим. Ташкилий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш чораларини амалга ошириш нафақат ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини оширади, шу билан бирга Қуролли Кучларда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчиларнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини яхшилашга ҳам хизмат қилади.

Баҳодир ХУДОЙБЕРДИЕВ,

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси катта ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “O‘zbekiston” Тошкент – 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” ги Қонуни. / охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан/ 2001 йил 29 август.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.02.2025 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.08.2005 йилдаги ПҚ-158-сонли “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 09.04.2025 йилдаги 214-сонли Қарори.
6. Uniform Code of Military Justice (UCMJ) — АҚШ Қуролли Кучларига хизмат қиладиган ҳарбий хизматчилар учун жиноий ва интизомий ҳуқуқни белгилайди. U.S.C. Title 10, Chapter 47.
7. Military Law Russia (overview) — <https://lawgratis.com/blog-detail/military-law-at-russia>
8. Law on the Protection of the Status and Rights and Interests of Military Personnel (2021) — Хитойда ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий мақоми ва манфаатларини ҳимоя қилиш қонуни.
9. DCAF Military Justice Comparative Guidebook — ҳарбий адлия тизимларининг умумий назарияси ва амалий мисоллар.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ: МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Янги Ўзбекистон ҳуқуқий тараққиёти таҳлиладан кўриш мумкинки, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш устувор аҳамият касб этади.

Бу қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, мамлакатимиз тараққиётининг сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичи бошланганидан кейин миллий қонунчилик тарихида илк бор “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатда миллий қонунчиликда биринчи марта бу соҳадаги ниҳоятда муҳим қуйидаги 3 та тушунчага ҳуқуқий таъриф берилди:

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

манфаатлар тўқнашуви – шахснинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган (мавжуд манфаатлар тўқнашуви) ёки юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви) вазият¹.

Мазкур қонун билан коррупция таҳдидига оид ҳуқуқбузарликларни эрта аниқлаш, ўз вақтида унга чек қўйиш, салбий оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди;

иккинчидан, 2018 йил 12 апрелда мамлакатимиз қонунчилиги тарихида биринчи марта “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни² қабул қилинди. Ушбу қонунда коррупциянинг олдини олиш мақсадида фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларининг ижро этилишини таъминлаш, давлат органларининг ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ҳамда функцияларни бажариши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатишга қаратилган муҳим ҳуқуқий нормалар белгиланди;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият бошқаруви тарихида биринчи марта тўғридан-тўғри Давлат раҳбарига бўйсинадиган янги мустақил орган – Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (Конституцияга мувофиқ “республика коррупцияга қарши курашиш органи”³) ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон фармони⁴ билан ташкил этилган мазкур Агентлик “коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади”;

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қўшма қарори⁵ қабул қилиниб, унда Ўзбекистон парламенти фаолияти тарихида илк бор ҳар иккала палата (Қонунчилик палатаси ҳамда Сенат)да коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга масъул бўлган қўмиталар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари ҳузурида коррупцияга қарши курашиш бўйича Доимий комиссиялар ташкил этилди.

Бундан ташқари, Янги Ўзбекистонни дунёнинг энг ривожланган демократик давлатлари қаторига киришини таъминлашга қаратилган бир қатор концептуал хусусиятга эга ҳужжатлар, хусусан:

– “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”⁶;

– “Ўзбекистон – 2030” стратегияси⁷;

– “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури”⁸ каби фундаментал ҳужжатларда янги жамият аъзоларида коррупция балосига нисбатан кескин ва муросасиз муносабатни шакллантириш, бу борадаги қонунчилик нормаларидаги коррупциявий омилларни тубдан бартараф этиш вазифалари қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2025 йил 26 декабрда халқимиз ва Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида яна бир муҳим масала ҳақида алоҳида тўхталиб, “Такрор ва такрор айтаман. Коррупция – давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган, жамиятда ишонч муҳитини заифлаштирадиган энг жиддий таҳдид. Коррупцияга йўл қўйиш эса – ислохотларимизга хиёнатдир. Бу иллатга қарши курашиш бўйича 2026 йилда “фавқулодда ҳолат” эълон қиламиз”⁹ деб таъкидлаб ўтдилар.

Шу ўринда ички ишлар органларида коррупциянинг илдириши қандай салбий оқибатларга сабаб бўлиши ҳақида бугунги амалиёт таҳлили ҳамда олимларнинг илмий хулосалари таҳлилидан келиб чиқиб, ўзимизнинг баъзи бир фикр-мулоҳазаларимизни ҳам баён этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик:

– **қонун устуворлигининг бузилиши** – агар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўз ваколатларидан шахсий манфаатлар йўлида фойдаланса, жиноятчиликка қарши кураш самарадорлиги кескин пасаяди;

- **ижтимоий ишончсизлик** – кенг жамоатчиликнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига нисбатан ишончсизлиги ортиб кетса, ўз навбатида жамиятда ҳуқуқий маданият ва қонунга итоаткорлик даражаси ҳам тушиб кетади.

- **уюшган жиноятчилик** – айнан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги коррупция ҳолатларининг мавжудлиги жиний гуруҳларга давлат тизимига суқилиб кириш имконини беради;

- **кадрлар деградацияси** – коррупция ҳалол ишлайдиган ходимларнинг мотивациясини пасайтиради ва профессионаллик даражасини туширади;

- **ҳалқаро нуфуз** – коррупция даражаси юқори бўлган мамлакатларда инвестицион муҳит ёмонлашади ва давлатнинг ҳалқаро рейтинглардаги ўрни пасаяди.

Ички ишлар органларида коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги фақат қонунчиликни қабул қилиш билан чекланмайди, балки унинг амалга оширилишида самарали механизмларни жорий этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кадрлар сиёсатида шаффофлик муҳим омил ҳисобланади: ходимларни танлаш ва лавозимга тайинлаш жараёнларида очиқ танловлар, малака талабларининг аниқ белгиланиши ҳамда хизмат фаолиятини мунтазам баҳолаш коррупцияга мойилликни сезиларли даражада камайтиради ва давлат органлари фаолиятида адолат ва самарадорликни таъминлайди.

Рақамли технологиялардан фойдаланиш коррупция хавфини камайтиришда самарали восита бўлиб хизмат қилади. Ички ишлар органлари фаолиятини рақамлаштириш инсон омили таъсирини қисқартириб, маъмурий ҳуқуқбузарликларни расмийлаштириш, мурожаатларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини электрон шаклга ўтказиш орқали қарор қабул қилиш жараёнининг шаффофлигини таъминлайди ва назоратни осонлаштиради.

Ички ва ташқи назорат механизмлари коррупция ҳолатларини барвақт аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Ички хавфсизлик бўлинмалари, жамоатчилик назорати ва оммавий ахборот воситаларининг иштироки коррупциянинг ҳар қандай кўринишини тезда аниқлаш ва унга нисбатан чора кўриш имконини беради.

Ҳуқуқий маданият ва касбий масъулиятни ошириш коррупция профилактикасининг асосий қисми ҳисобланади. Ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини мустаҳкамлаш, касбий масъулиятини ошириш ҳамда мунтазам ўқув машғулотлари орқали этика қоидаларини тушунтириш хизмат интизомини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ижтимоий ва институционал хавфларни камайтиришда самарали восита ҳисобланади.

Бу борада хоризик олимларнинг фикрига эътибор қаратадиган бўлсак, АҚШлик академик Роберт Клитгаарднинг таъкидлашича, коррупцияга қарши курашишда асосий эътибор жазога эмас, балки унинг пайдо бўлишига сабаб бўладиган институционал омилларни бартараф этишга қаратилиши лозим¹¹. Олимнинг фикрига кўра, давлат органлари фаолиятида очиқлик ва жавобгарлик механизмлари кучли бўлган жойларда коррупция хавфи сезиларли даражада камайди¹⁰.

Иқтисодчи олим Сюзан Роуз-Аккерман коррупцияга қарши курашишда профилактика чоралари муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, давлат хизматчиларининг фаолияти устидан самарали назорат ўрнатиш

ва бошқарув жараёнларини шаффофлаштириш коррупция хавфларини камайтиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади¹¹.

Дунёда коррупцияга қарши курашда муваффақиятга эришган бир қатор мамлакатлар тажрибаси мавжуд. Жумладан:

• **Сингапур:** давлат хизматчиларининг юқори маоши, қатъий жазо чоралари ва кучли назорат тизими орқали натижага эришган. У ерда коррупцияга қарши мустақил орган — Коррупцияни тергов қилиш бюроси (СРІВ) фаолият юритади.

• **Скандинавия давлатлари (Финляндия, Дания):** давлат бошқарувида шаффофлик, жамоатчилик назорати ва очиқ маълумотлар тизими асосий рол ўйнайди.

• **Грузия:** 2004 йилда полиция тизимида ўтказилган "шок терапияси" ислохоти орқали Давлат автомобил назорати тўлиқ тугатилиб, янги шаффоф тизим яратилган ва бу коррупцияни кескин камайтирган.

Жаҳон банки экспертлари таъкидлашича, давлат бошқарувида рақамли технологияларни жорий этиш ва очиқ маълумотлар тизимини ривожлантириш коррупция хавфини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга¹². Шунингдек, **Transparency International** ташкilotи тадқиқотларида жамоатчилик назорати энг самарали восита сифатида қайд этилган¹³.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, суд-ҳуқуқ тизими фаолиятларини рақамлаштириш ва ходимларнинг одоб-ахлоқ кодексини мустаҳкамлаш, ички ишлар органлари фаолиятини янада самарали қилишга хизмат қилмоқда. Келгусида рақамли бошқарув тизимларини кенг жорий этиш, хизматчиларнинг профессионал тайёргарлигини ошириш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш коррупция хавфларини камайтиришда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Иззатулло ТОЛИБОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Жиноят ҳуқуқи кафедраси доценти в.б., юридик фанлар доктори

Фойдаланилган адабиётлар:

1. "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. <https://lex.uz/docs/3088008>
2. "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. <https://lex.uz/docs/3679092>
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси [Матн]. – Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish, 2023 й. – 112 б. 52-53 бетлар.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6013-сон фармони. <https://lex.uz/docs/4875784>
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг Қўшма қарори. <https://lex.uz/uz/docs/5169562>
6. <https://lex.uz/docs/5841063>
7. <https://lex.uz/docs/6600413#6605157>
8. <https://lex.uz/docs/8050787>
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/8834>
10. Klitgaard R. Controlling Corruption. University of California Press, 1988.
11. Rose-Ackerman S. Corruption and Government: Causes, Consequences and Reform. Cambridge University Press, 1999.
12. World Bank. Helping Countries Combat Corruption, 2020.
13. Transparency International. Global Corruption Report, 2019.

СУД ҲОКИМИЯТИ ОЧИҚЛИГИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

АННОТАЦИЯ: мақолада суд ҳокимияти ва суд қарорлари очиқлигини таъминлаш жамоатчилик назоратининг муҳим воситаси сифатида таҳлил қилинади. Тадқиқотда суд тизимини ислоҳ қилишнинг стратегик мақсадлари, соҳадаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва рақамлаштириш жараёнларининг аҳамияти ёритилган.

Муаллиф судлар фаолиятининг шаффофлиги жамият ишончини ошириш ва адолатли қарорлар қабул қилинишида масъулиятни кучайтиришини асослаб беради. Шунингдек, мақолада Германия тажрибаси ва маҳаллий олимларнинг қарашлари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиниб, соҳани такомиллаштириш бўйича ҳулосалар илгари сурилган.

Калит сўзлар: Суд, суд қарори, суд ҳокимияти, очиқлик, шаффофлик, ҳал қилув қарори, ҳукм, онлайн суд, видеоконференцалоқа режими, жамоатчилик назорати, жамоатчилик муҳокамаси, хорижий тажриба.

Жамоатчилик назорати фуқаролик жамияти институтлари, кенг аҳоли томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини қонунга мувофиқлик нуқтаи назаридан мунтазам назорат қилишни, ушбу фаолиятда бевосита иштирок этишни англатади. Бундай назорат одатда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини таҳлил қилиш, бу борадаги жамоатчилик фикрини ўрганиш, шакллантириш, баҳолаш ва баён қилиш орқали намоён бўлади.

Суд қарорларининг очиқлигини таъминлаш жамоатчилик назоратининг муҳим воситаси бўлиб, бу жараён судлар фаолиятини янада шаффофлаштиради ва аҳолининг тизимга бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Ушбу мақсадга суд мажлисларини ошқора ўтказиш, қарорларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ҳамда жамият билан тизимли мулоқотни, хусусан брифинг ва матбуот конференцияларини ташкил этиш орқали эришилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг 86-мақсадида суд ҳокимияти мустақиллигини кучайтириш ва одил судлов даражасини оширишнинг аниқ самарадорлик кўрсаткичлари белгиланган. Жумладан, маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид шикоятларнинг 50 фоизини электрон шаклда қабул қилиш, тadbirkorларга оид жиноят ишларининг 100 фоизда ҳимоячи иштирокини таъминлаш, судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини тўлақонли жорий этиш ҳамда Ҳуқуқ устуворлиги индексида 0,64 балл ва бошқарув сифати индикаторларида 61,5 баллга эришиш назарда тутилган.

Судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш фуқароларнинг судларга ҳеч қандай бюрократик тўсиқларсиз муурожаат қилишига имконият беради. Биринчидан бугунги кунда ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс даъво ариза, ариза ёки шикоятларини "exsud.sud.uz" сайти орқали электрон кўринишда юбориши мумкин. Шунингдек, Олий суд томонидан "mysud.uz" сайти орқали "судга электрон муурожаат юбориш", "судга муурожаат намуналари", "давлат божи калькулятори", "электрон тўлов тизими", "суд қарорларини онлайн олиш" каби интерактив хизматларнинг йўлга қўйилгани фуқароларнинг муурожаат қилиш имкониятини кенгайтирмоқда.

Иккинчидан, фуқароларнинг суд ишларида иштирок этиш имкониятини оширади. Аниқроқ айтганда, фуқаролар бугунги кунда видеоконференцалоқа режимидан фойдаланилган ҳолда суд ишларини юритишда иштирок этиш имкониятига эга.

Учинчидан, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчиликка ўз вақтида ва объектив ахборот бериш жамиятда ҳуқуқий ҳабардорлик даражаси ошишига имкон яратади. Жумладан, бугунги кунда мазкур маълумотларни онлайн тарзда олиш имконини берувчи "statsud.uz" сайти ишга туширилгани алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тўртинчидан, судларнинг иш фаолиятини энгиллаштиришга хизмат қилади. Буни "Адолат" ахборот тизимлари комплекси орқали кўриш мумкин. Мазкур тизим орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари, адвокатлар томонидан судларга даъво, ариза ва шикоятларни фақат электрон шаклда тақдим этиш, манфаатдор шахслар томонидан даъво, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш жараёнини онлайн тарзда кузатиб бориш, суд мажлиси иштирокчилари томонидан маълумотлар ва ҳужжатларни электрон шаклда юбориш ҳамда суд ҳужжатларини судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда автоматлаштирилган равишда шакллантириш имконини бермоқда.

Бешинчидан, судлов фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш ва судга нисбатан жамият ишончини оширишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Шу муносабат билан судлар суд муҳокамаси ошқоралиги ва судлар фаолиятига доир ахборотни олиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур шароит яратиши долзарб аҳамиятга эга.

Суднинг фаолияти қонунда белгиланган доирада суд жараёнларининг очиқлигини таъминлаш, қонунларнинг тўғри талқин қилиниши, суд ҳужжатларининг вақтида қабул қилиниши, уларни жамиятга тақдим этиб бориш билан боғлиқ жараён ва ҳаракатларда ҳамда суд ҳужжатлари, яъни маълумотлар ва ахборотларни ўз вақтида тарқатишда намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, суд ҳужжатлари, яъни ахборотларнинг очиқлиги бу – суднинг очиқлигини таъминлашни англатади.

Судлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг муҳим воситаси сифатида суд ҳокимияти қарорлари очиқлигини таъминлаш бобида ривожланган хорижий давлатларнинг илгор тажрибасини мамлакатимиз қонунчилигига татбиқ этиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Шу маънода бу борада қатор ижобий натижаларга эришган Германия давлатининг тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қиламиз.

Германияда очиқлик сиёсати, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати суд қарорлари ва уларнинг очиқлиги борасида ҳам кўзга ташланади. Масалан, Open Legal Data ташкилоти Германия суд қарорларининг катта ҳажмдаги маълумотларини очиқ маълумот сифатида тақдим этган. Бу маълумотлар анонимлаштирилган ва қонунчиликка мувофиқ равишда тақдим этилган. API орқали (масалан, суд қарорларини олиш учун) сўров юбориш учун рўйхатдан ўтиш шарт эмас, аммо баъзи ҳолатларда API калити талаб этилиши мумкин. API калитини олиш учун аккаунт яратиш ва авторизациядан ўтиш керак бўлади.

OpenJug ҳам Германия суд қарорларини бепул ва онлайн тарзда тақдим этувчи очиқ манбали (Open Source) платформа бўлиб, у айниқса журналистлар, олимлар ва ҳуқуқшунослар учун ишончли манба ҳисобланади. Платформада суд қарорлари машиналар ўқий оладиган форматда тақдим этилади, бу эса тизимли таҳлил ва илмий тадқиқотлар олиб боришни анча



осонлаштиради. Ушбу платформа давлат ва жамият ўртасидаги ахборот алмашинуви шаффолаштиришга хизмат қилиб, оммавий ҳуқуқий маълумотлардан кенг фойдаланиш имконини яратади. Шу билан бирга, REST API интерфейси орқали фойдаланувчилар керакли маълумотларни автоматлаштирилган усулда олишлари мумкин.

Juris эса тўловли платформа бўлиб, Германиядаги Федерал судлар ва инстанция даражасидаги судлар қарорларини ўз ичига олган кенг маълумот базасини тақдим этади. Бу ресурс кўпроқ профессионал ҳуқуқшунослар ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти мутахассислари томонидан кенг фойдаланилади. Мазкур портал кенг қамровли ва доимо янгиланиб бориладиган маълумотлар тўпламини ўз ичига олиб, Европа суди, Федерал суд, Федерал меҳнат суди, олий ер судлари каби инстанцияларнинг қарорларини тез ва самарали тарзда топиш имконини беради.

Фойдаланувчилар суд қарорларини иш рақами, суд номи, сана, ҳуқуқ соҳаси ва бошқа мезонлар бўйича излаб топишлари мумкин. Шунингдек, қарорларни тўлиқ матнда ўқиш ва юклаб олиш имкони ҳам мавжуд. Интеллектуал қидирув функциялари эса тегишли қарорларни топишни осонлаштиради.

Фойдаланувчиларнинг касбий фаолиятида доимий равишда ҳуқуқий масалаларга дуч келиш ҳолатлари бўлса, масалан, амалдаги суд қарорларини мунтазам ўрганиш зарурати туғилганда таҳлил тезлиги ва аниқлиги жуда катта аҳамиятга эга. Янги қарорларни тезда топиш ва улар билан самарали ишлашни билиш — профессионал фаолият самарадорлигини оширади.

Ҳозирда Германияда Juris фойдаланувчилари учун самарадорлик ва қулайлик — ҳуқуқий ишлаш жараёнини янги босқичга олиб чиқмоқда, яъни мазкур платформа фойдаланувчиларига ҳуқуқий фаолиятда кенг имкониятлар ва муҳим афзалликлар тақдим этмоқда. Ушбу платформа нафақат ҳуқуқий ишларни соддалаштиради, балки уларнинг умумий самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Масалан, фойдаланувчилар тегишли суд қарорлари ва амалдаги ечимларга жуда тез ва осон этиди, ортиқча вақт йўқотмай, керакли ҳуқуқий маълумотларга дарҳол эга бўлади, нафақат қарорларнинг тўлиқ матнини ўқиш, балки уларга оид ҳуқуқий изоҳлар, шарҳлар, маълумотномалар ва бошқа қўшимча материаллар билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлади. Бу эса ҳуқуқшуносларга, адвокатларга ва тадқиқотчиларга иш жараёнида ишончли, аниқ ва таҳлил қилинган билмлар асосида қарор қабул қилиш имконини беради.

Германияда суд қарорларини эълон қилиш — оммавий вазифа сифатида белгиланган. Яъни, жамоатчилик суд тизими фаолияти билан танишиш ва уни назорат қилиш ҳуқуқига эга. Бироқ, бу жараёнда шахсларнинг шахсий маълумотлари хавфсизлигини таъминлаш ҳам жуда муҳим.

Германиянинг ҳуқуқшунос олимлари суд қарорларининг шаффофлиги ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш (анонимлаштириш) ўртасидаги зиддият борасида кўплаб тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Профессор, доктор Аксель Адриан (Prof. Dr. Axel Adrian) ва бир қатор немис олимлари “Е-суд” учун анонимлаштиришнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, Германияда эълон қилиниши лозим бўлган суд қарорларининг ҳатто 2 % га ҳам етмаслиги, чунки уларни эълон қилиш учун зарур бўлган анонимлаштириш ҳалигача асосан қўлда амалга оширилиши, шахсий маълумотларни анонимлаштириш кўп вақт талаб этиши ва бутунлай қўл меҳнатига асослангани сабабли, суд қарорларининг катта қисми умуман эълон қилинмай қолаётганлигини таъкидлайдилар.

Яна бир немис олими, доктор Мартин Цвикельнинг (Dr. Martin Zwickel) таъкидлашича, суд қарорларини очиқ тарзда эълон қилиш, шубҳасиз, мақсадга мувофиқдир. Бироқ бу жараёни Германияда амалга ошириш анонимлаштириш билан боғлиқ жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Унинг фикрича, шунчаки маълумотларни эълон қилишнинг ўзи етарли эмас. Бунда анонимлаштириш жараёнининг сифатли амалга оширилиши

ҳамда унинг ҳуқуқий ва техник стандартларга тўлиқ мос келиши зарурлиги асосий шарт сифатида изоҳланади.

Суд қарорларини эълон қилишда шахсий маълумотларни анонимлаштириш зарурати шунчаки техник ёки юридик масала эмас, балки шаффофлик ва шахсий ҳаёт дахлсизлиги ўртасидаги мувозанатни таъминловчи муҳим принципдир. “Оммавийлаштириладиган суд қарорлари аввал анонимлаштирилиши шарт” деган ёндашув Европа Иттифоқининг маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги умумий регламенти (DSGVO) билан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган.

Германияда шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш қонунчилиги ниҳоятда қатъий бўлиб, суд қарорлари фақат анонимлаштирилган ҳолда чоп этилади. Шахсга доир маълумотлар истисно тариқасида, фақат юқори жамоат манфаати мавжуд бўлган ҳоллардагина ошкор қилиниши мумкин. OpenJur каби платформалар ҳуқуқий маълумотлардан бепул фойдаланиш имконини бериш орқали суд тизими шаффофлигини оширишга ва демократик тамойилларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда, профессор М.М.Мамасиддиқов суд қарорларини чоп этиш тартибининг афзалликларига тўхталиб, бу амалиёт ахборот олиш имкониятини кенгайтиришни таъкидлайди. Унинг фикрича, суд қарорларининг эълон қилиниши айнан шу тоифадаги ишлар бўйича судга муружаатлар сонининг камайишига ёрдам беради ҳамда одил судловнинг очиқлик ва ошкоралик тамойилларини таъминлайди. Шунингдек, қарорларнинг жамоатчиликка ҳавола этилиши судьяларни ҳар бир ҳужжатни аниқ фактлар ва қонуний асослар билан мустаҳкамлашга ундайди ҳамда адолатли қарорлар қабул қилинишини таъкидлайди. Дарҳақиқат, суд ҳал қилув қарори ва ҳукмининг эълон қилиниши судьяларни иш юзасидан ўз қарорларини аниқ фактлар билан асослашга ундайди. Суд фаолиятининг очиқлиги, суднинг айрим тоифадаги ишлар бўйича қонуний қучга кирган ҳал қилув қарорлари ва ҳукмларининг жамоатчиликка маълум қилиб борилиши моҳият эътибори билан демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисми ва муҳим талабларидан биридир.

Фаррух ҒАЙБУЛЛАЕВ,

юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Арипов Д.У. Мустақил суд ҳокимияти. Монография. - Тошкент нашриёти, 2021. - 185 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон; 29.12.2023 й., 06/23/214/0984-сон; 21.03.2025 й., 06/25/51/0261-сон; 26.03.2025 й., 06/25/56/0274-сон.
3. Қаранг: Судлар очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш учун соҳа рақамлаштирилади // <https://xabar.uz/mahalliy/sudlar-ochiqligi-va-shaffofligini-taminlash-uchun>
4. Тошов Б.Н. Суд ҳужжатлари очиқ-ошкоралигини таъминлаш – суд ҳокимиятини амалда таъминлашнинг гарови. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари (Мақолалар тўплами) / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. - Тошкент, “Noshirik yogdusi”. 2017. - 283 б.
5. <https://de.openlegaldata.io/>
6. Openjur vorerst gerettet: Verein haftet nicht für Gerichtsfehler // <https://www.heise.de>
7. <https://www.juris.de/jportal/nav/mgs/gerichtsentscheidungen.jsp#/produktauswahl>
8. Prof. Dr. Axel Adrian, Prof. Dr. Stefan Evert, Michael Keuchen, Philipp Heinrich, Natalie Dykes. Anonymisierung von Gerichtsurteilen – Eine wesentliche Voraussetzung für E-Justice // https://www.stephanie-evert.de/PUB/AdrianEtc2021_manuscript.pdf#:~:text=nicht%20gen%C3%BCgend%20Urteile%20als%20Trainingsdaten%20f%C3%BCr%20subsymbolische,arbeiten%20im%20Rahmen%20eines%20Forschungsprojektes%20mit%20dem
9. Dr. Martin Zwickel - Privatdozent, Friedrich-Alexander-Universität. Elektronische, maschinenlesbare Veröffentlichung von Gerichtsentscheidungen (Open Data): Ja, aber wie? https://lrz.legal.de/lrz/elektronische-maschinenlesbare-veroeffentlichung-von-gerichtsent-scheidungen-open-data-ja-aber-wie?utm_source=chatgpt.com
10. Inhalte der EU-Datenschutz-Grundverordnung (EU-DSGVO) Rechtsnormen der DSGVO // <https://datenschutz-grundverordnung.eu>
11. Мамасиддиқов М.М. Ҳаракатлар стратегияси: қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда суд-ҳуқуқ ислохотларини такомиллаштиришдаги туб бурилиш // Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари (Мақолалар тўплами) / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. - Тошкент, “Noshirik yogdusi”. 2017. - 14 б.

УНДИРУВНИ ГАРОВ МУЛКИГА ҚАРАТИШДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН АЙРИМ МАСАЛАЛАР

АННОТАЦИЯ: мақолада суднинг қарори билан ундирув қаратилган гаров мулкани гаровга олувчи ўзида олиб қолиш ҳуқуқидан такрорий кимошди савдоси амалга ошмагандан сўнг фойдаланмаганда келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар, ушбу соҳадаги қонунчиликни қўллаш борасида суд амалиётида учраётган ҳолатлар, амалдаги қонунчиликда мавжуд камчиликлар ҳамда бу борада ривожланган давлатлар қонунчилиги таҳлил қилиниб, уларнинг ечими бўйича асослантирилган таклифлар берилган.

Калит сўзлар: ундирув, гаров мулки, такрорий кимошди савдоси, гаров шартномаси, ипотека тугатилиши, гаров мулкани ўзида олиб қолиш ҳуқуқи.

Гаров институти замонавий фуқаролик муомаласининг ажралмас элементи сифатида қарздорнинг мажбуриятлари ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлашга қаратилган муҳим механизмдир. У аввало кредиторнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мажбуриятлар бажарилмаслиги хавфини пасайтириш ҳамда иқтисодий муносабатларда барқарорликни таъминлаш вазифасини бажаради. Гаровнинг ҳуқуқий табиати кредиторга белгиланган тартибда устувор қаноатлантириш имконини бериши, қарздорга эса ўз мол-мулкани самарали бошқариш ҳамда ресурслардан оқилона фойдаланишга туртки бериши билан изоҳланади.

Кейинги йилларда мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида берилган мол-мулкка нисбатан кредиторлар ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлаш, гаровга қўйилган мол-мулкни аукцион орқали сотиш жараёнларини соддалаштириш, шунингдек гаров билан таъминланган мажбуриятларни суддан ташқари тартибда ундириш амалиётини такомиллаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга гаров муносабатларини тартибга солувчи қонунчиликда айрим ҳолатлар мавжудки, судлар томонидан ҳуқуқ нормаларининг тўғри татбиқ этилиши, мазкур тоифадаги низоларнинг ечимини топиши ҳамда ягона суд амалиётини шакллантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 281-моддаси талабига кўра суднинг қарори билан ундирув қаратилган гаров мулкани мажбурий равишда реализация қилишда, гаровга олувчи гаров мулкани ўзида олиб қолиш ҳуқуқидан такрорий кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинган кундан эътиборан бир ой ичида фойдаланмаса, гаров тўғрисидаги шартнома бекор қилиниши белгиланган.

Бирок, ушбу Кодекснинг тегишли моддасида ундирув гаров мулкига қандай тартибда қаратилганда (суднинг қарорига мувофиқ ёки суддан ташқари) гаров шартномаси бекор қилиниши аниқ кўрсатилмаган.

“Гаров тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида эса ундирув гаров мулкига суддан ташқари қаратилиб, гаровга олувчи гаров нарсасини ўзига олиб қолиш ҳуқуқидан такрорий кимошди савдоси амалга ошмаганидан кейин фойдаланмаса, гаров шартномаси бекор қилиниши кўрсатилган. “Ипотека тўғрисида”ги Қонунда эса худди шундай ҳолатда ипотека тугатилиши белгиланган.

Қонунчиликдаги мазкур қарама-қаршиликлар, ўз навбатида гаровга олувчи гаров нарсасини ўзига олиб қолиш ҳуқуқидан фойдаланмаса гаров бекор қилинадими ёки тугатиладими? Агар, гаров бекор қилинадиган бўлса, мазкур қоида суднинг қарорига асосан ундирув қаратилган гаров мулкига нисбатан қўлланиладими ёки ундирув суддан ташқари қаратилган гаров мулкигами? Гаров ушбу асос билан бекор қилинганда мулк қандай тартибда таққидан чиқарилади? Агар, суднинг қарорига асосан ундирув қаратилган мулк бўйича гаров бекор қилинадиган бўлса, мазкур ҳолатда суднинг ундирувни гаров мулкига қаратиш тўғрисидаги қарори тақдирини нима бўлади? деган саволларни юзага чиқаради.

Бизнингча, Фуқаролик кодекси, “Гаров тўғрисида” ва “Ипотека тўғрисида”ги Қонунлардаги гаровнинг бекор қилиниши ёки тугатилишига оид номувофиқликлар қонунчиликдаги бевосита таржима билан боғлиқ.

Чунки, Фуқаролик кодекси (281-моддасининг олтинчи қисми) ва “Гаров тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддаси учинчи қисми рус тилидаги матнида юқори-

даги ҳолатларда “договор о залоге прекращается” жумласи ўзбек тилига “гаров шартномаси бекор қилинади”-деб таржима қилинган бўлса, “Ипотека тўғрисида”ги Қонуннинг 43-моддаси олтинчи қисми рус тилидаги “ипотека прекращается” жумласи тўғридан-тўғри “ипотека тугатилади”- деб таржима қилинган.

Ҳолбуки, “Ипотека тўғрисида”ги Қонунда қонун чиқарувчи гаровнинг “бекор бўлиши” (ФК 283-моддаси “прекращение залога”)ни назарда тутган. Қонунчиликдаги ушбу камчиликни ижобий ҳолат деб бўлмайди.

Зеро, қонун нормалари бир хил талқин қилинишини, тили раво ва тушунарли бўлиши лозим. Шу сабабли мазкур қонун нормасини Фуқаролик кодекси ва “Гаров тўғрисида”ги Қонун нормалари билан бир хиллаштириш талаб этилади.

Фуқаролик кодексига суднинг қарорига асосан ҳамда суддан ташқари ундирув қаратилган гаров мулкани реализация қилиш тартиби ва унинг ҳуқуқий оқибатлари бирга (281-моддада) акс эттирилган. Бирок, “Гаров тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасида суддан ташқари ундирув қаратилган гаров мулкани гаровга олувчи ўзига олиб қолиш ҳуқуқидан фойдаланмаслик оқибати баён қилинган.

Мазкур ҳолатда, соҳани махсус тартибга солувчи ва муддати жиҳатдан кейинроқ қабул қилинган “Гаров тўғрисида”ги Қонуни талабидан келиб чиқиб, суддан ташқари ундирув қаратилган гаров мулки бўйича гаровнинг бекор бўлиши қондаси қўлланилиши лозим. Чунки, тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовутлар бўлган тақдирда, кейинроқ қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қоидалари амал қилади.

Суд қарорига асосан ундирув қаратилган мулкни гаровга олувчи ўзида олиб қолиш ҳуқуқидан такрорий кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинган кундан эътиборан бир ой ичида фойдаланмаса, гаров тўғрисидаги шартнома ўз-ўзидан бекор қилинган бўлади деб баҳолаб, айрим судлар томонидан қонун нормаларини нотўғри талқин қилган ҳолда банкларга ёки нотариусларга гаровни таққидан чиқариш мажбуриятини юклатиш ҳолатлари учрамоқда.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 56-моддаси талабига кўра ундирувчи мол-мулкни ўзида қолдиришдан воз кечган ёхуд бу ҳақдаги ўз қарорини белгиланган муддатда ёзма шаклда таққидан этмаган тақдирда мол-мулк қарздорга қайтарилади ва ижро ҳужжати ундирувчига қайтариш билан тамомланади.

Бирок, ижро ҳужжатининг ундирувчига қайтарилиши мазкур ҳужжатнинг 3 йиллик ижрога таққидан этиш муддати доирасида янгидан ижрога топшириш учун тўсиқ бўлмайди. Демак, ундирувчининг ижро ҳужжатини қонунда белгиланган муддат доирасида мажбурий ижрога топшириш ҳуқуқи қонун билан қафолатланган.

Башарти, мазкур вазиятда гаровнинг бекор бўлиши қондаси суднинг қарорига асосан ундирув қаратилган гаров мулкига нисбатан ҳам қўлланиладиган бўлса, дастлабки қарорнинг ва унга асосан чиқарилган ижро варақасининг таққидирини нима бўлади?, деган савол туғилади.

Мазкур ҳолатда ундирувни гаров мулкига қаратиш тўғрисида қарор ўз кучида қолгани ҳолда, бир вақтнинг ўзида гаров бекор бўлгани тўғрисида сунъий равишда “юридик қарама қаршилиқ” (“юридик тупик”, “deadlock”) яратилган бўлади.

Чунки, агар гаровга қўювчи ундирувни гаров мулкига қаратиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш тўғрисида судга апелляция, кассация ёки тафтиш шикоятни билан муножаат қилса, айнан юқоридаги асосга кўра гаровнинг бе-

кор қилинганлиги важи билан суд ҳужжати ўзгартирилмайди ёки бекор қилинмайди.

Шунингдек, гаровнинг бекор қилиниши асоси суд ҳужжати қабул қилинган пайтда мавжуд бўлмаганлиги сабабли ҳам гаровга қўювчининг ундирувни гаров мулкига қаратиш тўғрисидаги қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризасини қаноатлантириш рад этилиши мумкин.

Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 4 январда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3113) 36-бандининг тўртинчи хатбошисидан нотариус битимни бекор қилинганлиги ёки ҳақиқий эмас деб топганлиги тўғрисидаги суднинг қонуний қучга кирган ҳал қилув қарори, ажримини олган тақдирда, бу ҳақда битимнинг нотариусдаги асл нусхасига тегишли ёзув киритиши ва ахборот тизимга маълумот киритиши белгиланган бўлиб, унда қонун (ФК 281-моддаси) талаби бўйича битим автоматик бекор бўлганлиги тўғрисида ёзув киритиш назарда тутилмаган. Шу сабабли ҳам нотариуслар томонидан юқоридаги асосга кўра гаров мулкни таққидан чиқариш тўғрисидаги аризалар рад этилади.

Бундан ташқари, гаровга қўювчининг бирламчи бозордаги кўчмас мулк ва транспорт воситалари бўйича гаровда турган мулкни таққидан чиқариш тўғрисидаги аризаси ҳам банк томонидан рад қилинади. Сабаби, муурожаат қилинган пайтда кредит шартномаси бўйича мажбуриятни тўлиқ бажарилмаган бўлади.

Мазкур соҳадаги чет эл амалиёти, хусусан Франция ва АҚШ қонунчилигига кўра белгиланган муддатда кредитор гаров мулкни ўзида олиб қолиш ҳуқуқидан фойдаланмаса фақатгина ушбу ҳуқуқи йўқолади. Гаров шартномаси эса бекор бўлмайди.

Германия Фуқаролик кодекси (BGB) ҳамда “Мулкни ким ошди савдосида мажбурий сотиш ва мулкни мажбурий бошқариш тўғрисидаги”ги Қонуни (ZVG) га кўра мулк аукционда сотилмаса кредитор мулкни ўзида олиб қолишни сўрашга ҳақли. Бироқ, кредитор бундан воз кечса, гаров автоматик тугамайди. Балки, гаров ҳуқуқи сақланиб қолади ва кейинчалик кредитор мулкни яна аукцион орқали сотишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Буюк Британияда қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаса, гаров мулкига эгалик (possession) кредиторга ўтади, сўнгра уй сотувга чиқарилади.

Россия Федерацияси қонунчилигида эса гаровга олувчи фақатгина кўчар мулк бўлган гаров нарчасини ўзига олиб қолиш ҳуқуқидан такрорий кимовши савдоси амалга ошмаганидан кейин фойдаланмаса, гаров тугатилиши белгиланган.

Юқоридагилардан кўриш мумкинки, аукцион ўтмади ёки кредитор муддатда ҳаракат қилмади деб гаров шартномаси автоматик бекор бўлиши механизм ривожланган давлатлар қонунчилигида мавжуд эмас.

Умуман ўтказилган таҳлиллар гаров институтининг фуқаролик муомаласидаги ўрни ва аҳамиятини янада ойдинлаштириб, унинг ҳуқуқий тартибга солиниши мажбуриятлар бажарилиши кафолатларини таъминлашда ҳал қилувчи механизм эканини кўрсатади. Гаров муносабатлари орқали кредитор ва қарздор ўртасидаги ҳуқуқий мувозанат сақланади, хатарлар минималлаштирилади ва иқтисодий муносабатларнинг барқарорлиги таъминланади. Шу боис гаров тўғрисидаги нормаларнинг аниқ, бир хил ва зиддиятсиз ижро этилиши бозор иқтисодиёти шароитида муҳим амалий аҳамиятга эга.

Амалда мавжуд қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, гаров мулкига ундирув қаратилганидан кейинги тартиб, гаровга олувчининг гаров предметини ўзида сақлаб қолиш ҳуқуқидан фойдаланмаслиги натижасида юзага келадиган ҳуқуқий оқибатлар, суд ҳамда суддан ташқари тартибдаги механизмларнинг ўзаро уйғунлашуви бўйича қатор ҳуқуқий бўшлиқлар мавжуд. Мазкур бўшлиқлар низоларнинг турлича ҳал этилишига, суд амалиётида ягона ёндашув шаклланмаслигига ва айрим ҳолларда кредитор ҳуқуқларининг етарлича ҳимоя қилинмаслигига олиб келмоқда.

Шу сабабли, суд қарорлари ва суддан ташқари ундирув қаратилган гаров мулкни реализация қилиш тартибини, шунингдек гаровга олувчи томонидан предметни ўзида олиб қолиш ҳуқуқидан фойдаланилмаган вазиятларда келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни алоҳида моддаларда, аниқ тартиблар билан Фуқаролик кодекси ҳамда махсус қонунларда мустаҳкамлаш таклиф этилади. Хусусан, “Ипотека тўғрисида”ги Қонун 43-моддасининг олтинчи қисмини Фуқаролик кодекси ва “Гаров тўғрисида”ги Қонун нормаларига мувофиқлаштириш норматив изчилликни таъминлаб, ҳуқуқий аниқлик ва амалий самарадорликни оширади.

Бу таклифларнинг амалга оширилиши натижасида, судлар томонидан ҳуқуқ нормаларини бир хил ва тўғри қўллаш, низоларнинг қонуний ечим топиши ва ягона суд амалиётининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Энг муҳими, кредиторлар ҳуқуқларининг устуворлиги таъминланиб, мажбуриятларнинг асоссиз равишда таъминотсиз қолиб кетиши олди олинади. Пировардида, гаров институтининг ҳуқуқий механизм сифатидаги барқарорлиги мустаҳкамланиб, фуқаролик муомаласида иқтисодий хавфсизлик ва ҳуқуқий аниқлик юқори даражада таъминланади.

Раҳматжон БЕРДИЯРОВ,

Одил судлов академияси доценти в.б., ю.ф.д.

Ортиқ ТҲТАЕВ,

Одил судлов академияси тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси – Тошкент, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2024 й. – 608 б. ISBN 978-9943-5620-2-8;
2. “Гаров тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги 614-сонли Қонуни. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.04.2025 й., 03/25/1060/0373-сон;
3. “Ипотека тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 октябрдаги ЎРҚ-58-сонли Қонуни. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.04.2025 й., 03/25/1060/0373-сон;
4. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сонли Қонуни. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.04.2025 й., 03/25/1054/0329-сон;
5. “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 258-II-сонли Қонуни. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.10.2025 й., 03/25/1089/0953-сон;
6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 4 январдаги 2-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 4 январда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3113). // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.01.2024 й., 10/24/3113-9/0068-сон;
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/18-сонли қарори билан тасдиқланган Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 2 июлда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3030) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.10.2025 й., 10/25/3030-11/0994-сон;
8. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Қонуний қучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришда иқтисодий процессуал қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2003 йил 25 июлдаги 111-сонли қарори;
9. Code civil des Français - Dernière modification le 13 août 2025 - Document généré le 18 août 2025 <https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/23230>;
10. Uniform Commercial Code (UCC) 9-620 – Acceptance of Collateral in Satisfaction of Obligation https://www.law.cornell.edu/ucc/9?utm_source=chatgpt.com;
11. Bürgerliches Gesetzbuch (BGB) Ausfertigungsdatum: 18.08.1896. <https://www.gesetze-im-internet.de/bgb/BGB.pdf>;
12. Gesetz über die Zwangsversteigerung und die Zwangsverwaltung Ausfertigungsdatum: 24.03.1897. <https://www.gesetze-im-internet.de/zvg/BjNR000970897.html>;
13. Financial Conduct Authority's (FCA) Mortgage Conduct of Business (MCOB) rules <https://handbook.fca.org.uk/handbook?entityId=mcoB>;
14. Michael v Miller [2004] ADR.L.R. 03/22 <https://www.nadr.co.uk/articles/published/AdresLReports/MichaelvMiller2004.pdf>
15. “Гражданский кодекс Российской Федерации (часть первая) от 30.11.1994 N 51-ФЗ (ред. от 31.07.2025, с изм. от 25.11.2025) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.08.2025) https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_5142/ddd2dee20083314dd526cc90f6b1c192008c43c8/#dst911.

СУРРОГАТ ОНАЛИК ШАРТНОМАСИ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

АННОТАЦИЯ: мақолада суррогат оналик шартномасининг ҳуқуқий табиати, замонавий амалиётдаги муаммолар ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тартибга солишининг мавжуд ҳолати таҳлил қилинган. Ўрганишлар доирасида суррогат оналик институтининг хорижий мамлакатлардаги тажрибаси, шартнома шартлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, низоли вазиятларни ҳал қилиш механизмлари ўрганилган.

Калит сўзлар: суррогат оналик, шартнома, репродуктив технологиялар, оила ҳуқуқи, генетик ота-она, фуқаролик ҳуқуқи, бола манфаатлари, қонунчилик ислоҳоти, ҳуқуқий тартибга солиш, низоларни ҳал қилиш.

Замонавий тиббиёт ва репродуктив технологияларнинг ривожланиши натижасида суррогат оналик институти кўплаб оилаларга фарзанд кўриш имкониятини яратди. Суррогат оналик шартномаси фуқаролик ҳуқуқининг нисбатан янги ва мураккаб институти бўлиб, у генетик ота-оналар, суррогат она ва туғилмаган боланинг манфаатларини мувозанатлашни талаб қилади.

Гарчи ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суррогат оналик натижасида фарзанд кўриш ҳоллари кузатилади аммо, ушбу турдаги муносабатларни тартибга солиш аниқ бир қонун ҳужжати ишлаб чиқилиб олмаган тақдирда этилмаган. Қонунчиликда ушбу бўшлиқнинг мавжудлиги суррогат оналик асосида ижтимоий муносабатларга киришган томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ноаниқлиги, низолар юзага келганда уларни қонуний ҳал этиш имконсиз бўлиб қолишига олиб келади. Ўз навбатида ушбу турдаги муносабатларни қонун доирасида расмийлаштиришни аҳолининг маълум қатлами ота-оналик ва боланинг ҳуқуқларига зид, деб ҳисоблайди. Айни жамоат фикрининг салбий тус олиши ҳам ушбу муносабатларни қонунчилик ҳужжатлар орқали тартибга солишни бирмунча қийинлаштиради, десак муболаға бўлмайди.

Суррогат оналик шартномаларини Фуқаролик кодекси – шартнома ҳуқуқи умумий нормаларини ўз ичига олган 353-385-моддалар асосида тартибга солиш зарур, деб фикр билдирувчи ҳуқуқшунослар ҳам йўқ эмас. Аммо, ушбу масалага диққат билан эътибор қаратар эканмиз суррогат оналик шартномаси оддий хизмат кўрсатиш шартномасидан хизмат предмети нуқтаи-назаридан кескин фарқ қилишини кўришимиз мумкин. Суррогат оналик шартномаси маълум хизматни бажаришни ўз ичига олиши мумкин аммо, ушбу хизмат натижаси бир шахсни бошқа бир шахсга топшириш мажбуриятини ҳам юклайди ва айнан мана шу доимий хизмат кўрсатиш шартномаларидан олинадиган натижадан кескин фарқ қилиб суррогат оналик шартномалари алоҳида қонун доирасида амалга оширилиши кераклигидан ишора беради.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси шартномалар бўйича умумий қоидаларни белгилаб берсада, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизимида суррогат оналик шартномасини тартибга солиш қонун ҳужжати бугунги кунда мавжуд эмас.

Хорижий мамлакатлар тажрибасига юзлансак, кўзимизга яққол ташланувчи ҳолат бу – кўпчилик давлатлар суррогат оналик шартномаларига нисбатан қаттиқ талаблар ўрнатганлигидир. Ушбу талаблар шартнома тарафлари ва дунёга келган боланинг ҳуқуқлари етарли даражада ҳимоя қилинишини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бир қатор мамлакатлар суррогат оналик шартномаларини тижорат мақсадида тузиш ҳуқуқларини ўз фуқароларига тақдим этса, айрим давлатлар ушбу ҳуқуқни фақат суррогат оналикка муҳтож шахсларга ёрдам сифатида (алтруистик) тақдим этиш ҳуқуқи билан чекланган. Ушбу давлатларга Буюк Британия ва Канадани мисол тариқасида келтиришимиз.

Томонларнинг бир қанча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бор. Булар генетик ота-оналар тиббий хизматлар учун тўлов, суррогат онани моддий таъминлаш, ҳомиладорлик даврида тиббий кузатувни таъминлаш кабилардир. Ўз ўрнида суррогат онанинг ҳам тиббий кўрсатмаларга риоя қилиш, соғлом турмуш тарзини юритиш, туғилган болани топшириш каби мажбуриятлари мавжуд.

Суррогат оналик гарчи бир неча ўнлаб давлатларда қонуний тартибга солинган бўлсада, аммо ушбу муносабатлар юзасидан ҳозирги пайтга қадар бир нечта турли низолар келиб чиқиш ҳолатлари кузатилган. Кўп ҳолларда суррогат оналик шартномаси қонуний тузилган ёки тузилмаганидан қатъий назар суррогат она болани беришдан бош тортади ёки аксинча ота-оналар болани олишдан бош тортишлари мумкин. Айни шу низолар самарали ҳал этилиши учун суррогат оналик шартномалари тузилиши ва ушбу муносабатларни тартибга солиш қонунчилик мавжуд бўлиши зарур.

Кўшимча қилиб суррогат оналик шартномаси нафақат суррогат она ва болани қабул қилувчи генетик ота-она ҳуқуқларини белгилаб беради, балки у келажакда ўсиб вояга етadиган фарзанднинг ота-онасини билиш, ҳимояланган ҳолда воқелиқдан хабардор бўлиш, яъни ўз шахси бўйича маълумот олиш ҳуқуқи таъминланишининг ҳам асоси ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, суррогат оналик шартномаси фуқаролик ҳуқуқининг мустақил институти сифатида эътироф этилиши ва алоҳида тартибга солиниши зарур. Ўзбекистон қонунчилигида суррогат оналик муносабатларини тартибга солишда жиддий бўшлиқлар мавжуд. Хорижий тажриба генетик ота-оналар, суррогат она ва боланинг ҳуқуқларини мувозанатлаштирилган ҳимоя қилиш заруратини кўрсатади. Муаммони ҳал этиш учун "Суррогат оналик тўғрисида"ги махсус қонун қабул қилиш, Оила кодексига суррогат оналик орқали туғилган болаларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисида кўшимчалар киритиш, тиббий стандартлар ишлаб чиқиш, суррогат оналарни танлаш мезонларини белгилаш, давлат назорати механизмини яратиш ва оилавий низоларни кўриш учун махсус суд палатасини ташкил этиш таклиф этилади. Келажакда трансчегаравий суррогат оналик, ёлғиз шахсларнинг ҳуқуқлари, эмбрионларнинг ҳуқуқий мақоми ва психологик аспектларни тадқиқ қилиш муҳим йўналишлар ҳисобланади. Суррогат оналик институти миллий қонунчиликда тўлиқ тартибга солиш замонавий жамият эҳтиёжларига жавоб беради ва оила куриш ҳуқуқини таъминлайди.

Динара БАБАЖАНОВА,

ТДЮУ Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси профессори.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi. – T.: Adolat, 2020. – 512 b.
2. Ergashev Sh.Z. Oila huquqi: Darslik. – T.: TDYU, 2018. – 320 b.
3. Rustambekov M.X. Reproktiv texnologiyalarning huquqiy jihatlari // Huquq va burch jurnali. – Toshkent, 2020. – № 3. – B. 45-52.
4. Малеева М.Н. Правовое регулирование суррогатного материнства в Российской Федерации // Журнал российского права. – Москва, 2019. – № 8. – С. 78-89.
5. Пестрикова А.А. Договор суррогатного материнства: гражданско-правовой аспект // Семейное и жилищное право. – Москва, 2018. – № 5. – С. 23-27.
6. Andrews L., Elster N. Regulating Reproductive Technologies // Journal of Legal Medicine. – USA, 2020. – Vol. 21. – P. 35-58.
7. Spar D. The Baby Business: How Money, Science and Politics Drive the Commerce of Conception. – Boston: Harvard Business School Press, 2019. – 285 p.
8. Trimmings K., Beaumont P. International Surrogacy Arrangements: Legal Regulation at the International Level. – Oxford: Hart Publishing, 2018. – 412 p.
9. European Court of Human Rights. Mennesson v. France, Application no. 65192/11. Judgment of 26 June 2014. <https://hudoc.echr.coe.int/>
10. Fertility and Surrogacy: Legal Issues in Modern Society / Ed. by Smith J., Johnson K. – London: Cambridge University Press, 2021. – 356 p.
11. Sog'liqni saqlash to'g'risidagi O'zbekiston Respublikasi Qonuni. – T.: Adolat, 2021. – 89 b.

ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҒАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада жиноий жазодан озод қилиш институтининг назарий-ҳуқуқий асослари, унинг мазмун-моҳияти ва замонавий ҳуқуқ тизимидаги ўрни комплекс таҳлил қилинган. Муаллиф жиноят қонунчилигини либераллаштириш ва такомиллаштириш шароитида инсонпарварлик ҳамда одиллик принципларини амалда таъминлашда бу институтнинг аҳамиятини атрофлича очиқ беради.

Тадқиқот давомида жазодан озод қилишнинг турлари, уларнинг ҳуқуқий таснифи ҳамда соҳа олимларининг мазкур институтнинг тўла, қисман ва аралаш шакллари юзасидан илмий қарашлари қиёсий ўрганилган. Шу билан бирга, мақолада суд амалиётида жазони енгилроғи билан алмаштириш ва муддатидан илгари шартли озод қилиш нормаларини қўллаш жараёнида юзага келадиган қатор муаммолар ва ҳуқуқий бўшлиқлар кўриб чиқилган. Мақола якунида жиноят ҳуқуқидаги рағбатлантирувчи нормалар самарадорлигини ошириш ҳамда қонунчиликни халқаро стандартлар асосида янада ривожлантириш юзасидан асослантилган таклиф ва мулоҳазалар илгари сурилган.

Калит сўзлар: жиноий жазо, жазодан озод қилиш, инсонпарварлик, одиллик тамойили, рағбатлантирувчи нормалар, шартли ҳукм қилиш, муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш, амнистия, афв этиши, либераллаштириш.

Мамлакатимизда жиноят қонунчилигини такомиллаштириш, жиноят содир этган шахсларга нисбатан адолатли жазо тайинлаш, етарли асослар мавжуд бўлганда жиноий жазодан озод қилиш институтини қўллаш, жазони ўташ чоғида инсонпарварлик принципининг амалда намоён бўлишини таъминлаш, жиноий жазодан кўзланган асосий мақсадга эришишда маҳкумларнинг ижтимоий фойдали хулқ-атворини рағбатлантириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилиб, ушбу соҳа муайян даражада такомиллаштирилмоқда.

Ўз ўрнида, ижтимоий хавфлилик даражаси оғир бўлган қилмишларни содир этган шахсларга нисбатан жазодан озод қилишга йўл қўймаслик сингари чора-тадбирларни кучайтириш орқали инсонпарварлик принципини таъминлаш тариқасида тақдим этиладиган мазкур рағбатлантиришни суиистеъмом қилишга чек қўйишда ифодаланадиган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, “жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят ижроия қонунчилигини такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш” қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқининг ҳозирги вақтдаги ривожланиш тенденциясидаги долзарб муаммолардан бири — жазодан озод қилиш институтини кенг қўллашга оид қарашларни оммалаштириш зарурати ҳамда жамият аъзолари томонидан бу ғоянинг қабул қилиниши билан боғлиқ. Ушбу соҳадаги истиқболли йўналишлардан бири жазодан озод қилишнинг жиноят-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муаммолари бўлса, яна бири маҳкумнинг жазони ўташ пайтидаги ижобий хулқ-атвори асосида айрим тоифадаги жиноятлар учун жазодан озод қилиш шартларини ривожлантириш саналади.

Ҳуқуқшунос олимларнинг таъкидлашича, жиноий жазони ўташдан озод қилиш комплекс институционал тузилма бўлиб, у нафақат жиноят-ҳуқуқий, балки жиноят-процессуал ҳамда жиноят-ижроия ҳуқуқида оид нормаларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Мазкур институт маҳкумнинг аҳволини яхшилашга қаратилган бўлиб, унинг қонунга итоаткор хулқ-атворини ифодалайди.

Ҳуқуқий табиатига кўра, жазодан озод қилиш жиноят содир этган шахснинг ўз айбини тан олиши, унинг судланишини ҳамда

жавобгарликдан озод қилишдан фарқли равишда, жазодан озод қилиш бевосита суд томонидан қўлланилишини тақозо этади.

Ҳуқуқшунос олим М.Рустамбаевнинг таъкидлашича, жиноят ҳуқуқи нафақат содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш, балки содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини жиддий камайтирадиган, ижобий характерланадиган хатти-ҳаракатлар учун шахсга нисбатан рағбатлантирувчи нормаларни қўллаш вазифасини ҳам бажаради. Олимнинг ушбу фикрини қўллаб-қувватлаган ҳолда, рағбатлантирувчи нормаларни қўллаш жиноят ҳуқуқининг махсус функцияларидан бири эканлигини қўшимча сифатида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Юридик адабиётларда берилган таърифга кўра, жиноий жазодан озод қилиш деганда — шахснинг қилмиши судда мазмунан кўриб чиқилиб, айблов ҳукми чиқарилгандан сўнг, маҳкумни жазо тайинлашдан ёки тайинланган жазони тўлиқ ўташдан, шунингдек, ўтаётган жазони давом эттиришдан озод қилиш тушунилади. Бироқ, у оқлов ҳукми чиқаришдан кескин фарқ қилиб, шахснинг жиноят содир этишда айби йўқлиги аниқланган ҳолларда эмас, балки айби исботланган ва қилмишига иқрор бўлган айбдор (маҳкум)га нисбатан қўлланилади.

Жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларининг самарадорлиги нафақат жазонинг муқаррарлигида, балки унинг мақсадларига қай даражада эришилганлиги билан ҳам белгиланади. Суд ҳукми чиқариш жараёнида тайинланган жазонинг маҳкумга келгусидаги таъсирини, унинг ахлоқан тузалиш динамикасини ҳамда руҳий ҳолатидаги ўзгаришларни мутлақ аниқлик билан олдиндан прогноз қила олмайди. Маҳкумнинг ижтимоий фойдали меҳнатга мослашиши, таълим олиши ёки ҳалол турмуш тарзига қайтиши учун талаб этиладиган вақт индивидуал хусусиятга эга. Шу сабабли, жазодан озод қилиш институти жазони ижро этиш жараёнида маҳкумнинг хулқ-атвори га қараб коррекция қилиш механизми бўлиб хизмат қилади.

Фикримизча, мазкур институтнинг жиноий жавобгарликдан озод қилишдан асосий фарқи шундаки, жазодан озод қилишда шахснинг айби суд тартибида исботланиб, унга нисбатан давлатнинг мажбурлов чораси расман белгиланган бўлади. Маҳкум жазони ўташ жараёнида ўзининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотса, жазони давом эттириш ўз мазмунини йўқотади ва шунчаки жисмоний мажбурловга айланиб қолади. Бундай ҳолатда жазодан озод қилиш ижтимоий адолатни тиклашнинг мантиқий ечими ҳисобланади.

Амалдаги жиноят қонунчилигимизда жазодан озод қилишнинг қуйидаги 8 та асосий тури мавжуд:

1. Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан озод қилиш (69-модда): Бунда ҳукм чиқарилгандан сўнг муайян муддат ўтиши билан жазо ижро этилмайди.
2. Шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан озод қилиш (70-модда): Вазият ёки шахснинг ўзгариши натижасида жазолаш зарурияти қолмайди.
3. Айбдорнинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлиши (71-модда): Шахснинг ижобий ҳаракатлари орқали унинг тузалиш йўлига ўтгани эътироф этилади.
4. Шартли ҳукм қилиш (72-модда): Тинчлик ва осойишталикни бузмаслик шартли билан жазони ўташ кечиктирилади.
5. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш (73-модда): Маҳкум жазонинг маълум қисмини ўтаб, ўзини ижобий кўрсатганда қўлланилади.
6. Жазони энгилроғи билан алмаштириш (74-модда): Жазонинг қолган қисми камроқ чекловчи чорага алмаштирилади.
7. Касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида озод қилиш (75-модда): Инсонпарварлик нуқтаи назаридан маҳкумнинг соғлиғи ҳолати инобатга олинади.
8. Амнистия акти ёки афв этиш (76-модда): Давлатнинг олий иродаси сифатида кенг ёки индивидуал доирада қўлланилади.

Ҳуқуқшунос олим Э.Турғунбоевнинг таъкидлашича, ушбу турларнинг тизимлаштирилиши институтнинг мураккаб юридик табиатини очиб беради. Бизнингча, бу жараёнда жиноят қонунининг одиллик ва инсонпарварлик принциплари ўзаро муносибликда намоён бўлади: одиллик — айбдорнинг қилмишига баҳо беришни таъминласа, инсонпарварлик — унинг тузалиш имкониятини кафолатлайди.

Юридик адабиётларда мазкур турларни таснифлашга оид турли ёндашувлар мавжуд. Жумладан, М.Усмоналиев жазодан озод қилишни қўллашнинг шартли ва қисман шаклларига ажратади:

- Жазодан тўла озод қилиш (69, 70, 71, 72-моддалар): Бунда суд айблов ҳукми билан жазо тайинлайди, бироқ унинг ижросини мақсадга мувофиқ эмас деб топиб, маҳкумни амалда жазо ўташдан тўлиқ озод қилади.
- Жазонинг ўталмаган қисмидан озод қилиш (73, 74, 75, 76-моддалар): Бунда маҳкум жазо муддатининг бир қисмини ўтаб бўлган бўлади ва қолган қисмидан муайян асослар билан озод қилинади.

Профессор М.Х.Рустамбаев эса ушбу таснифга қўшимча равишда "аралаш тур" тушунчасини киритади. Унинг фикрича, ЖКнинг 75 ва 76-моддалари ҳам тўла, ҳам қисман озод қилиш хусусиятларини ўзида мужассам этгани учун уларни аралаш шакл деб ҳисоблаш лозим. Масалан, амнистия акти шахсни ҳам жазо тайинлашдан, ҳам тайинланган жазонинг ўталмаган қисмидан озод қилиш имкониятига эга.

Юқорида тилга олинган олимларнинг назарий қарашларини инкор этмаган ҳолда, биз жазодан озод қилиш турларини қўллаш вақти ва процессуал босқичига кўра шартли равишда қуйидаги икки гуруҳга ажратишни таклиф этамиз:

1. Суд томонидан жазо тайинлаш билан бир вақтда қўлланиладиган жазодан озод қилиш турлари (ЖК 69–72-моддалар). Мазкур ҳолатда суд айблов ҳукми чиқариш жараёнидаёқ маҳкумга тайинланган жазони ижро этмаслик асосларини аниқлайди.
2. Жазони ижро этиш жараёнида маҳкумларга нисбатан қўлланиладиган жазодан озод қилиш турлари (ЖК 73–75-моддалар). Бу гуруҳга кирувчи нормалар бевосита маҳкумнинг жазони ўташ вақтидаги ҳулқ-атвори ёки объектив ҳолати (соғлиғи) билан боғлиқ бўлиб, ижро босқичида қўлланилади.

Жазодан озод қилиш институтини тадқиқ этиш ва мавжуд суд-тергов ҳамда жазони ижро этиш амалиётини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулоса ва таклифларни илгари сураемиз:

Биринчидан, жиноят қонунчилигини изчил ислоҳ қилиш шароитида жазодан озод қилиш институтининг самарадорлигини ошириш мақсадида назарий-ҳуқуқий қарашларни тизимлаштириш лозим. Бунда амалиётдаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишга қаратилган, тегишли нормаларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи комплекс қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, амалиётда энг кўп баҳсларга сабаб бўлаётган масалалардан бири — ЖКнинг 74-моддаси (жазони энгилроғи билан алмаштириш) қўлланилган шахсларга нисбатан кейинчалик ЖКнинг 73-моддасини (муддатидан илгари шартли озод қилиш) қўллаш тартибидир.

Бизнинг фикримизча, шахсга нисбатан жазо энгилроғига алмаштирилгандан сўнг, уни муддатидан илгари шартли озод қилиш масаласи кўрилатганда, муддатларни ҳисоблаш фақат алмаштирилган (янги) жазодан эмас, балки суд томонидан тайинланган дастлабки асосий жазо муддатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозим. Яъни, маҳкумнинг амалда ўтаган жазо муддатига жазони энгилроғи билан алмаштирилгунга қадар ўтаган муддати ҳам тўлиқ қўшиб ҳисобланиши зарур. Бунда ЖК 73-моддасининг 2-қисмида белгиланган чекловлар ва жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси асосий мезон бўлиб қолади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарорига қуйидаги мазмундаги тушунтиришни киритиш лозим деб ҳисоблаймиз:

"Жазони энгилроғи билан алмаштириш тариқасидаги рағбатлантирувчи норма қўлланилган шахсларга нисбатан муддатидан илгари шартли озод қилиш масаласи кўрилатганда, ЖК 73-моддасида белгиланган муддатлар тайинланган ва алмаштирилган жазо муддатларини жамлаган ҳолда, маҳкум томонидан амалда ўталган умумий вақтдан келиб чиқиб ҳисобланиши лозим".

Мазкур ўзгартириш суд амалиётида ягона ёндашувни шакллантиришга ва маҳкумларнинг ҳуқуқларини инсонпарварлик принципи асосида таъминлашга хизмат қилади.

Ҳамид АКМАЛОВ,

Одил судлов академияси ходими,

Тошкент давлат юридик университети магистри.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2022 - 2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son Farmoni // Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 29.01.2022-y., 06/22/60/0082-son, 18.03.2022-y., 06/22/89/0227-son, 21.04.2022-y., 06/22/113/0330-son; 10.02.2023-y., 06/23/21/0085-son. <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Аскеров Э. Ю. Уголовно-правовые проблемы освобождения от наказания. М., 2005. С. 120.
3. Курс уголовного процесса / под ред. Л. В. Головки. М.: Статут, 2016. С.45.
4. Рустамбаев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. II том. -Т.: "ILM ZIYO", 2011.-Б.178.

ИҚТИСОДИЙ СУД ИШ ЮРИТУВИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Судлар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бир қатор қулайликларни вужудга келтиради. Хусусан, электрон ҳужжатлар айланишини тезлаштириш, тегишли ахборотларни тўплаш, ишлаш, тизимлаштириш ва сақланишини таъминлайди. Шу билан бирга, суд муҳокамаси иштирокчиларини ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилиш каби қулайлик яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йилда “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, сунъий интеллект технологиялари ривожланишининг жорий ҳолати ва хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда сунъий интеллектни кенг қўллаш, жадал ривожлантириш мақсад ва вазифалари белгиланди.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг 5 та устувор йўналиши бўйича 2025 йил учун амалий чора-тадбирлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати ва ҳар бир йўналиш кесимидаги мақсадли кўрсаткичлар назарда тутилган.

Давлат дастури лойиҳасининг 4-йўналиши ҳисобланган “Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш” йўналишида 34 та амалий тадбир режаси, 22 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва 40 та мақсадли кўрсаткич назарда тутилган.

Замонавий рақамли даврда сунъий интеллект (SI) технологиялари суд тизимларида кенг қўлланилмоқда. Айниқса иқтисодий судлар фаолияти мураккаб ҳужжатлар, катта ҳажмдаги маълумотлар ва таҳлилий ишларни ўз ичига олгани сабабли SI самарадорликни ошириш учун қулай восита ҳисобланади.

Шунингдек, “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони (ПФ–140-сон, 21.08.2025 й.) қабул қилинди.

Фармонга кўра, судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ҳамда рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштиришнинг устувор мақсадлари этиб куйидагилар белгиланди:

– суд ишларини юритишда қозғош шаклидан воз кечиш мақсадида “Рақамли суд” концепцияси асосида ишларнинг юритилишини босқичма-босқич тўлиқ электрон шаклга ўтказиш;

– судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш учун зарур техник инфратузилма яратиш;

– Олий суднинг ахборот тизимлари негизда суд ҳужжатлари архиви модулини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

– судлар фаолиятини рақамлаштириш бўйича “Кибер ҳуқуқ” йўналишида илмий тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек, судьялар ва суд аппарати ходимларининг рақамли саводхонлиги ва малакасини доимий ошириб бориш.

“Рақамли суд” концепциясини амалга ошириш доирасида:

– судга ариза беришдан олдин сунъий интеллект ёрдамида суд муҳокамасининг тахминий натижаси ҳамда сарфланадиган харажатлар шакллантирилади;

– муружаатлар судга электрон шаклда юборилади;

– суд ҳужжатлари лойиҳалари автоматик шакллантирилади.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, суд тизимида сунъий интеллект нафақат маъмурий юкни камайтиради, балки инсон хатосини камайтириш, қарорларни бириктириш ва фуқароларга адолатли хизмат кўрсатиш сифатини оширишга хизмат қилади. Шу боис Ўзбекистон учун ҳам хорижий “ақли суд” (smart court) тизимлари тажрибасини ўрганиш долзарбдир.

Хитой бу борада дунёда энг илғор давлатлардан биридир. 2019 йилдан бошлаб Хитой Олий халқ суди томонидан “Smart Court System” жорий этилган бўлиб, у сунъий интеллектга асосланган юридик платформа ҳисобланади.

Тизимнинг асосий имкониятлари куйидагилардан иборат:

- ишларни электрон шаклда қабул қилиш ва таҳлил қилиш;
- ҳужжатларни автоматик равишда тоифаларга ажратиш;
- илгари чиқарилган қарорлар асосида янги иш бўйича ҳуқуқий тавсиялар бериш;

• видеоконференция асосида масофавий суд мажлисларини ўтказиш.

Хитойда сунъий интеллект суд ишларининг 80 фоиздан ортиғида ёрдамчи таҳлилчи сифатида иштирок этади. Шу билан бирга, судьялар якуний қарорни барибир ўзлари қабул қиладилар. Бу инсон назоратини сақлаб қолишнинг муҳим тамойилидир.

Эстония Европада рақамли давлат модели сифатида танилган. У ерда 2019 йилда кичик иқтисодий даъволар (масалан, 7 000 еврогача бўлган ишлар) учун “AI judge” лойиҳаси синов тариқасида қўлланилди.

Ушбу тизимнинг асосий мақсади — кичик низоларни тезда ҳал қилиш, суд тизимининг юкни камайтириш эди. Бироқ қарорлар автоматик тарзда эмас, балки AI тавсияси асосида инсон томонидан тасдиқланади. Шундай қилиб, Эстония тажрибаси шуни кўрсатадики, AI судьяни эмас, балки судья ёрдамчисини алмаштиради.

Буюк Британия суд тизими 2023 йилдан бошлаб сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича судьялар учун расмий “Judicial Guidance on AI” ҳужжатини ишлаб чиқди.

Ушбу йўриқномада куйидаги тамойиллар белгиланган:

• AI судьяни тўлиқ алмаштири олмайди, фақат ёрдамчи сифатида ишлатилади;

• судьялар фойдаланадиган ҳар бир AI воситаси шаффоф ва изоҳланадиган бўлиши керак;

• маълумотлар хавфсизлиги ва тарафкашликка (bias) қарши назорат мажбурийдир.

Буюк Британия тажрибаси ҳуқуқий тизимда сунъий интеллектни жорий этишда ахлоқий ва ҳуқуқий мувозанатни сақлашнинг энг самарали намунаси ҳисобланади.

АҚШда сунъий интеллект асосан риск-баҳолаш ва юридик таҳлил соҳаларида қўлланилади. Масалан, COMPAS (Correctional Offender Management Profiling for Alternative Sanctions) тизими жиноят ишлари бўйича судларга тавсиялар беради.

Шу билан бирга, ушбу тизимда ижтимоий ёки ирқий тарафкашлик юзага келгани аниқланган. Бу тажриба AI қарорларини инсон назоратисиз қабул қилишнинг хавфини кўрсатади.

Шу сабабли АҚШда AI воситалари ҳозирда фақат ёрдамчи, тавсиявий характерда қўлланилмоқда, якуний қарор эса судья томонидан қабул қилинади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, AI суд тизимининг ёрдамчиси бўлиши мумкин, бироқ у инсон қарорини тўлиқ алмаштири олмайди.

Ўзбекистон иқтисодий судларида AI технологияларини қўллашда хорижий тажрибани инобат олиш, ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш орқали “рақамли адолат” тизимини шакллантириш мумкин.

Шаҳзод СОДИҚОВ,

Тошкент давлат юридик университети Фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал шубҳаси ўқитувчиси.

ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНБУЗИЛИШЛАРДА ЖИНОЯТ ПРЕДМЕТИ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада экология соҳасидаги жиноятларда жиноят предмети тушунчаси, унинг ҳуқуқий табиати ва жиноят объектидан фарқли жиҳатлари таҳлил қилинган. Экология соҳасидаги жиноятлар предмети фақат табиий муҳит объектлари билан чекланиб қолмасдан, атроф-муҳитга салбий таъсир этувчи антропоген объектлар ва хавфли моддаларни ҳам қамраб олиши асосланади. Жиноят предметининг моддий, экологик ва юридик белгилари очиб берилган. Шунингдек, экология соҳасидаги жиноятларда жиноят предметини тўғри аниқлаш жиноятни тўғри квалификация қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги асосланади.

Калит сўзлар: Жиноят предмети, экологик хавфсизлик, экологик талаблар, атмосфера, сув, ер, ер ости бойликлари, ўсимлик дунёси (флора), ҳайвонот дунёси (фауна), радиациявий, кимёвий, бактериявий моддалар, моддий, экологик ва юридик белгилар.

Экология соҳасидаги жиноятлар предметини тадқиқ қилиш унинг объект билан боғлиқлигидан келиб чиқади. Жиноят предмети объектга жуда ўхшаб кетса ҳам, лекин улар бир нарса эмас. Улар ўртасидаги фарқларни куйидаги ҳолларда кўриш мумкин.

Масалан, экологик хавфсизликка оид нормалар ва талабларни бузиш (Жиноят кодекси 193-моддаси) жиноятида шахс саноат, энергетика, транспорт, коммунал хизмат, агросаноат, илм-фан ёки бошқа объектларни лойиҳалаш, жойлаштириш, қуриш ва ишга тушириб фойдаланишда ёки ушбу объектларни қабул қилишда экологик нормалар, талабларнинг сақланишидан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилади. Бунинг натижасида атроф-муҳитнинг айрим объектларига, жумладан, атмосфера, сув, ерга зарар келиши мумкин. Бунда шахснинг жинойи ҳаракати (ҳаракатсизлиги) табиий муҳитни зарарлантиришга эмас, балки экологик талабларга жавоб бермайдиган объектни лойиҳалаш, жойлаштириш, қуриш, ишга тушириб фойдаланиш ёки объектни қабул қилишдан келиб чиқадиган муносабатларга қаратилган. Шу сабабли бу ерда жиноят предмети тажовуз пайтида таъсирга учрайдиган ва зарар келтириладиган муҳит ҳисобланади.

Экология соҳасидаги жиноятлар предмети айрим олимлар томонидан, жумладан, Ю.И. Ляпунов томонидан чуқур тадқиқ қилинган. Унинг ишларида "...табиат объектлари жиноят предмети бўлиши учун ўзининг табиий ҳолатида бўлиши керак", – деган нуқтаи назар устун бўлиб, асосий эътибор атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятларни предмети нуқтаи назаридан давлат ёки жамият мулкани талон-торож қилиш жиноятидан фарқини ўрганишга қаратилган.

"Экология соҳасидаги жиноятлар предмети кенг маънода табиий муҳитдир", – деб ёзади яна бир олим Э.Н. Жевлаков. Унинг фикрича, табиий муҳитнинг барча таркибий қисмлари ўзаро алоқадор ва бир-бирига боғлиқ бўлиб, ягона экотизимни ташкил этади, қуруқлик ва сув ҳавзаларининг конкрет участкалари доирасида эса организмлар, ўсимликлар ва бошқа биотеносизларнинг ягона умумийлигини ташкил этади.

Дарҳақиқат, экология соҳасидаги жиноятлар предмети кенг маънода табиий муҳит бўлиши мумкин. Чунки табиий муҳитни пайдо этувчи объектлар – ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўзаро алоқадор ва ўзаро таъсир қилади. Буларнинг бирига келтириладиган зарар иккинчисида ҳам ўзгариш пайдо этади. Шу боис ушбу соҳадаги жиноятлар предмети кенг маънода ўзаро таъсир

қиладиган ва ўзаро алоқадор табиий муҳит деб ҳисоблаган Э.Н. Жевлаковнинг фикри тўғридир. Лекин бу қарашлар, бизнинг назаримизда, амалдаги Жиноят кодексидagi (1994-йил) экология соҳасидаги жиноятлар предмети тушунчасини тўла қамраб ола олмайди. Чунки бу соҳадаги жиноятларнинг айримларининг предмети табиий муҳит объектлари билангина чекланмайди. Масалан, Жиноят кодексининг 194-моддасида атроф табиий муҳитнинг радиациявий, кимёвий, бактериявий ифлосланиши назарда тутилган. Демак, бу ерда атроф табиий муҳитни радиациявий, кимёвий, бактериявий ифлослантирувчи моддалар ҳам экология соҳасидаги жиноятлар предмети бўлиши мумкин. Бизнинг фикримизча, ушбу масала бўйича О.Л. Дубовик берган тавсиф экология соҳасидаги жиноятлар предмети тушунчасини тўла қамраб олади. Яъни, экология соҳасидаги жиноятлар предмети – ёввойи ҳайвонлар, сув, ўрмонлар ва ҳ., шунингдек, атроф-муҳитга ва унинг элементлари ҳолатига таъсир этадиган инсон фаолиятининг маҳсулотлари, масалан, хавфли радиоактив, кимёвий, биологик моддалар ва чиқиндилар ҳисобланади.

Демак, экология соҳасидаги жиноятлар предмети – атроф-муҳит элементи ёки антропоген объектлар ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунида табиатни муҳофаза қилиш объектлари сифатида – ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси кўрсатилган. Жиноят кодекси нормаларида ушбу жиноятларнинг предмети 1) радиациявий, 2) кимёвий, 3) бактериявий, 4) одам ҳаёти ва соғлиги, тирик табиат учун хавфли бўлган бошқа ифлослантирувчи моддалар ҳам бўлиши мумкинлиги кўрсатилган.

Жиноят қонунчилиги ерларни ифлослантириш ёки бузиш (ЖК-нинг 196-моддаси) ёки ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш (ЖК-нинг 197-моддаси) учун жавобгарлик белгилайди.

Ерларнинг ифлосланиши антропоген фаолият натижасида ерлар, шу жумладан, тупроқнинг ҳосилдор қатламига эга бўлмаган ерлар (карьерлар, тошлоқ ерлар ва ҳ.к) сифатининг ёмонлашиши, яъни мазкур ерларда олдин мавжуд бўлган кўрсаткичларга қараганда кимёвий моддалар ёки радиация даражасининг кўтарилишида намоён бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг "Ер ости бойликлари тўғрисидаги"ги Қонунига асосан, ер қаъри – ер қобиғининг тупроқ жойлашган, геологик жиҳатдан ўрганиш ва ўзлаштириш мумкин бўлган чуқурликкача ястанган қисми ҳисобланади. Ер ости бойликларининг фойдаланилаётган участкалари ҳам фойда-

ланилмаётган участкалари ҳам шунингдек, техноген ҳосиллар (минерал хомашёни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш чиқиндилари) ер ости бойликлари Давлат фондиди ташкил этади.

Сув – Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки – умумий бойлик ҳисобланади, сувдан оқилона фойдаланиш лозим бўлиб, у давлат томонидан қўриқланади.

Ер ости ва ер усти сувлари экология соҳасидаги жиноятларнинг предмети ҳисобланади. Ер ости ва ер усти сувлари ЖКнинг 196-моддаси атроф муҳитни ифлослантириш жиноятининг предмети ҳисобланади.

Ўсимлик дунёси (флора) – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида табиий муҳитда ўсадиган ёки сунъий яратилган шароитларда етиштириладиган барча турдаги ёввойи ўсимликлар мажмуидир.

Ўсимлик дунёсидан оқилона фойдаланиш лозим ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади. Табиий муҳитда ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар давлат мулкидир.

Ҳайвонот дунёси – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча яшаётган барча турдаги ёввойи ҳайвонлар – қуруқликда, сувда, атмосферада ва тупроқда яшайдиган, хонақаштирилмаган умуртқасизлар, балиқлар, ҳам қуруқликда, ҳам сувда яшовчи ҳайвонлар, судралиб юрувчилар, қушлар, сут эмизувчилар ҳисобланади.

Атмосфера ҳавоси дейилганида, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди устидаги ҳаво бўшлиғи тушунилади. Ҳаводан фойдаланишга муайян ҳудуд ҳавосининг сифатини ўзгартирмаслик, уни белгиланган нормативлардан ортиқ даражада ифлослантирмаслик ёки сийрақлаштирмаслик шарт билан йўл қўйилади.

Атмосфера ҳавоси ЖКнинг 196-моддасида назарда тутилган – атроф табиий муҳитни ифлослантириш, жиноятининг предмети саналади. Атмосфера ҳавосини асосан икки манба: табиий омиллар ва инсон фаолиятининг маҳсули бўлган антропоген манбалар ифлослантиради.

ЖКнинг 194–195-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг предмети радиоактив моддалар бўлиши мумкин. Радиоактив моддалар – ядро моддаларига тегишли бўлмаган, ионлантирувчи нурларни тарқатувчи моддалардир. Ионлантирувчи нурланиш деганда, радиоактив парчаланишда, ядровий эврилишларда, моддадаги зарядланган зарралар ҳаракатининг секинлашувида ҳосил бўладиган ҳамда муҳит билан ўзаро таъсир этиш чоғида ҳар хил кутбли ионларни ҳосил қиладиган нурланиш тушунилади.

Радиоактив моддалар табиий радиоактив элементларга эга уран, плутоний ва бошқалар ҳисобланади. Бу моддалар газ турида, суюқ ёки қаттиқ ҳолатда, қадокланган, тайёр маҳсулот шаклида бўлиши мумкин.

Кимёвий моддалар деганда, инсон соғлиги ва атроф-муҳитга салбий таъсир қиладиган захарли кимёвий препаратлар, қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган кимёвий моддалар тушунилади.

Бактериологик моддалар – бу патоген бактерияларни ўз ичига олган моддалардир. Уларга бактериялар, вируслар, репетсиялар, замбуруғлар ва уларнинг инсонлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг оммавий касалланишини келтириб чиқариш мақсадида жонли касаллик тарқатувчилари (ҳашаротлар, кемирувчилар) ёрдамида фойдаланиладиган ёки қурол-яроғлар, асбоб-ускуналарда суспензия ва кукун туридаги токсик маҳсулотларидир.

ЖК 204-моддаси жиноятининг предмети қонунда келтирилган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳисобланади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бу – ернинг ва (ёки) сув кенгликларининг (акваторияларнинг) устувор экологик, илмий,

маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик бўлган, хўжалик мақсадидаги доимий ёки вақтинча фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман чиқарилган участкалари муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги 1–5-тоифадаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар умумий майдони 6,321 млн. гектар, мамлакат ҳудудида 14,08 % ни ташкил қилади. Булар 7 та давлат қўриқхонаси, 1 та мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхонаси, 12 та табиат боғи, 1 та миллий боғ, 11 та табиат ёдгорлиги, 2 та биосфера резервати, 12 та буюртма қўриқхонаси, 1 та Бухоро ихтисослаштирилган “Жайрон” питомниги ҳисобланади.

Табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ҳамда тиклаш мақсадида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда муҳофаза қилиш ва фойдаланиш режими ўрнатилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар биологик, ландшафт ранг-баранглигини таъминлаш ва экологик мувозанатни сақлаб туриш учун мўлжалланган яхлит экологик тизимни ташкил этади.

Шундай қилиб, экологик жиноят предмети экологик жиноят таркибида алоҳида ўрин тутати, деган хулосага келиш мумкин ва экология соҳасидаги жиноятларнинг предмети ер, сув, атмосфера ҳавосидан ташқари радиациявий, кимёвий, бактериявий, одам ҳаёти ва соғлиги, тирик табиат учун хавfli бўлган бошқа ифлослантирувчи моддалар ҳисобланади.

Сапаргул УТЕМУРАТОВА,

Қорақалпоқ давлат университети Жиноят ҳуқуқи, процесси ва криминалистика кафедраси профессори в.б, юридик фанлар доктори (ДСС).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Лукомская А.С. Понятие и характеристика предмета экологического преступления. // Юридический вестник Самарского университета 2016. Т.2 №4 -С.20-30.
2. Ляпунов Ю.И. Уголовно-правовая охрана природы органами внутренних дел.-М.:Акад.МВД СССР. 1974. -С.44-75.
3. Жевлаков Э.Н. Экологические преступления и экологическая преступность.-М.: Белье альвы 1996.-С.17.
4. Дубовик О.Л. Экологические преступления. Комментарий к главе 26 УК РФ.-М.: Изд-во Спарк. 1998. –С.86.
5. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. // URL: <https://lex.uz/acts/152653>.
6. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. -Т.: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2023. -Б. 31.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги “Ер ости бойликлари туғрисидаги”ги (янги таҳрир) 444-11-сон Қонуни. // URL: <https://www.lex.uz/acts/77871>.
8. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги “Сув ва сувдан фойдаланиш туғрисида”ги 837-ХII-сон Қонуни.// URL: <https://lex.uz/ru/docs/12328>
9. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш туғрисида”ги (янги таҳрири) ЎРҚ-409-сон Қонуни. //URL:<https://www.lex.uz/acts/3030362>.
10. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги “Табиатни муҳофаза қилиш туғрисида”ги (янги таҳрири) 754-ХII-сон Қонуни. // URL: <https://lex.uz/docs/107115>.
11. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августдаги “Радиациявий хавфсизлик туғрисида”ги 120-II-сон Қонуни. // URL:<https://www.lex.uz/acts/26166>.
12. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августдаги “Радиациявий хавфсизлик туғрисида”ги 120-II-сон Қонуни. // URL: <https://lex.uz/docs/26166>.
13. Охрана и оптимизация окружающей среды -К.:Льбид. 1990. -С.89.
14. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелдаги “Чиқиндилар туғрисида”ги 362-II-сон Қонуни. // URL: <https://lex.uz/docs/42423>.
15. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги “Муҳофаза этиладиган ҳудудлар туғрисида”ги 710-II-сон Қонуни.// URL: <https://lex.uz/docs/415135>
16. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан 2023 йилда амалга оширилган тадбирлар туғрисида маълумот. // URL:<https://www.uznature.uz/yz>

СУД ТЕРГОВИДА ҲИМОЯ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

АННОТАЦИЯ: мақолада жиноят ишлари бўйича суд терговининг адолатлилигини таъминлашда адвокат (ҳимоячи)нинг процессуал роли ва ваколатларини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган. Суд терговиди тортишувчанлик ва томонлар тенглиги принципларини реал амалга оширишда адвокат иштирокининг аҳамияти асослаб берилган. Амалда ҳимоя ҳуқуқининг чекланиши суд терговининг мазмунан айбловга йўналтирилишига олиб келаётгани кўрсатилган. Шунингдек, жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида ҳимоячи фикри институтини жорий этиш ва уни судга қадар ҳамда суд босқичларида ҳисобга олишга қаратилган қонунчилик таклифлари илгари сурилган.

Калит сўзлар: суд тергови, адолатли судлов, адвокат, ҳимоячи, ҳимоя ҳуқуқи, тортишувчанлик, томонлар тенглиги, жиноят-процессуал қонунчилик.

Ҳозирги кунда жиноят ишлари бўйича суд терговининг адолатли, холис ва қонуний ўтказилиши ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Суд тергови босқичида иш бўйича барча далилларни тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона текшириш, тарафлар ўртасидаги процессуал мувозанатни таъминлаш ҳамда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш адолатли судловнинг мазмуний асосини ташкил этади. Шу нуқтаи назардан, суд тергови жараёнида адвокат ваколатларининг ҳажми ва самарадорлиги адолатли судловни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 ноябрдаги “Суд соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамаси”га бағишланган йиғилишида жиноят ишлари айблов ҳулосаси ва ҳимоячи фикри билан бирга қабул қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳалари ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган эди. Бу ташаббус Президентимизнинг 2022 йил 20 декабрдаги Мурожаатномасида яна бир бор алоҳида таъкидланиб: “Одил судловни таъминлашда ҳимоячига берилган ҳуқуқлар ҳам қайта кўриб чиқилиб, етмайдиган ваколатлар берилади. Энди судларда жиноят иши фақат айблов ҳулосаси билан эмас, балки ҳимоячининг фикри билан бирга қабул қилинади”¹, — деб белгиланди.

Амалда суд тергови босқичида адвокатнинг процессуал фаоллиги кўп жиҳатдан чекланган бўлиб, унинг далилларни тўплаш ва баҳолашдаги имкониятлари айблов томони билан тўлақонли тенг эмаслиги кузатилмоқда. Бу ҳолат тортишувчанлик принципнинг формал характер касб этишига олиб келмоқда. Шу боис, халқаро стандартлар ва хорижий тажриба асосида адвокатнинг суд терговидидаги ролини кучайтириш устувор йўналишидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексиди (ЖПК) “суд тергови” тушунчасига алоҳида таъриф берилмаган. Бироқ назарий таҳлиллар асосида унга қуйидагича таъриф бериш мумкин: Суд тергови — жиноят ишлари бўйича суд муҳокамасининг мустақил ва ҳал қилувчи босқичи бўлиб, суд томонидан айблов ва ҳимоя томонлари иштирокида далиллар бевосита, оғзаки ва тортишувчан тар-

тибда текшириладиган, уларнинг ҳуқуқий аҳамияти баҳоланадиган ҳамда иш бўйича ҳақиқатга эришиш орқали шахс ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган жараёндир.

Адвокат суд тергови давомида далилларни текшириш, уларга эътироз билдириш, гувоҳлар ва экспертларга саволлар бериш, процессуал илтимосномалар киритиш орқали суднинг холис қарор қабул қилишига хизмат қилади. Унинг фаол иштироки айблов томонининг бир ёқлама устунлигини бартараф этувчи муҳим кафолатдир.

Суд терговининг адолатлилигини таъминлашда ҳимоя институтини такомиллаштириш масалалари бўйича тадқиқот олиб борган олимлардан Қ.Қ.Маткаримовнинг фикрича: “Адвокатнинг суд терговидидаги роли ҳимоя ҳуқуқининг реал амалга оширилиши билан бевосита боғлиқ. Адвокатнинг далил тўплаш ва текширишдаги ваколатлари чекланган ҳолда суд тергови адолатли бўла олмайди”. С.Н.Эсаналиевга кўра эса: “Суд муҳокамасининг самарадорлиги адвокатнинг фақат иштирок этиши билан эмас, балки унинг ташаббус кўрсата олиши билан белгиланади. Суд тергови ва унга тайёргарлик босқичларида адвокатга процессуал ташаббус бериш суднинг холис қарор қабул қилишига хизмат қилади”. Ш.Хакназаровга кўра: “Суд терговиди адвокатнинг роли фақат ҳимоя функцияси билан чекланмасдан, далилларни текшириш жараёнида процессуал мувозанатни сақлаш вазифасини ҳам бажаради. Ҳимоя томонининг ҳуқуқлари чекланган ҳолда суд тергови айбловга йўналтирилган характер касб этади. А.А.Раҳмоновнинг фикрича: “Суд муҳокамасининг процессуал шакли унинг мазмуни билан уйғун бўлиши лозим. Агар адвокат суд терговиди фаол иштирок этмаса, процессуал шакл сақланган бўлса-да, адолатли судлов мазмунан таъминланмайди”. Ҳуқуқшунос олимлар суд тергови жараёнида адвокатнинг ролига ҳам аҳамият қаратадилар. Хусусан, Б.Ш.Назаровнинг фикрича: “Биринчи инстанция судларида суд тергови амалиётида айблов томонининг устунлиги адвокатнинг роли формаллашувига олиб келмоқда. Судьянинг процессуал раҳбарлиги ҳимоя ҳуқуқини чекламаслиги, аксинча адвокат фаоллигини рағбатлантириши лозим”. К.РАбдулазизов эса: “Далилларни текшириш жараёнида адвокатнинг савол

бериш ва эътироз билдириш ваколатлари суд терговининг сифатини белгилайди. Ҳимоячининг ушбу ҳуқуқлари чекланган ҳолда далилларни баҳолаш бирёклама тус олади”. М.А.Каримов: “Томонлар тенглиги принципи суд терговиде декларатив эмас, реал процессуал ваколатлар мувозанати орқали таъминланади. Адвокат ваколатлари прокурор ваколатларига нисбатан заиф бўлган шароитда тенглик таъминланмайди” деган фикрни билдирса, Ф.О.Турсунов: “Суд қарорларининг асосланганлиги адвокатнинг суд терговидеги фаол иштирокига боғлиқ. Ҳимоячининг пассив иштироки иш бўйича нотўлиқ текширувга ва беқарор суд қарорларига олиб келади” деган фикрларни билдирадilar.

Ушбу илмий қарашлар умумлаштирилса, суд терговининг адолатлилиги адвокатнинг суд босқичидаги ваколатларини кенгайтириш ва айблов ҳамда Ҳимоя ўртасида реал процессуал мувозанатни таъминлаш билан бевосита боғлиқлиги аён бўлади.

Юқоридаги таҳлиллар ва мавжуд муаммолардан келиб чиқиб, ЖПКга қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади:

1. ЖПКга 378¹-модда. “Ҳимоячи фикри” номли модда киритиш. “378¹-модда. Ҳимоячи фикри. Айбланувчи ва унинг Ҳимоячиси жиноят иши материаллари билан танишиб чиққандан сўнг, Ҳимоячи айбловга нисбатан ўз фикрини, эътирозларини ҳамда илтимосномаларини ёзма равишда билдиришга ҳақли...”

Бундай қўшимча модда киритилишини шундай асослаш мумкинки, амалда Ҳимоячининг тергов босқичидаги эътирозлари аниқ тартибга солинмаган. Ушбу модда Ҳимоячига айбловнинг асослилигига ҳуқуқий баҳо бериш, ноқонуний олинган далилларга эътироз билдириш ва ишни тугатиш ҳақида илтимос киритиш имконини беради. Бу тергов фаолиятида процессуал мувозанатни таъминлайди.

2. ЖПКга “Ҳимоячининг фикрини тақдим этиш ва қўриб чиқиш тартиби” номли 378²-модда киритиш. “378²-модда. Ҳимоячининг фикри жиноят иши материаллари билан танишиш яқунланган кундан эътиборан уч сутка ичида тақдим этилади. Терговчи (суриштирувчи) Ҳимоячининг фикрини қабул қилиши, уни жиноят ишига қўшиши ва унда келтирилган вазлар бўйича қарор қабул қилиши шарт.”

Ҳимоя ҳуқуқи аниқ муддат ва тартиб билан таъминланмаса, унинг амалий қиймати пасаяди. Ушбу норма судга қадар иш юритишда ҳуқуқий барқарорликни таъминлайди ва тергов органларини Ҳимоя томони вазларига холис ёндашишга мажбур этади.

3. ЖПКга “Ҳимоячининг фикрини ҳисобга олиш мажбурияти” номли 379¹-модда киритиш. “379¹-модда. Терговчи айблов ҳулосасини тузишда Ҳимоячи томонидан билдирилган фикрлар, эътирозлар ва илтимосномаларни баҳолаш ҳамда улар бўйича ўз муносабатини асослантирилган тарзда кўрсатиши шарт. Ҳимоячининг фикрини олмасдан ёки қўриб чиқмасдан айблов ҳулосаси

тузилиши жиноят-процессуал қонун талабларининг жиддий бузилиши ҳисобланади.”

Чунки айблов ҳулосасининг фақат бир томонлама тузилиши процессуал мувозанатни бузади. Ҳимоячи позициясини мажбурий баҳолаш талаби айблов ҳулосасининг сифатини оширади ва судга асоссиз ишлар юборилишининг олдини олади.

4. ЖПКнинг 439-моддасини (Суд терговининг бошланиши) “Судланувчи томонидан айбловга нисбатан муносабат билдирилгандан кейин Ҳимоячи ўз Ҳимоя фикри билан чиқишга ҳақли” деган иккинчи қисм билан тўлдириш.

Сабаби, суд тергови айбловни ўқиб эшиттириш билан бошланиши судьяда дастлабки бир ёклама тасаввур уйғотиши мумкин. Ҳимоячига бошидаёқ сўз берилиши тортишувчанлик принципини мазмунан бойитади ва далилларни холис баҳолаш учун замин яратади.

Суд терговининг адолатлилигини таъминлашга қаратилган ислохотларнинг марказида адвокатнинг процессуал мақомини янги босқичга кўтариш масаласи туриши лозим. Юқорида таклиф этилган “Ҳимоячи фикри” институти ва бошқа процессуал ўзгаришлар нафақат қонунчиликни такомиллаштиради, балки инсон ҳуқуқ ва эркинликларини Ҳимоя қилиш бўйича давлатнинг конституциявий мажбуриятларини амалда таъминлашга хизмат қилади.

Баҳромбек ЯРАШЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси кафедра ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 20.12.2022, <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
2. Маткаримов Қ.Қ. Жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштириш: юрид. фан. д-ри (DSc) дисс. — Тошкент, 2020.
3. Эсаналиев С.Н. Жиноят процессида дастлабки эшитув институти такомиллаштириш масалалари: юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. — Тошкент, 2025.
4. Хакназаров Ш. Суднинг жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш масалалари: юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. — Тошкент, 2023.
5. Раҳмонов А.А. Жиноят ишлари бўйича суд муҳокамасининг процессуал шакли: юрид. фан. д-ри (DSc) дисс. — Тошкент, 2019.
6. Йўлдошев И.А. Жиноят процессида тортишувчанлик принципини амалга ошириш муаммолари: юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. — Тошкент, 2021.
7. Саидов У.Б. Жиноят процессида Ҳимоя ҳуқуқини таъминлашнинг процессуал механизмлари: юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. — Тошкент, 2022.
8. Назаров Б.Ш. Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини қўришнинг процессуал муаммолари: юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. — Тошкент, 2020.
9. Абдулазизов К.Р. Суд муҳокамасида далилларни текшириш ва баҳолашнинг процессуал асослари: юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. — Тошкент, 2021.
10. Каримова М.А. Жиноят процессида томонлар тенглиги принципини таъминлаш: юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. — Тошкент, 2019.
11. Турсунов Ф.О. Жиноят ишлари бўйича суд қарорларининг асосланганлиги: юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. — Тошкент, 2022.

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА СУД ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, қонунчилик базасини мустаҳкамлаш ва давлат хизматларини рақамлаштириш масалалари таҳлил қилинган. Хусусан, "Рақамли суд" концепцияси доирасида суд тизимига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, инсон омилини камайтириш ва одил судловнинг шаффофлигини таъминлаш борасидаги ислохотларнинг аҳамияти ёритилган.

Коррупция — жамият тараққиётини секинлаштирадиган ва адолат тамойилларига путур етказадиган жиддий муаммодир. Шу сабабли, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борада мамлакатимизда изчил ислохотлар олиб борилмоқда.

Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишларидан бири қонунчиликни мустаҳкамлашдан иборат. Ўзбекистонда бу борада муҳим қадамлар ташланган. 2017 йил 3 январда қабул қилинган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун давлат органлари фаолиятида шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлайди. Ушбу қонун коррупциянинг олдини олиш, хавфни аниқлаш ва жазо чораларини кучайтиришга қаратилган.

Жиноят кодексига киритилган ўзгартиришлар пора олиш, бериш ва воситачилик қилиш каби жиноятлар учун жазо чораларини кескинлаштирди. Масалан: пора олиш учун озодликдан маҳрум қилиш ёки катта миқдорда жарималар қўлланилиши белгиланди. Давлат хизматчиларининг шахсий манфаатларини хизмат мавқеи орқали амалга ошириши тақиқланди. Бу мақсадда манфаатлар тўқнашуви нормалари жорий қилинди. Давлат хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари мол-мулк ва даромад декларациясини топширишга мажбур бўлди, бу уларнинг молиявий фаолиятини жамоатчилик назоратига очиқ қилади.

Давлат буюртмалари ва тендерларнинг шаффофлигини таъминлаш учун махсус қоидалар ишлаб чиқилди. Коррупция хавфини таҳлил қилиш механизми жорий этилди, бу эса ноқонуний фаолиятнинг олдини олишга ёрдам беради.

Коррупцияга қарши курашишда шаффофлик ва ҳисобот тизими муҳим аҳамиятга эга. Давлат ташкилотларининг молиявий ҳисоботлари жамоатчилик учун очиқ бўлиши керак. Бунинг учун давлат бюджетини бошқариш жараёнларида шаффофликни таъминловчи электрон платформалар жорий қилинди. Мустақил назорат органлари молия сарфланишини кузатиб, ноқонуний харажатларни олдини олади.

Оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти коррупция ҳолатларини ёритишда фаол иштирок этади. Коррупцияга оид маълумотлар оммавий муҳокама қилинади, бу эса қарор қабул қилиш жараёнини шаффофлаштиради. Жамоатчилик назоратини кучайтириш учун фуқароларнинг электрон мурожаатлари орқали давлат органлари фаолиятини кузатиш имкони яратилди.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш учун Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилган бўлиб, ушбу орган коррупция хавфини баҳолайди, жиноятларни аниқлайди ва давлат хизматчиларининг этика қоидаларига риоя қилишини назорат қилади. Агентлик сиёсий таъсирдан мустақил бўлиб, молиявий ресурслар билан таъминланган.

Давлат хизматларини рақамлаштириш коррупциянинг олдини олишда муҳим воситадир. Ўзбекистонда электрон ҳуқумат тизими жорий қилиниб, инсон омилини камайтиришга хизмат қилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 августдаги "Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 140-сонли Фармони қабул қилинган бўлиб, ушбу Фармоннинг асосий мақсади суд ишларини юритишда қоғоз шаклидан воз кечиш мақсадида "Рақамли суд" концепцияси асосида ишларнинг юритилишини босқичма-босқич тўлиқ электрон шаклга ўтказиш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини ошириб бориш, суд ҳужжатларидан нусха олиш, суд ишлари билан танишиш, аризонинг судга тааллуқлилиги ва судловга тегишлилигини аниқлаш, сунъий интеллект ёрдамида суд харажатларини ҳисоблаш имкониятини яратиш, шунингдек, суд томонидан тақиқланган манба ва контентларнинг электрон реестрини юритиш, судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш учун зарур техник инфратузилма яратиш, шунингдек, ушбу йўналишдаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш, Олий суднинг ахборот тизимлари негизида суд ҳужжатлари архиви модулини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, судлар фаолиятини рақамлаштириш бўйича "Кибер ҳуқуқ" йўналишида илмий тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек, судьялар ва суд аппарати ходимларининг рақамли саводхонлиги ва малакасини доимий ошириб бориш, иқтисодий судлар тузилмасини оптималлаштириш орқали уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш ва ягона суд амалиётини шакллантириш, "Рақамли суд" концепцияси асосида босқичма-босқич суд мажлиси залларини ташкил этиш ҳамда аҳоли ва судьялар учун қулай ва замонавий шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, судьялар ва суд ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришдан иборатдир.

Мазкур Фармоннинг қабул қилиниши одил судловга эришиш даражасини ошириш ва адолатли суд тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг устувор вазифаси бўлиб, коррупцияга қарши курашишда давлат органлари, фуқаролик жамият институтлари ва ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши зарур. Фақатгина биргаликдаги саъй-ҳаракатлар орқали адолатли ва фаровон жамият барпо этиш мумкин.

Орифжон НУРИМОВ,

Самарқанд туманларара иқтисодий суди раиси ўринбосари.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ СУД ТАРТИБИДА ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада бола ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилишнинг айрим долзарб масалалари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинади. Шунингдек, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид суд амалиётида учрайдиган асосий муаммолар, хусусан, даъво қўзғатиш, исботлаш, суд қарорларини ижро этиш ҳамда васийлик ва ҳомийлик органларининг иштирок этиш масалалари таҳлил этилади. Мақолада миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва бола ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва хулосалар баён этилган.

Калит сўзлар: бола ҳуқуқлари, суд ҳимояси, вояга етмаганлар, оилавий ҳуқуқ, фуқаролик процессуал ҳуқуқи, боланинг қонуний манфаатлари, суд амалиёти, васийлик ва ҳомийлик органлари.

Бола ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилиш масаласи ҳуқуқий давлатда алоҳида долзарб аҳамият касб этади, чунки бола жисмоний ва руҳий жиҳатдан ҳимояга муҳтож ижтимоий гуруҳ ҳисобланади. Бугунги кунда оилавий низолар, алимент мажбуриятлари, васийлик ва тарбия масалалари бўйича судларга мурожаатлар сони ортиб бораётгани ушбу соҳада самарали суд ҳимояси механизмларини такомиллаштиришни талаб этмоқда. Суд амалиётида боланинг манфаатларини устувор қўйиш тамойили ҳар доим ҳам тўлиқ таъминланмаётгани ҳуқуқни қўллашда муайян муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга боланинг яқин қариндошлари, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юкланган органлар ва ташкилотлар, шунингдек прокурор ва бошқа шахслар ОКнинг 83-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ мурожаат қилиши мумкин. Ота-она ҳуқуқларини чеклаш ҳолатлари даъво ишларини юритиш қоидаларига мувофиқ, прокурор ва васийлик ва ҳомийлик органининг мажбурий иштирокида кўриб чиқилади.

Шуни таъкидлаш керакки, бола манфаатларига қаратилган ҳар бир суд жараёни низони ҳал қилмайди. Алоҳида тартибда юритиладиган ишларда, ҳуқуқ тўғрисида низо бўлмаганда суднинг вазифаси юридик фактни аниқлаш ҳисобланади. Агар бундай ишларни кўриб чиқишда ҳуқуқ тўғрисида низо юзага келса, суд аризани кўриб чиқмасдан қолдириши ва аризачига даъво тартибида иш қўзғатиш ҳуқуқини тушунтириши шарт¹.

Фуқаролик процессуал кодексининг 42-моддасига биноан шахс томонидан процессуал ҳуқуқларни мустақил равишда амалга ошириш, процессуал мажбуриятларни бажариш тўлиқ ҳуқуқий лаёқатга эришгандан сўнг амал қилиши мумкин.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари фуқаролик процессида уларнинг қонуний вакиллари томонидан вояга етмаганларнинг ишларида мажбурий иштирок этиш билан ҳимоя қилинади.

Бу ёшда ўсмирлар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини судда, бироқ қонунларда назарда тутилган ҳолларда шахсан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда суд вояга етмаганларнинг қонуний вакиллари жалб қилиши мумкин. ОК 67-моддасининг тўртинчи қисмидан англашилишича “боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда, шу жумладан ота-она (улардан бири) томонидан болани тарбиялаш, ўқитиш ёки ота-она ҳуқуқларини суистеъмол қилиш вазифаларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, 14 ёшга тўлган бола уларни ҳимоя қилиш учун мустақил равишда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга”. Ўн тўрт ёшга тўлган асраб олинган бола фарзанд асраб олишни бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

Шу билан бирга, на фуқаролик процессуал, на оилавий қонунчиликда боланинг судга мурожаат қилиш механизми кўзда тутил-

маган, бу судьяларга вояга етмаган даъвогарларни ҳимоя қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш имконини беради². Бундан ташқари, болалар ҳар доим ҳам суд жараёнида иштирок этиш имкониятлари тўғрисида яхши маълумотга эга эмаслар.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари фуқаролик процессида уларнинг қонуний вакиллари ёки ушбу ҳуқуқ қонун билан берилган бошқа шахслар томонидан ҳимоя қилинади (ФПКнинг 42-моддаси бешинчи қисми). Шундай қилиб, васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, етимлар ва ота-она қарамогисиз қолган болалар ташкилоти ҳамда бошқа ташкилотлар, унинг қонуний вакиллари вояга етмаганнинг оилавий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишлари мумкин.

Бола манфаатларини кўзлаб, судда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, ота-оналик ҳуқуқларини тиклаш, ота-оналик ҳуқуқларини чеклаш, фарзандликка олишни белгилаш, фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда прокурор васийлик ва ҳомийлик органининг мажбурий иштирокини, бола алоҳида яшаётган ота-она томонидан ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартибини белгилашда, болаларни тарбиялаш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқишда васийлик ва ҳомийлик органининг қатнашишини назарда тутати.

ОКнинг ушбу нормалари болаларнинг оилавий ҳуқуқларини суд томонидан ҳимоя қилишнинг оммавий негизларини мустаҳкамлайди ва улар императив тус касб этади. Шу билан бирга, боланинг оилавий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишларида васийлик ва ҳомийлик органи ва прокурорнинг иштироки ҳам диспозитив асосга эга бўлиши мумкин³.

ОҚда мавжуд бўлган процессуал қоидалар оилавий ҳуқуқларини суд томонидан ҳимоя қилишни ихтисослаштириш, оила-никоҳ ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уни янада самарали қилиш учун мўлжалланган.

Вояга етмаганлар билан боғлиқ оилавий низоларни суд томонидан ҳал қилишнинг яна бир хусусияти – бу махсус психологик билимлардан фойдаланиш заруратидир. Болаларни тарбиялаш ҳуқуқи тўғрисидаги низоларнинг деярли барча тоифаларида суд у ёки бу ҳаракат боланинг манфаатларига жавоб берадими ёки йўқлигини аниқлаши лозим (боланинг у ёки бу ота-онаси билан яшаш жойини аниқлаш, ота-она ҳуқуқларидан маҳрум қилиш, фарзандлик олишни бекор қилиш).

Оила қонунчилиги болаларнинг манфаатларини аниқлаш мезонларини, айрим шахсларнинг хатти-ҳаракатларининг бола манфаатларига мувофиқлигини (ёки номувофиқлигини) аниқлаш учун суд томонидан аниқланадиган ҳолатлар рўйхатини белгиламайди. Ушбу масалани ҳал қилиш суднинг ихтиёрига асосланади, бу эса амалда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу муносабат билан Т.В.Сахнованинг қуйидаги таклифини қўллаб-қувватлаш



мумкин: “фуқаролик процессида, боланинг ҳақиқий манфаатларини объектив аниқлаш учун, эксперт-психологининг хулосалари ишда нейтрал далил манбаи сифатида қўлланилиши лозим”⁴.

Суд жараёнида бола унинг манфаатларига таъсир қиладиган масалалар бўйича эшитилиш ҳуқуқига эга (ОКнинг 68-моддаси). ОҚда бола қайси ёшдан бошлаб ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилмаган, бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция эса ўз қарашларини шакллантиришга қодир бўлган вояга етмаган бола учун бундай ҳуқуқни тан олади (12-модда). Шундай қилиб, бола ўз манфаатлари билан бевосита боғлиқ бўлган муайян масала бўйича ўз нуқтаи назарини билдиришга имкон берадиган ривожланишнинг маълум даражасига етганида ўз фикрини билдириш ҳуқуқига эга.

Боланинг ўз фикрини билдириш ҳуқуқини очиб бериш, ОКнинг 68-моддасида, шу жумладан судда, ўн ёшга тўлган боланинг фикрини ҳисобга олиш, унинг манфаатларига зид бўлган ҳоллар бундан мустасно. Ушбу қоида болани тинглаш кераклигини англатади, аммо суд боланинг хоҳишига зид (жавоб бермайдиган) қарор қабул қилиши мумкин. Бу ерда боланинг ҳақиқий манфаатлари, уни ривожланишининг устувор (эҳтимол, ижтимоий етуқликнинг етарли эмаслиги сабабли бола томонидан амалга оширилмаган) йўналишлари биринчи ўринга қўйилиши керак.

Шу билан бирга, бир қатор ишларни кўриб чиқишда суд томонидан фақат ўн ёшга тўлган боланинг розилиги билан қарор қабул қилиниши мумкин. Бундай ҳолатларнинг рўйхати қатъий ва ёпиқ бўлиб, кенг талқин қилинмайди⁵.

Боланинг оилавий ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш учун турли хил воситалар қўлланилади, уларнинг тўлиқ таҳлили Ю.Беспалов томонидан амалга оширилган⁶. Вояга етмаганлар учун ювениал адлияни шундай воситалардан бири деб ҳисоблаш мумкин. Вояга етмаганлар учун ювениал адлия масалалари сўнгги ўн йил ичида олимлар ва жамоат арбоблари томонидан жуда фаол муҳокама қилинди ва бу борада турлича муносабатлар билдирилди.

Кўриб чиқилаётган муаммо контекстида вояга етмаганлар судлари, уларнинг юрисдикцияси ва фаолият тамойиллари қизиқиш уйғотилади. Ушбу жиҳатлар илгари айрим муаллифлар⁷ томонидан таҳлил қилинган. Ихтисослаштирилган болалар судлари томонидан ҳуқуқий низола ва зиддиятларни ҳал қилишнинг қуйидаги хусусиятларининг муҳимлигини таъкидлаш зарур деб ҳисоблаймиз: судьяларнинг ихтисослашуви, процесснинг вояга етмаган иштирокчи (биринчи навбатда, вояга етмаган ҳуқуқбузар)ларига янада самарали таълим таъсири, ижтимоий ҳамкорлик даражасини ошириш (социология соҳасидаги мутахассис, психолог иштирокида сабабли) ва индивидуализация (ижтимоий ишчилар томонидан тайёрланган боланинг “ижтимоий қўллаб-қувватлаш картаси” асосида).

Бола ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш нафақат ички воситалар, балки халқаро миқёсда ҳам таъминланади. 1950 йилдаги Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа Конвенциясининг (бундан буён матнда Конвенция деб юритилади) 34-моддасига биноан Европа суди ҳар қандай жисмоний шахсдан унинг юқори Аҳдлашувчи томонларидан бири томонидан бузилиш қурбони бўлганлигини даъво қилган шикоятларни қабул қилиши мумкин. “Ҳар қандай шахс” тушунчаси, шунингдек, “ҳамма” сўзи вояга етмаган шахс томонидан шикоят қилиш имкониятини кўрсатади. Конвенциянинг 35-моддасининг Европа судига топширилган индивидуал шикоятнинг мақбуллигига нисбатан шартларни белгилайди.

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича Европа судида шаклланган амалиёти шуни кўрсатадики, одатда Европа судида вояга етмаганларнинг манфаатлари улар-

нинг ота-оналари томонидан тақдим этилади⁸. Бироқ, бола адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга (Конвенциянинг 6-моддаси), бу бола ва унинг қонуний вакиллари манфаатлари ўртасида қарама-қаршиликлар мавжуд бўлса, айниқса муҳимдир.

Европа суди томонидан болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Конвенциянинг энг кўп ишлатиладиган моддалари орасида учинчи модда (қийноқлар ва ғайриинсоний кадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазони тақиқлаш (шу жумладан, ота-оналар томонидан ёки суд қарори билан болаларни жисмоний жазолаш ҳолатларида) ва саккизинчи моддани (оилавий ҳаётни ҳурмат қилиш ҳуқуқи (ушбу ҳуқуқ доирасида суд никоҳсиз туғилган болаларнинг мақомини изоҳлайди, бола манфаатларига қаратилган ҳаракатлар тушунчасини белгилайди (дин, исм ва бошқаларни танлаш.), ота-оналарни депортация қилиш сабабли ота-оналар ва болаларни ажратиш ҳолатларида болага васийлик қилиш ҳуқуқининг давлатга ўтиши) кўрсатиб ўтиш мумкин.

Шу билан бирга, зиддиятли вазиятларни ҳал қилишда суд болаларнинг фикрларини иложи борича ҳисобга олишга интилади ва “соғлиқни сақлаш ва ахлоқ” ва “оилавий ҳаётга бўлган ҳуқуқ” тамойилларига амал қилади⁹.

Шундай қилиб, суд жараёни вояга етмаганларнинг қонуний манфаатларига таъсир кўрсатадиган оилавий-ҳуқуқий низола ва зиддиятларни ҳал қилишнинг асосий шакли бўлиб қолмоқда. Суд жараёни иштирокчилари вояга етмаганнинг ўзи, унинг қонуний вакиллари, прокурор, васийлик органи, суд (умумий юрисдикция суди, Конституциявий суд, Европа суди) ва баъзи ҳолларда процессуал қонунчилик талабларига мувофиқ бошқа субъектлардир¹⁰. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар боланинг оилавий ҳуқуқларини суд томонидан ҳимоя қилишнинг турли воситаларини назарда тутати (даъво аризаси, шикоятлар, процессда иштирок этаётган боланинг фикрини аниқлаш, вояга етмаганнинг манфаатларини ифодалаш ва ҳоказо). Вояга етмаганлар ишлари бўйича судлар (ювениал судлар) вояга етмаганлар билан боғлиқ ҳуқуқий низоларни ҳал қилишнинг муҳим қафолатига айланиши керак.

Зулфия НУРАЛИЕВА,

*юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD),
ФИБ Мирзо Улуевбек туманлараро суди судьяси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Прокудина Л.А. Правосудие как способ разрешения правового конфликта // Российский судья. 2010. – № 8. – С. 7.
2. Левушкин А., Юренкова О. Судебная власть и защита прав несовершеннолетних в России // Власть. 2011. – № 5. – С. 142–143.
3. Кострова Н.М. Развитие процессуальных правил разбирательства семейных дел // Журнал российского права. 2001. № 7. С. 57–58.
4. Постатейный комментарий к Семейному кодексу Российской Федерации / Под ред. П.В. Крашенинникова. М. 2006.
5. Постатейный комментарий к Семейному кодексу Российской Федерации / Под ред. П.В. Крашенинникова. М. 2006.
6. Беспалов Ю. Средства судебной защиты гражданских прав ребенка // Российская юстиция. 1997. № 3.
7. Тухташева У. Ювенальная юстиция в Узбекистане: современное состояние и перспективы развития // <https://uz.denemetr.com/docs/768/index-287568-1.html>
8. Косевич Н.Р. Защита прав детей в практике Европейского Суда по правам человека [Электронный ресурс]. Документ опубликован не был. Доступ из справ.-правовой системы “КонсультантПлюс”.
9. Косевич Н.Р. Защита прав детей в практике Европейского Суда по правам человека [Электронный ресурс]. Документ опубликован не был. Доступ из справ.-правовой системы “КонсультантПлюс”.
10. Садина О.В., Худойкин А.В. Судебная защита семейных прав ребенка как способ разрешения юридических споров и конфликтов // Социально-политические науки. 2012. - №1. – С. 129.

СУДЛАРДА МЕДИАЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЎЗГАРТИРИШЛАР

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги ислохотлар субъектлар ўртасида ҳамкорликнинг ортиши, шу билан бирга шартномавий низоларнинг кўпайишига ҳам сабаб бўлмоқда. Бу эса судлар юкламасини мақбуллаштириш ва низоларни тезкор ҳал этишнинг самарали механизми сифатида медиация институтини ривожлантиришни тақозо этмоқда. Қуйида ушбу институтнинг аҳамияти ва қонунчиликдаги сўнги ўзгаришларга тўхталиб ўтамиз.

“Медиация тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра, мазкур институт — “низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усули” бўлиб, жараён якунида томонларнинг ўзаро муроасага келиши назарда тутилади. Бу орқали низолашувчи тарафларга давлат божи тўламасдан, қисқа муддатларда бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш имкони яратилади. Бу нафақат вақт ва маблағни тежайди, балки келгусида тарафлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини сақлаб қолишга хизмат қилади. Низо медиатив келишув билан ҳал этилганда, мазкур иқтисодий иш Иқтисодий процессуал кодекси талаблари асосида кўрмасдан қолдирилади ва давлат божи ундирилмайди.

2025 йил 20 октябрда Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига низоларни муқобил ҳал этишда медиация институтини тако-

миллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида ЎРҚ-1089-сонли қонуни эълон қилинди. Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонун ҳужжатларига, жумладан, Оила кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси, “Медиация тўғрисида”ги, “Нотариат тўғрисида”ги, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги ва “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

“Медиация тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси янги таҳрирда баён қилинди. Унга кўра, “Ушбу Қонуннинг амал қилиши фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шу жумаладан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан, мижоз ва банк (кредит ташкилотлари) ўртасидаги муносабатлардан, суғурта шартномасидан юзага келадиган муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга, меҳнат ва оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга медиацияни қўллаш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.”

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари деганда жуда кўп муносабатлар қамраб олинади. Жумладан, биргина иқтисодий судларда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан маҳсулот етказиб бериш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш, кредит муносабатлари, суғурта шартномасидан юзага келадиган муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга суд муҳокамаси давомида тарафлар ўзаро медиатив келишувга эришиш орқали келгусида ҳамкорлик муносабатларини сақлаб қолиши самарадорликнинг бир кўринишидир. Бугунги кунда яна бир муҳим ўзгартиришлардан бири медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳолатидир. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 25-моддаси 4²-банд билан тўлдирилиб, медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишлар ҳам иқтисодий судларга тааллуқли ишлар тоифасига киритилди.

ИПК 37-моддаси олтинчи қисм билан тўлдирилиб, унга кўра, “медиатив келишувни мажбурий

*Кўнгли тилаган
муродига етса
киши,
Ё барча муродларни
тарк этса киши,
Бу икки муяссар
ўлмаса оламда,
Бошини олиб бир
сорига кетса киши.*

**Заҳириддин
Муҳаммад БОБУР**

ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза медиатив келишувни ихтиёрий равишда ба- жармаган тараф давлат рўйхатидан ўтган жойдаги ёки, агар у давлат рўйхатидан ўтган жой номаълум бўлса, унинг мол-мулки турган жойдаги иқтисодий судга берилади.” Илгари медиатив келишув ихтиёрий бажарилмаганда тараф судга умумий асосда даъво аризаси билан мурожаат қилиб, яна давлат божи тўлаб ишни мазмунан кўриб чиқиш маълум вақт талаб қилган бўлса, эндиликда ишни яна маз- мунан қайта кўришга зарурат қолмайди. Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро ва- рақаси бериш тўғрисидаги ариза билан иқтисодий судга мурожаат қилиш кифоя.

Юқорида келтирилган ҳолатлар муносабати билан ИПК 29²-боб билан тўлдирилди. Ушбу боб “Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юри- тиш” деб номланиб, қуйидаги моддаларни ўз ичига олади: 232¹⁰-модда — медиатив келишувни маж- бурий ижро этиш учун ижро варақаси беришнинг умумий қоидалари, 232¹¹-модда — медиатив кели- шувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризининг шакли ва мазмуни, 232¹²-модда — медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартиби, 232¹³-модда — ме- диатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш асослари, 232¹⁴-мод- да — суднинг медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги иш бўйича ажрими бериш тартиблари.

Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида- ги ариза иқтисодий судларга ёзма шаклда ёки электрон ҳужжат тарзида берилади ва аризачи ёки унинг вакили томонидан имзо- ланиши керак. Аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

1. Ариза берилаётган иқтисодий суднинг номи;
2. Медиатив келишув тузган тарафлар- нинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), жойлашган ери ёки яшаш жойи;
3. Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги талаб. Шунингдек, аризада телефонлар, фак- слар рақамлари ва электрон почта манзилла- ри кўрсатилиши мумкин.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қили- нади:

1. Медиатив келишувнинг асли ёки тас- диқланган нусхаси;
2. Давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

3. Ариза нусхаси бошқа тарафга топши- рилганлиги ёки юборилганлиги ҳақидаги ҳуж- жат. Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, ишончнома илова қилиниши керак. Ари- за келишувни ихтиёрий ижро этиш муддати тугаган кундан эътиборан олти ойдан ке- чиктирмай берилади. Бу муддат узрли сабаб билан ўтказиб юборилган бўлса, тикланиши мумкин.

ИПК 232¹²-моддасига биноан ариза судья томо- нидан якка тартибда кўриб чиқилади. Тарафлар- нинг келмаслиги ишни кўришга тўсқинлик қилмай- ди. Суд мажлисида мажбуриятлар ижроси ва рад этиш асослари аниқланади. Агар келишув қонун- чиликка зид бўлса, унинг шартлари бекор қилин- ган ёки тўлиқ бажарилган бўлса, шунингдек, ариза бериш муддати ўтказиб юборилса, ижро варақаси бериш рад этилади. Бундай ҳолда тарафлар низо- ни ҳал қилиш учун судга умумий тартибда мурожа- ат қилишга ҳақли.

Қонунчиликка киритилаётган бу ўзгартиришлар билан такомиллашаётган медиация институти хо- рижий давлатлар, жумладан АҚШ, Германия, Буюк Британия, Австрия, Япония, Хитой, Гонконг, Корея ва Ҳиндистон каби мамлакатларда самарали таш- кил этилган. Масалан, Сингапур медиация марка- зида келишув билан яқунланган ишларнинг 90% дан ортиғи бир иш кунида ҳал қилинади. АҚШда воситачиликни тартибга солувчи 2 500 дан зиёд қонунни бирлаштирган ягона медиация қонуни амал қилади. У ерда судья жараённи тўхтатиб, ни- зони медиатор ёрдамида ҳал этишни тавсия қили- ши мумкин. АҚШда мунозараларни ҳал қилишнинг миллий институти фаолият юритиб, янги усуллар- ни ишлаб чиқади.

Буюк Британияда махсус телефон хизмати орқали медиатор танлаш ва таклифлар олиш мум- кин. Агар тараф суд таклиф этган медиациядан воз кечса, натижадан қатъи назар барча суд харажат- лари унинг зиммасига юкланади. Германияда эса медиаторлар бевосита судларда иш олиб боради, бу эса судлашувлар сонини камайтиради. Австри- яда медиатор касби алоҳида номенклатурага ки- ритилган бўлиб, федерал қонун билан тартибга солинади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, медиация тартиб-таомилларининг такомиллаштирилиши низоларни тинч йўл билан ҳал қилишга, судлар юкламасини камайтиришга хизмат қилади. Низо- лашаётган тадбиркорлик субъектлари учун эса бу- зилган ҳуқуқларини қисқа муддатларда тиклаш ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларини сақлаб қолиш имкониятини яратади.

Зилола РАХМАНОВА,
Тошкент туманлараро
иқтисодий суди судьяси.

АҲМАД ДОНИШ МИНТАҚА ИНҚИРОЗИ САБАБЛАРИ ҲАҚИДА

АННОТАЦИЯ: мақолада Бухоро мангит амирлари олиб борган бошқарув хусусида ўз даврининг машҳур донишманди Аҳмад Дониш томонидан билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалар ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: “Наводир-ул-вақое”, “Рисолаи тарихи амирон мангит”, ҳукумат арбоблари ахлоқи, одил сиёсат, давлат бошқарув тизими.

Маълумки, XVII-XIX асрлар мобайнида Марказий Осиё минтақасида турли омиллар сабаб ижтимоий-сиёсий вазият кескинлашгани кузатилади. Бу давр тарихини ўрганишда албатта, ўша замонларнинг бевосита шохиди бўлган олим-у фузалолари меросини ўрганиш катта аҳамият касб этади. Қолаверса, XX аср бошида Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий воқелигини кўп жиҳатдан белгилаб, йўналтирган жадидчиликнинг пайдо бўлиш сабабларини ўрганиш учун ҳам XIX аср ижтимоий-сиёсий воқелигини, бу воқеликни ўз асарларида реал ифодалаган муаллифлар ижодини ўрганиш ва таҳлил этиш зарур.

Шундай муаллифлардан бири табиий ва аниқ фанлардаги чуқур билими учун муҳандис деб аталган, улуг маърифатчи олим ва шоир Аҳмад Дониш (1827-1897) эди. У мадраса таълимини олгач тарих, адабиёт, астрономия, геометрия, тиббиёт, ҳаттотлик, муסיқий санъат соҳаларини мустақил ўрганиб, XIX асрнинг 50 йиллари ўрталарида амир Насрулло саройида бош ҳаттот ва рассом сифатида иш бошлаган ҳамда Бухоро амирлари топшириғи билан Россияга юборилган элчилар сафида уч марта – 1856, 1869, 1873-1874 йилларда Петербургда бўлган. Аҳмад Дониш Бухоро ва Россия тараққиётидаги тафовутни амалда кўриб, таққослайди ва унда маҳаллий ҳукмдорлар ички ва ташқи сиёсатида нисбатан танқидий муносабат янада чуқурлашади.

Тарихчи олима Д. Жамолова қайд этганидек, Аҳмад Дониш Шарқ халқлари ижтимоий-сиёсий фикрларини умумлаштириб, Бухоро ва Россия давлат қурилиши ва қонунчилигини ўрганиб, ўзининг назариясини ишлаб чиқди. Унинг “Наводир-ул-вақое” асари ва ундаги тараққий-парвар ғоялари XIX аср охири маърифатпарварлари ижтимоий-сиёсий қарашлари шаклланишида асосий манба бўлиб хизмат қилди.

Донишнинг “...кўп олимлар ҳаво нафсларига қараб ёки бирор мансаб, даражани қўлга киритишга қизиқиб, шариатнинг ботинига қарамай, зоҳирига қараб фатво берадилар; бу билан кўп ҳақиқатларни бекитадилар. Подшоҳга малол келмасин деб ҳақ сўзни айтмайдилар. Ўзларича оят ва ҳадислардан йўқ маъноларни топишиб, бунинг натижасида бир қанча бидъатларга йўл очадилар. Агарда султон била туриб шунга рози бўлар экан, уларнинг гуноҳларига, у ҳам шерик бўлади” ёки “Подшоҳлар фуқаролари билан подшоҳдирлар. Агар улар халқни ранжитсалар, уларни койиб озор берсалар, унда ўз давлатларига душман бўладилар”, каби фикрлари ўз даври сиёсий тафаккуридаги жасорат эди.

Ўз сафари таассуротлари ҳамда қозилик лавозимида тўплаган тажрибалари асосида муаллиф Бухоро ижтимоий-иқтисодий тузилишида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар зарур, деган қатъий хулосага келади. Унинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари акс этган “Наводир-ул-вақое” (“Нодир воқеалар”) ва “Рисолаи тарихи амирон мангит” (“Мангит амирлари тарихи ҳақида рисола”) каби машҳур асарлари юқоридаги сабабларга кўра яратилади. Бу асарларда амирликнинг бошқарув тизими, ундаги халқларнинг аҳволи, Россия билан бўлиб ўтган уруш масалалари ёритилган.

Масалан, амир Музаффар (1860-1885) ҳукмронлик йиллари мангитлар сулоласи ва улар ҳукми остида яшаган аҳоли учун энг таҳликали давр бўлганлиги, арзимаган жиноят қилган киши қатл

этилиши, одам ўлдирган жиноятчини биров сўраб-суриштирмаслиги ҳам мумкин бўлиб қолганлиги муаллиф томонидан қайд этилган. Бу даврда лашкар заифлашиб, амир Насрулло замонидаги ҳарбий юришларда катта тажриба тўплаган саркардалар қатл этилиб, ўринларига “таги паст кишилар ва ғуломлар” тайинланганини ошқора танқид қилади ва “Агарда паст одамлар салтанат ўрдасига тўпланар эканлар, улардан хушомадгўйлик, эгилиб-букилиб тилёгламалик қилишдан бошқа нарса чиқмайди. Агар улар бир эшикдан ҳайдалсалар, иккинчи эшикдан бош чиқарадилар. Бир хизматда юриб юзига шапалоқ, бўйнига мушт ейишдан ор қилмайдилар”, дейди.

“Наводир-ул-вақое”га мустақил асар сифатида киритилган “Мамлакатни бошқариш ва халқни маърифатли қилиш” бобида муаллиф Бухоро амирлигида Чингизхон замонидан қолган эски тартиб асосида иш олиб борилмоқда, шунинг учун бутун давлат апаратини замона талабига мувофиқ қайта қуриш керак, дейди.

Дониш давлат бошқарув тизимини тубдан ўзгартириш ҳақидаги мулоҳазаларида мангит амирлари ҳамда амалдорлари ҳатти-ҳаракатларини қаттиқ танқид қилиб, “халқ ахлоқининг тузалишидан илгари, подшоҳ ҳамда ҳукумат арбоблари ахлоқининг тузалиши зарурроқдир. Чунки подшоҳ ахлоқлик бўлса, бир шаҳарга эмас, балки бир вилоятга, ҳаттоки, бутун бир иқлимга унинг таъсири ўтади. Шунингдек, подшоҳнинг бузуқлиги ҳам бутун бир мамлакат халқининг бузилишига сабаб бўлади”, деб ҳисоблайди.

Тарихимизда бу фикрни тасдиқловчи мисоллар кўп. Жумладан, 1847 йилда Тошкент ҳокими Азизбекнинг шаҳарда қипчоқлар ва қорачопонлилар (маҳаллий, тургун аҳоли) ўртасида ўзаро қирғинни келтириб чиқариши, энг таажжублиси, қора чопоннинг Қўқон хонлигидан Тошкентни ажратиб олиш учун Юсуфбек хожи таъбири билан айтганда “Азизбекни то ўзининг бир томчи қони қолгунчалик химоя қилмоққа онт ичгани” каби афсусли ҳолатлар ўша замонлардаги минтақамиз халқлари сиёсий тафаккуридаги қусурларни яққол кўрсатади ва Аҳмад Дониш хулосаларининг объективлигини тасдиқлайди.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, Аҳмад Дониш билан ҳамфикр эканлигини кейинроқ улуг адиб Абдулла Қодирий ўзининг “Ўтган кунлар” романида тарихий шахс – Шайхонтаҳурнинг Занжирлик маҳалласида яшаган Муҳаммад Юсуфбек тилидан “Мен кўб умримни шу юртнинг тинчлиги ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қилолмадим. Иттифоқни не эл эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб, ичкан мансабпараст, дунёпараст ва шухратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди. Биз шу ҳолда кетадирган, бир-биримизнинг тегимизга сув қуядирган бўлсақ яқиндирки, ўрус истибодди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсақ ўз қўлимиз билан келгуси наслимизни бўйнига ўрус бўйиндиригини кийдирган бўлармиз”, дея ифода этган эди. Ўрни келганда таъкидлаш керакки, Муҳаммад Юсуфбек парчабоф – “Ўтган кунлар” романидаги Юсуфбек Ҳожи образининг ҳаётдаги прототиби бўлиб, тошкентликларни Азизбек зулмига қарши

жипслаштириб, исён кўтарганлиги учун Тошкентнинг янги ҳокими Мирзо Аҳмад томонидан 1855 йилда осиб ўлдирилган.

“Одил подшоҳнинг бир соатлик қилган адолати бошқаларнинг олтмиш йиллик тутган рўзаси ва ўқиган наомзидан ортиқроқдир”, “Оллоҳга энг яқинроқ ва энг дўстроқ бўлган киши адолатли ва инсофли подшоҳдир” деган ҳадисларга таянган Аҳмад Дониш “Наводир-ул-вақое” асарида давлат бошлиғи одил сиёсат олиб бориш учун амал қилмоғи лозим бўлган ўнта шартни қайд этади:

1. Бирор бир масала ёки иш юзасидан ҳукм чиқаришда ўзини оддий кишидек ҳисоблаш. Бошқалар манфаатини ўз манфаатидек, зарарини эса ўз зараридек кўриш.

2. Фуқароларни қабул қилишда уларни ранжитмаслик, ҳушмуомала бўлиш, йўл-йўриқ кўрсатиш ва ёрдам бериш.

3. Лаззатли таомларни тановул қилишга, қимматбаҳо кийимларни кийишга ўз нафсини ўргатмаслик. Чунки ҳар ишда қаноатли бўлмаган ҳукмдор адолатли бўла олмайди.

4. Ҳукм чиқаришда ҳужжат ва далилларни текшириш.

5. Айрим шахсларнинг кўнглига қараб, ғайриқонуний ва шариатга зид ҳукм чиқармаслик.

6. Манманлик ва такаббурлик қилиб, халқни ўзидан бездирмаслик.

7. Ҳукмдорлик подшоҳни икки дунё саодатига мушарраф қилиши, шунингдек, икки дунёда бахтсизлик сари ҳам элтиши мумкин. Шундай бўлгач ҳар бир ҳукмдор ўз фикри, сўзи ва фаолиятида ҳақ йўлдан оғишмай, инсоф ва адолат билан иш олиб бормоғи керак.

8. Оқил ва доно олимларнинг насиҳат ва маслаҳатларига амал қилиш, ҳирсу дунёга берилган, ҳушмадеъй олимлардан эса ҳазар қилиш.

9. Подшоҳ эл-юрт устидаги волий ва ҳоким каби катта-кичик хизматчиларнинг олиб борётган фаолиятини текшириб, уларнинг ғайриқонуний ишларидан ҳеч вақт гофил бўлмасин. Кўй терисини кийган мансабпараст оч бўриларни халқ устига қўйиб, зинҳор уларга амал бермасин.

10. Ҳукмдор такаббурликдан, бошқаларни менсимасликдан сақланиб, бунинг устига кўнгли юмшоқ, ўзи тавозелик бўлсин.

Таассуфки, Аҳмад Донишнинг ўз даври учун муҳим аҳамият касб этган юқоридаги фикрлари амир ва унинг атрофидаги жоҳил амалдорлар ҳамда мутаассиб уламолар томонидан эътиборга олинмаган. “Наводир-ул-вақое” ни ёзгандан кейин Донишни нодону кофирга чиқаришган.

Аҳмад Дониш мангит салтанати хонадони мухтасар тарихи битилган “Рисола”сининг асосий қисмида амир Музаффардан (1860-1885) – унинг турмуши, феъл-атвори, мамлакатга раҳбарлик қилиш тартиб-усуллари, чор давлатига таслим бўлиш сабабларидан баҳс юритади. Ва масаланинг икки жиҳатига алоҳида урғу беради: бири – Музаффарнинг тахтта чиқиши билан юртда таҳлика, қўрқув, қуллик ва ёлғоннинг фавкуллода зўрайиши; иккинчиси – катта-кичик, паст-баланд мансабларнинг энг қўрқоқ, муттаҳам ва юлғич кимсаларга тақсимлангани. Масалан, Бухоро вазоратини (Бош вазир) эгаллаган Муҳаммад қушбеги шунчалик ожиз, бесавод ва ақлсиз бўлганки, у бутун “иктидори”ни давлатнинг аянчли аҳволи ҳақидаги заррача тўғри фикрни ҳам амирга етказмасликка сарфлаган. Чунки адолат, диёнат, инсоф талабидаги ҳар қандай гап амирнинг кайфиятига ёмон таъсир ўтказиб, уни ғазаблантирган. Донишнинг иқрорига кўра эса, “Қуруқ ҳушмомад, бемаъни мактовлар билан давлатнинг ишлари унганмаганидек, халқнинг аҳволи ҳам яхшиланмайди”. Умуман, Аҳмад Дониш ўз “Рисола”сида амир Дониёлдан (1758-1785) то амир Абдулаҳадга (1885-1910) бўлган (амир Шоҳму-

роддан ташқари) барча Бухоро амирларини давлат ва унинг фуқаролари фаровонлиги йўлида эмас, балки фақат ўз шахсий манфаатлари йўлида қайғурган нўноқ ҳукмдорлар сифатида таърифлайди. “Улар, -деб ёздади у-нимани топишса, ўшани олиб қўйишар, бева-бечоралар шам-чироғидаги оловдан тортиб, вақф омборидаги ғаллагача ўғирлашар, қорин ғами ва қувончу хурсандликларига хизмат қилса бўлди эди. Ҳеч ким қаршилиқ кўрсатишга журъат этмасди. Амирлар ва ҳокимлар орасида қиморбозлик, майхўрлик ва бузуқчилик авж олди, деҳқон ва хунармандларда эса шафқатсизлик, эзиш, солиқлар ва аминана, вакилона каби йиғимлар сероблигидан на туриш, на юришга ҳол қолди”.

Мамлакат амалдорларининг суистеъмолчиликлари, ҳокимлар ва амирларнинг очкўзлиги, ўз хатти-ҳаракатларини оқлаш учун диний қонун-қоидалардан фойдаланиши, схоластик хусусият касб этувчи таълимнинг аянчли аҳволи, давлат мустақиллигини сақлашга қаратилган аниқ ташқи иқтисодий ҳаракатларнинг йўқлиги, минтақада янги ерларни босиб олишга йўналтирилган анча тор интилишлар, халқнинг қашшоқ аҳволи ўша замоннинг умумий ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий манзарасини ташкил этарди. Рост сўз, тўғри фикрнинг бир чақалик қиймати бўлмаган ана шундай қалтис шароит ва оғир муҳитда сарой хизматида бўлган Аҳмад Дониш ислохотчиликнинг аниқ тақлифларини, жиддий, лекин мутлақ тўғри танқидий мулоҳазаларни айта олди. Унингча, “ҳасадгўйлик, такаббурлик, кўролмаслик, иттифоқсизлик” каби чиркин иллатлар “бошқаларга қараганда мусулмонларда кўпроқдир”.

Аҳмад Дониш фаранг донишмандлари, “сиёсий ҳукамолар”и ҳақида ёзди. Уларнинг “ихтилол ва инқилоблар тарихини чуқур ўрганиб”, барча ҳақсизлик ва адолатсизлик сабабини “давлат ишларининг ёлғиз подшо кўлида бўлиши”дан топганликларини маълум қилди.

Улар шу сабабли эски “давлат тузумини ўзгартирганлар”, деб ёзди. Улар “ҳуқуқда ҳамманинг тенглиги”га роия этишлари, даражалар эса кишиларнинг “фазл ва хунарларининг оз-кўплигига қараб бўлиши”, “давлатни ҳамманинг ўртасида турган киши идора қилиши” ҳақида қонунлар чиқарганларини уқдирди. Европанинг “барча давлатларни енгиб, бутун дунёга эга бўлишлари”да бу асосий омил бўлганини таъкидлади.

Халқ ва давлат, ҳокимият ва юртни таназулдан қутқаришни тинимсиз ўйлаган мутафаккир ҳатто Келиф ва Қарши туманида Амударёдан сугориш канали ўтказиш лойиҳасини ўз “Рисола”сида баён қилган эди. Аслида етилиб келаётган жадидчиликнинг тамал тошини ҳам Аҳмад Дониш қўйган эди. Шунинг учун ҳам бундай улуғ зотларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганмасдан, ўз илдиэларимиздан озикланмасдан туриб минтақамиз халқлари бошидан ўтган инқироз-у, юксалишлар моҳиятини тўлиқ тушуниш қийин.

Даврон РАЗАКОВ,

ИИВ Академияси Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жамолова Д.М. Бухоро амирлигида жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари) / Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) автореферати. Т., 2019. – Б. 14.
2. Аҳмад Дониш. Наводир-ул-вақое. (Нодир воқеалар). ЎзССР ФА академиги И.М. Мўминов таҳрири остида. Т., Ўзфанашир, 1964. – Б. 65-66.
3. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи: (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) // Масъул муҳаррир: Б. Аҳмедов / Т., 2000. – Б. 283-284.
4. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар (роман). – Б. 161 / www.ziyouz.com 2008/
5. Эргашева М. Одил сиёсат юритишнинг 10 та шартини. // “Ҳуқуқ-Право-Лав”, № 4, 2004. – Б. 53-54.
6. Иброҳим Ҳаққул. “Аҳмад Калла”. // “Тафаккур”, № 3, 2005. – Б. 80.
7. Жадидчилик:ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Даврий тўплам, № 1, Т., 1999. – Б. 84-85.
8. <https://kh-davron.uz/kutubxona/multimedia/ibrohim-haqqul-ahmad-kalla-esse.html>.

ОГУФУРУШНИНГ ҚИСМАТИ

Гиёҳванд моддалар билан савдо қилиш энг оғир жиноят турига кириши кўпчиликка маълум. Бунинг учун қонунларимизда қатъий тартибли жазолар белгиланган. Афсуски, буни била туриб, қайта-қайта шу каби жиноятларга қўл ўраётганларни нима деб аташни ҳам билмайсан киши. Одатда илк марта жиноятга қўл урган кимсалар, “билмай қолдим”, “шайтон йўлдан урди” каби важ-карсонларни келтиришади. Тўғри, жамиятдаги тартиб-қоидаларни бузмаган ва ҳар доим ўзини намунали тутган фуқароларнинг йўлдан адашиб, биринчи марта жиноятга қўл уришини тушунса бўлади.



Лекин умри давомида бир эмас, бир неча марта жиноят содир этиб ва бундай қилмишлари учун панжара ортида жазо муддатини ўтаб келганларнинг “бу ишни билмай қилдим, қилмишимдан пушаймонман”, дейиши ўта ишонарсиз ҳолат.

Тошкент шаҳрида туғилган Р.С. ҳам охириги марта қамоқдан чиққанда яқинлари “бу охириги бўлсин ишқилиб”, дея умид қилган бўлса ажаб эмас. Афсуски, Р.С. оила аъзоларининг бу умиди тез орада пучга чиқди. У панжара ортидаги “саёҳатига” узоқ вақт бўлмай яна оғир жиноятга қўл урди. Бу ҳам етмагандек, ўзининг жиноий қилмишига бошқаларни ҳам шерик қилди. Аслида унинг жиноий шериги ҳам фаришта эмасди. Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманида яшовчи М.Қ. ҳам жиноий қилмишлари учун бир эмас беш марта панжара ортини “зиёрат” қилиб келганлардан эди. Кўр кўрни қоронғуда топади, деганларидек, бу кимсаларнинг юрагидаги қора ният уларни бирлаштирганди.

Судланувчилар Р.С. ҳамда М.Қ. кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини сотиш жиноятни қасддан содир қилишган.

Жумладан, Р.С. жиноий шериги М.Қ. билан гиёҳвандлик воситаларини кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотиб ноқонуний даромад орттириш бўйича олдиндан жиноий режа тузиб, мазкур режа асосида Р.С. 1 кг. гиёҳвандлик воситаси учун 7500 АҚШ доллари миқдоридаги пулни фуқаро Д.М. орқали М.Қ.га берганидан сўнг Р.С. Сурхондарё вилояти Денов туманида бўлиши давомида М.Қ.дан кўп миқдордаги 998,00 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини қабул қилиб олиб, қора рангли чарм қўл сўмкачаси ичига жойлаб, фуқаро Т.А.нинг бошқарувидаги “Cobalt” русумли автомашинага йўловчи сифатида ўтириб, “Сурхондарё-Тошкент” йўналиши бўйлаб ҳаракатланган.

Қашқадарё вилояти Кўқдала тумани “Ўмакай” ИПХ масканида, ДХХ Қашқадарё вилояти бўйича бошқармаси ҳамда вилоят ИИБ ва божхона бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда гиёҳвандлик

воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши кураш бўйича ўтказилган “Турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш” тезкор-қидирув тадбири давомида тўхтатилиб, текширилган.

Автомашинада йўловчи сифатида ҳаракатланиб кетаётган, Р.С.га тегишли, автомашина орқа ўриндиғи остига яширилган қора рангли сўмкача ичида 1 дона скотчланган ўрамни яширин тарзда олиб кетаётгани ва ушбу ўрам ичида жигарранг, ўткир ҳидли гиёҳвандлик моддасига ўхшаш моддалар борлиги аниқланиб, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда, жиноятни охирига етказолмасдан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланиб, ҳолислар иштирокида тегишли тартибда расмийлаштирилди.

Судланувчи Р.С. ўзининг жиноий қилмиши билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмида, судланувчи М.Қ. жиноий ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир қилган.

Суд ҳукмига кўра Р.С. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўра 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Судланувчи М.Қ. ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўра 10 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Албатта, қайта-қайта жиноят содир этиб ҳам кўзи очилмаган бу икки кимсага белгиланган жазо чивин қаққанчалик таъсир этмас, балки. Аммо уларнинг қилмиши тўфайли эл-юрт олдида боши эгилиб қолган яқинлари учун бу жазонинг қиймати оғир бўлиши шубҳасиздир.

Ашурали ТАШЕВ,

*жиноят ишлари бўйича
Чироқчи туман суди раиси.*

ЗАМОНАВИЙ КРИМИНОЛОГИЯДА ЖИНОЯТЧИЛИККА ОИД ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада замонавий криминология фанида жиноятчиликка оид илмий тадқиқотлар ўтказиш самарадорлигини баҳолаш масаласи кўриб чиқилади. Ўзбекистон мисолида криминологик тадқиқотларнинг методлари, уларнинг амалий натижалари, ҳуқуқий сиёсатга таъсири ва халқаро тажриба билан қиёсий таҳлили ёритилган. Шунингдек, илмий изланишларни молиялаштириш, ахборот-таҳлилий инфратузилмани ривожлантириш, илмий натижаларни амалиётга татбиқ этиш тизимини мустақкамлаш бўйича тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: замонавий криминология, жиноятчиликнинг олдини олиш, инновацион ёндашувлар, криминологик прогноз, жиноятчилик профилактикаси, башорат қилиш методлари.

Замонавий криминологияда жиноятчилик муаммоларини чуқур ўрганиш ва илмий тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этади. Жиноятчиликнинг тенденциялари, сабаблари ва олдини олиш чораларини илмий асосда аниқлаш, жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Кўплаб ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, жиноят ва жазога доир сиёсатни шакллантиришда илмий тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда “далилларга асосланган” ёндашув қўлланиши юқори натижа беради.

Криминологик тадқиқотларда қўлланиладиган усуллар ранг-баранг бўлиб, улар орасида назарий ва эмпирик ёндашувлар бир-бирини тўлдирди. Умуман олганда, илмий изланиш муваффақияти кўп жиҳатдан фойдаланиладиган усулларнинг самарадорлигига боғлиқ эканлиги тан олинган. Шу боис криминология фанида биттагина методга таяниб қолиш эмас, балки турли усулларни уйғунлаштириб қўллаш муҳимдир. Фақат битта усулга ҳаддан ташқари эътибор бериб, бошқаларини четлаб ўтиш нотўғри хулосаларга олиб келиши мумкин. Аксинча, бир қанча методлардан фойдаланиш сифатли ва ҳар томонлама тўлиқ ахборот олишга, хулосалар ва тавсияларни илмий жиҳатдан асослашга хизмат қилади.

Назарий методлар криминологияда жиноятчиликни тушунтирувчи концепциялар ва қонуниятларни ишлаб чиқишга қаратилган. Назарий таҳлил жиноятчилик сабабларини чуқур англаш ва мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш бўйича илмий хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Эмпирик методлар эса бевосита жиноятчилик ҳолатига оид далилларни тўплаш ва таҳлил этишга йўналтирилган. Криминологияда кенг қўлланиладиган эмпирик усуллар куйидагилар:

Статистик таҳлил – жиноятчиликка доир рақамларни ўрганиш, жиноятлар даражаси, тузилмаси ва динамикасини аниқлашда қўлланилади. Статистик-маълумотларга таянган ҳолда муайян ҳудуд ёки давр бўйича жиноятчилик кўрсаткичлари қиёсий таҳлил қилинади. Мисол учун, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда охириги ўн беш йил ичида умумий жиноятчилик даражаси маълум даражада ошган бўлса-да, воёга етмаганлар жиноятчилиги аксинча 35% га камайган. Бундай фарқлар статистик таҳлил орқали аниқланиб, уларнинг сабаблари чуқурроқ тадқиқ қилинади.

Сўров ва интервью усуллари – жиноят содир этган шахслар, жабрланувчилар ёки профилактика субъектлари билан суҳбатлар ўтказиш орқали керакли маълумот йиғилади. Сўровнома (анкета) лар ёрдамида кенг қамровли маълумотлар олинади, интервьюлар эса индивидуал ҳолатларни чуқур англаш имконини беради. Мазкур усуллар жиноятчилар шахсини, жиноят содир этилишига туртки бўлган омилларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Контент-таҳлил – ҳужжатлар, оммавий ахборот воситалари материаллари, суд ишлари ҳужжатлари каби матнли манбаларни

таҳлил қилиш орқали жиноятчилик тенденциялари ва стереотипларини аниқлаш усули.

Экспериментал усул – криминологияда нисбатан камроқ қўлланилса-да, аҳамиятли усуллардан бири. Баъзан алоҳида ҳудуд ёки ижтимоий гуруҳда жиноятчиликка қарши янги профилактик чора-тадбирни синов тариқасида жорий этиб, унинг натижалари кузатилади.

Геоинформацион тизимлар (GIS) ёрдамида таҳлил – жиноятчиликни ҳудудий жиҳатдан ўрганишнинг замонавий усули бўлиб, хариталар орқали жиноят “иссиқ нуқталари”ни (hot spots) аниқлаш имконини беради. GIS технологиялари жиноятлар содир бўлаётган жойларни визуал кўринишда тасвирлаб, уларнинг ҳудудий тарқалиши ва интенсивлигини таҳлил қилади.

Қиёсий (таққослаш) усул – Ўзбекистон жиноятчилик ҳолатини минтақавий ва халқаро кўрсаткичлар билан солиштириш ҳам муҳим метод ҳисобланади. Бу усул бир давлат тажрибасини бошқасиники билан қиёслаб, муваффақиятли механизмларни трансфер қилиш ёки ўзимиздаги муаммоларни чуқурроқ тушунишга хизмат қилади.

Юқоридаги усуллар билан бир қаторда, криминологияда кибернетик ёндашувлар ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳам ривожланмоқда. Масалан, катта ҳажмдаги маълумотларни автоматик таҳлил қилиш, сунъий интеллект орқали жиноят содир бўлиш эҳтимолини башорат қилиш каби услублар хорижда синовдан ўтмоқда. Ўзбекистонда ҳам жиноятчиликка оид ахборот-таҳлилий платформаларни жорий этиш масаласи кун тартибига қўйилган.

Умуман олганда, криминологик тадқиқотлар назарий ва эмпирик методларнинг уйғунлашуви асосида олиб борилади. Ўзбекистон тажрибасида анъанавий назарий-ҳуқуқий таҳлиллар ҳозирда эмпирик ижтимоий тадқиқотлар билан бойитилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилган криминологик тадқиқотлар самарадорлигини баҳолаш учун, аввало, уларнинг қандай натижалар берганига ва амалиётга таъсирига эътибор қаратиш лозим. Мамлакатимизда сўнгги йилларда жиноятчилик муаммоларини ўрганишга доир қатор илмий ишлар ва изланишлар амалга оширилди. Жумладан, воёга етмаганлар жиноятчилиги динамикаси, коррупция жиноятларининг криминологик хусусиятлари, рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш масалалари бўйича диссертациялар, монографиялар ва илмий мақолалар чоп этилди. Криминолог олимларимиз томонидан жиноятчиликнинг турли кўринишларига доир сабаб ва омиллар таҳлил қилиниб, муайян тавсиялар таклиф қилинди.

Олиб борилган тадқиқотларнинг айрим натижаларини мисол тариқасида келтирамиз. Юқорида таъкидланганидек, статистик

таҳлиллар Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг сўнгги йилларда сезиларли даражада камайганини кўрсатди – мустақиллик йилларида бу кўрсаткич бир неча баробарга пасайди. Илмий изланишлар бундай ижобий тенденцияни ёшларга оид профилактика чоралари самараси сифатида эътироф этмоқда.

Шу билан бирга, илмий тадқиқотлар умумий жиноятчилик ҳолати бўйича мураккаб манзарани аниқлаб берди. Масалан, статистик маълумотларга кўра, 2018 йилда мамлакат бўйича қайд этилган умумий жиноятлар сони аввалги йилга нисбатан 33,5% га камайган эди. Бироқ кейинги йилларда жиноятларни ҳисобга олиш тартибидаги ўзгаришлар ва бошқа омиллар туфайли расман қайд этилаётган жиноятлар сони яна ошди. Бу ҳолатни тадқиқотчилар ҳуқуқбузарликларнинг яширин (латент) қисми очила бошлагани, янги турдаги жиноятлар (хусусан, кибержиноятлар) кўпайгани ва аҳолининг ҳуқуқий онги ошиб, муурожаатлар ортгани билан изоҳлашмоқда. Демак, криминологик тадқиқотлар нафақат статистик рақамларни қайд этиш, балки уларнинг ортидаги сабабларни ҳам таҳлил қилишга ёрдам берди. Натижада, жиноятчиликнинг ошиш ёки камайиш тенденцияларини тўғри талқин этиш имкони пайдо бўлмоқда.

Энг муҳим ютуқлардан бири – криминологик тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этишнинг институционал механизми яратилганидир.

Криминологик тадқиқотларнинг самарадорлигини кўрсатувчи яна бир жиҳат – маҳаллий даражада муаммоларни ҳал этишга қўшаётган ҳиссасидир. Мисол учун, 2025 йилда Криминология тадқиқот институтининг махсус ишчи гуруҳи Қашқадарё вилоятида жойларга чиқиб, жиноятчиликка оид вазиятни чуқур ўрганди. Ушбу эмпирик тадқиқот давомида жойлардаги криминоген вазият таҳлил қилиниб, жиноятчиликнинг ўзига хос хусусиятлари ва сабаб омиллари аниқланди. Натижада далилларга таянган ҳолда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Мазкур тавсияларга асосан вилоятда профилактика ишларини такомиллаштиришга киришилгани ва дастлабки натижалар ижобий эканлиги қайд этилмоқда (Ички ишлар вазирлиги маълумотлари). Бу мисол криминологик тадқиқотлар самарадорлиги, яъни уларнинг жиноятчиликка қарши курашда реал фойда келтириши мумкинлигини яққол кўрсатади.

Шу ўринда, илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш учун ҳалигача мавжуд айрим камчиликларни ҳам тан олиш лозим. Ўзбекистонда илгари криминологик изланишлар кўпроқ назарий-илмий доирада қолиб кетган, уларнинг амалий тавсиялари эса тўлиқ жорий этилмагани кузатилган эди. Масалан, олдинги йилларда академик журналларда чоп этилган мақолалар ёки диссертацияларда берилган таклифлар амалиётга татбиқ этилиш даражаси паст бўлган. Бунинг сабаблари сифатида, илмий ҳамжамият ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги алоқанинг сустлиги, тадқиқотларни етарли молиявий ва институционал қўллаб-қувватлашнинг йўқлиги каби омиллар тилга олинади. Ҳозирги ислохотлар жараёнида ана шундай камчиликларни бартараф этиш бошланган. Хусусан, янги ташкил этилган Криминология кенгаши илмий муассасалар ва амалий органлар ҳамкорлигини йўлга қўйишга хизмат қилмоқда. Ушбу кенгаш доирасида олимлар ва ҳуқуқ тартибот идоралари ходимлари биргаликда долзарб муаммоларни муҳофаза қилиб, илмий асосланган ечимларни ишлаб чиқишга киришгани қувонарлидир.

Ўзбекистоннинг криминологик тадқиқотлар соҳасидаги тажрибасини халқаро контекстда кўриб чиқсак, қатор қизиқарли жиҳат-

лар ва фарқлар намоён бўлади. Ривожланган давлатларда жиноятчиликни ўрганиш ва унга қарши стратегияларни ишлаб чиқишда илмий ёндашув аллақачон чуқур илдиз отган. Масалан, АҚШ, Буюк Британия, Канада каби мамлакатларда полиция фаолиятида далилларга асосланган полициячилик (Evidence-Based Policing) концепцияси кенг қўлланилиб, ҳар қандай янги ташаббус ёки амалиёт аввало илмий текширув ҳамда синовдан ўтказилади. Бу давлатларда махсус тадқиқот марказлари ҳамда университет лабораториялари жиноятчиликни таҳлил қилиш, тажрибавий лойиҳаларни баҳолаш билан шуғулланади.

Европа ва Шимолий Америка тажрибасида криминология соҳаси мустақил академик фан сифатида ривожланиб, ҳукумат сиёсатини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Жиноятчилик профилактикаси, пробацция, реинтеграция каби йўналишларда илмий тадқиқотлар ютуқлари амалий дастурларга асос бўлади. Масалан, Канадада жиноятларни қайта тиклашни (reoffending) кўрсаткичини камайтириш бўйича дастурлар психолог-криминологларнинг изланишлари натижасида ишлаб чиқилган ва қўлланилгач қайта жиноят содир этиш ҳолатлари сезиларли пасайгани илмий ҳисоботларда қайд этилган. Шунингдек, кўплаб хорижий мамлакатларда криминологик тадқиқотлар грантлар тизими орқали молиялаштирилиб, мустақил экспертлар баҳоси ва танлов асосида энг яхши илмий лойиҳалар қўллаб-қувватланади. Бу эса илмий изланишлар сифатини оширади ва янги инновацион ғояларнинг пайдо бўлишини рағбатлантиради.

Минтақамиз, яъни МДҲ давлатлари тажрибасида ҳам криминология соҳасида муайян ўзига хос ютуқлар ва муаммолар мавжуд. Россия, Қозоғистон, Украина каби давлатларда ҳали собиқ Иттифоқ давридан бошлаб криминология йўналишида илмий мактаблар шакланган. Россияда Ички ишлар вазирлиги қошида Россия илмий-тадқиқот институти фаолият юритиб, мамлакат миқёсидаги жиноятчилик жараёнларини таҳлил қилади ва амалий тавсиялар беради.

Қозоғистонда эса Миллий университетлар таркибида криминология марказлари ташкил этилиб, полиция фаолиятини такомиллаштиришга доир илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бироқ, бу давлатларда ҳам умумий муаммо – тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш механизмларининг заифлиги кўзга ташланади. Кўп ҳолларда илмий хулосалар назарий доирада қолиб кетиши ёки фақат алоҳида норматив ҳужжатлар преамбуласида тилга олинган кузатилади. Бу борада Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги ёндашуви – яъни, давлат даражасида тадқиқот натижаларини “йўл харитаси” шаклида расмийлаштириб, ижрога қаратиш механизми – минтақада ноёб тажриба бўлиши мумкин ва қўшни мамлакатлар учун ҳам қизиқ модель ҳисобланади.

Ўзбекистонда криминологик тадқиқотлар самарадорлигини ошириш йўлидаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш чоралари ҳақида гапирганда аввало, молиялаштириш масаласини қайд этиш жоиз. Илмий тадқиқотлар, айниқса, кенг қўламли эмпирик изланишлар ўтказиш учун етарли маблағ талаб этилади. Ҳозирда Криминология тадқиқот институти давлат бюджети ҳисобидан фаолият юритмоқда, аммо келгусида мустақил грантлар ва халқаро молиявий кўмак механизмларини кенгайтириш зарур.

Кейинги муаммо – институционал ва ташкилий масалалар. Илмий-тадқиқот муассасаларининг мустақамланиши ва кадрлар салоҳиятини ошириш устувор вазифалардан. Яқин-яқингача юртимизда криминология бўйича мутахассислар тайёрловчи махсус факультет ёки бўлимлар қўлами чекланган эди; асосан, юридик олийгоҳлар жиноят ҳуқуқи ва криминология йўналишида назарий

таълим бериш билан кифояланган. Бугунги кунда эса нафақат Ички ишлар академияси, балки Тошкент давлат юридик университети ва бошқа олий таълим муассасалари базасида криминология соҳасида илмий кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Бироқ, бу кадрлар учун етарли шароит ва мотивация яратиш лозим. Илмий ходимлар меҳнатини рағбатлантириш тизими, уларнинг тадқиқот олиб бориши учун зарур инфратузилма билан таъминлаш масалалари ҳали ўз ечимини тўлиқ топгани йўқ.

Яна бир муҳим жиҳат – ахборот-таҳлилий платформалар ва технологик интеграциянинг етарлича эмаслиги. Ҳозирда жиноятчилик бўйича катта ҳажмдаги маълумотлар турли идоралар (Ички ишлар, Прокуратура, Судлар ва б.) қошида тўпланади, лекин уларни ягона тизимга келтириб, илмий таҳлил қилиш учун қулай платформа мавжуд эмас. Бу эса тадқиқотчиларнинг маълумотлардан фойдаланиш имкониятини чеклайди. Муаммони ҳал этиш мақсадида, давлат органлари ахборот базаларини интеграция қилиш ва уларни илмий ҳамжамият учун маълум даражада очиқ маълумотлар кўринишида тақдим этиш амалиётини жорий этиш мумкин.

Криминологик тадқиқотлар самарадорлигини ошириш йўлида яна бир тўсиқ – бу илмий натижаларни амалиётга татбиқ этишдаги сусткашлиқдир. Яъни, олимлар тайёрлаган тавсиялар кўпинча қоғозда қолиб кетиши ёки уларни жорий этиш чўзилиб кетиши мумкин. Бу борада тавсия этиладиган чора – илмий тавсиялар ижросини мониторинг қилиш тизимини йўлга қўйишдир. Масалан, ҳар бир йирик тадқиқот якунида тегишли идоралар иштирокида муҳокамалар ўтказилиб, тавсияларни жорий этиш бўйича "йўл харита"лари ишлаб чиқилиши ва кейинчалик унинг бажарилиши назорат қилиниши лозим. Бунда Криминология кенгаши мувофиқлаштирувчи орган сифатида фаол иштирок этиши мумкин. Шунингдек, етакчи олимлар фикрлари билан илмий мулоқотни кучайтириш, яъни амалиётдагилар чет эл ва маҳаллий экспертлар билан бевосита суҳбат қилишлари, тренингларда қатнашишларини рағбатлантириш керак.

Амалга оширилган таҳлиллар илмий изланишлар самарадорлигини ошириш учун ҳали кўплаб ишлар қилиш кераклигини кўрсатади. Шунинг учун куйидаги асосий йўналишлар бўйича чора-тадбирлар тавсия этилади:

Илмий-тадқиқот фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни кучайтириш – криминология соҳасида махсус илмий грантлар тизимини жорий қилиш, халқаро донорлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва илмий лойиҳаларни рағбатлантириш лозим. Бу тадқиқотлар сифати ва кўлами ошишига хизмат қилади.

Ахборот-таҳлилий инфратузилмани ривожлантириш – жиноятчиликка доир маълумотлар базасини бир тизимга келтириш, замонавий ахборот технологияларини (Big Data, GIS ва бошқалар) тадқиқот жараёнига жорий этиш, илмий ҳамжамият учун очиқ маълумотлар платформасини яратиш зарур. Шу орқали тадқиқотчилар зарур ахборотга осонлик билан эга бўлиб, кенг қамровли таҳлиллар ўтказишлари мумкин бўлади.

Кадрлар салоҳиятини ошириш ва илмий ҳамкорликни кенгайтириш – криминолог мутахассисларни тайёрлашни такомиллаштириш, малакали илмий кадрларни кўпайтириш муҳим. Етакчи маҳаллий ва хорижий олимлар билан мунтазам илмий мулоқотлар (форумлар, семинарлар, стажировкалар) уюштириш, хорижий тажрибани ўрганиш ва татбиқ этиш учун шароит яратиш керак.

Илмий натижаларни жорий этиш тизимини йўлга қўйиш – ҳар бир муҳим илмий тадқиқот юзасидан тегишли идоралар иштирокида муҳокамалар ўтказиб, аниқ қарорлар қабул қилиш амалиётини

давом эттириш лозим. Криминология кенгаши ва бошқа масъул тузилмалар илмий тавсияларнинг бажарилишини мунтазам мониторинг қилиб, зарурият туғилганда, қонунчилик ташаббуслари ёки идоравий қарорлар шаклида уларни расмийлаштириши мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, криминологик тадқиқотлар замонавий жамиятда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашнинг ажралмас қисмига айланмоқда. Ушбу тадқиқотлар орқали жиноятчиликнинг чуқур қатламларига назар ташлаш, унинг илдиз омилларини аниқлаш ва илмий асосланган чораларни ишлаб чиқиш имкони туғилади. Ўзбекистон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда криминологик изланишларга берилаётган эътибор ошиб, уларнинг натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича янги механизмлар яратилмоқда. Хусусан, Криминология тадқиқот институтининг ташкил этилгани ва криминологик Давлат ҳисоботлари орқали йил сайин "йўл хариталари" тузилиши илм-фан ютуқларини бевосита ҳуқуқни муҳофаза сиёсатида интеграция қилмоқда. Бу эса криминологик тадқиқотларнинг самарадорлигини таъминлаш йўлида муҳим қадамдир.

Умид МИРЗАТИЛЛАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти бош илмий ходими, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори,

Муҳаммадмирзохон АЪЛОХОНОВ,

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти етакчи илмий ходими.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Исмоилов И., Абдурасулова Қ.Р., Фазилов И.Ю. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 252 б. (25–26, 88-б.)
2. Фозилов И.Ю. Жамоат хавфсизлиги назариясининг методологик асослари: Ўқув қўлланма. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар маркази, 2023. – 161 б. (14–15-б.)
3. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. "Жиноятчиликка қарши курашнинг жинойи-ҳуқуқий ва криминологик муаммолари" халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари (2023 йил 16 октябрь). – Т.: Жамоат хавфсизлиги университети, 2023. – 607 б. (23–30-б.)
4. Миршаева Н.Х. Аёллар томонидан зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш масалалари: Юридик фанлар бўйича PhD диссертацияси автореферати. – Т.: ИИВ Академияси, 2022. – 48 б. (33–36-б.)
5. Исмоилов И., ва бошқ. Криминология. Махсус қисм: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 682 б. (236–239-б.)
6. Ҳўжакулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида). – PhD диссертация. – Тошкент, 2018. – Б. 93-102, 117-125.
7. Сайткулов Қ.А. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виқтимологик профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш. – PhD диссертация. – Тошкент, 2020. – Б. 25-27, 252-260, 6022-6030.
8. Умирозов Б.А. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олишни такомиллаштириш. – PhD диссертация. – Тошкент, 2021. – Б. 117-125, 141-148.
9. Ҳушвақтова Н.А. Ишни судга қадар юритишда жамоатчилик иштирокини такомиллаштириш. – PhD диссертация. – Тошкент, 2023. – Б. 113-121, 118-127.
10. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида" (14.05.2014 й., ЎРҚ–371-сон). – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., No 20, 224-модда.
11. Чотбаев М.Р. ва бошқ. Жиноятларни криминологик баҳорат қилиш: ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – 50 б.
12. Майборода В.А., Разумовская Н.П. Сунъий интеллект ёрдамида махсус профилактика (Специальная превенция с использованием нейросетей) // Эксперт-криминалист илмий журнали, 2024, №4. – Б. 18–20 (рус тилида).



ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Иқтисодий жиноятлар замонавий жамиятда энг хавфли ва латент жиноят турларидан бири ҳисобланади. Улар давлат бюджети барқарорлигига, инвестиция муҳитига ҳамда жамиятда қонун устуворлиги принципларига жиддий таҳдид солади. Айниқса, бозор иқтисодиёти ва рақамли технологиялар ривожини шароитида иқтисодий жиноятлар янги шакл ва усулларда содир этилиб, уларни аниқлаш ва исботлаш жараёни мураккаблашмоқда.

Бугунги кунда иқтисодий жиноятлар давлат иқтисодий хавфсизлигига жиддий таҳдид солувчи омиллардан бири ҳисобланади. Молиявий фирибгарлик, солиқдан бўйин товлаш, коррупция, “қора иқтисодиёт”, жиноий йўл билан орттирилган даромадларни легаллаштириш каби жиноятлар нафақат иқтисодий барқарорликка, балки жамиятда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Глобал рақамлашув жараёнлари иқтисодий жиноятларнинг янги, мураккаб ва латент шакллари юзага келтирмоқда. Шу боис иқтисодий жиноятларга қарши курашиш масаласи фақат жиноят-ҳуқуқий чоралар билан чекланиб қолмасдан, комплекс илмий ёндашувни талаб этади. Иқтисодий жиноятлар — бу иқтисодий муносабатлар соҳасида содир этиладиган, давлат, жамият ёки ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларига зарар етказувчи жиноий қилмишлардир.

Замонавий иқтисодий жиноятлар қаторига солиқдан бўйин товлаш, банк ва кредит соҳасидаги жиноятлар, бюджет маблағларини талон-торож қилиш, коррупция, жиноий даромадларни легаллаштириш ҳамда электрон тўлов воситалари орқали содир этиладиган жиноятлар киради.

Иқтисодий жиноятлар — бу иқтисодий муносабатлар соҳасида содир этиладиган, мулкрий манфаатларни ноқонуний эгаллаш ёки иқтисодий тизим фаолиятига зарар етказишга қаратилган жиноятлардир.

Замонавий шароитда иқтисодий жиноятларни қуйидаги асосий турларга ажратиш мумкин:

- молиявий ва банк жиноятлари;
- солиқ ва божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар;
- коррупция ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш;
- электрон тўловлар ва криптовалюта билан боғлиқ жиноятлар;
- жиноий даромадларни легаллаштириш.

Айниқса, рақамли технологиялар ривожини иқтисодий жиноятларни аниқлашни қийинлаштириб, уларнинг латентлик даражасини оширмоқда. Иқтисодий жиноятлар давлат бюджетига катта миқдорда зарар етказиши, инвестиция муҳитини ёмонлаштириши ва аҳолининг давлат институтларига бўлган ишончини пасайтиради. Коррупция ва “қора иқтисодиёт”нинг кенгайиши иқтисодий ислохотлар самарадорлигини сустайтиради.

Шу нуқтаи назардан, иқтисодий жиноятлар фақат жиноий қилмиш сифатида эмас, балки стратегик хавф омилли сифатида баҳолашни лозим.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий жиноятларга қарши курашиш бўйича кенг қамровли ҳуқуқий база шакллантирилган. Жиноят кодекси, Солиқ кодекси, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу соҳадаги асосий ҳуқуқий механизмлар ҳисобланади.

Институционал жиҳатдан ички ишлар органлари, прокуратура, иқтисодий судлар, солиқ ва божхона органлари ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боради. Бироқ амалиёт шуни кўрсатадики, идоралараро ахборот алмашинувини рақамлаштириш ва таҳлилий салоҳиятни ошириш зарур.

Иқтисодий жиноятлар давлат иқтисодий хавфсизлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади ва бу масала криминалогия, жиноят ҳуқуқи ва иқтисодий хавфсизлик назарияси нуқтаи назаридан комплекс илмий таҳлилни талаб этади. Илмий адабиётларда иқтисодий жиноятлар иқтисодий муносабатлар тизимида содир этиладиган, мулкрий манфаатни ноқонуний эгаллаш ёки иқтисодий тизим фаолиятига зарар етказишга қаратилган ижтимоий хавфли қилмишлар сифатида таърифланади.

Криминалогик ёндашувга кўра, иқтисодий жиноятлар юқори латентликка эга бўлиб, уларнинг катта қисми расмий статистикада акс этмайди. Бу эса жиноятчиликнинг ҳақиқий кўламини баҳолашни қийинлаштириши.

Замонавий иқтисодий жиноятлар жамият ҳаётида энг хавфли ва аниқланиши қийин бўлган жиноят турларидан бири ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт, электрон

тўлов тизимлари, криптоактивлар ва трансмиллий молиявий операцияларнинг кенгайиши иқтисодий жиноятларнинг шакл ва усулларини тубдан ўзгартирди. Бу эса аънавий тергов ва оператив-қидирув усулларининг самарадорлигини чеклаб қўймоқда.

Илмий адабиётларда сунъий интеллект маълумотлар тўплами асосида мустақил таҳлил қилиш, прогнозлаш ва қарор қабул қилиш имкониятига эга интеллектуал тизим сифатида таърифланади. Криминалогия нуқтаи назаридан SI жиноятчиликни статистик ҳисоблаш воситаси эмас, балки криминал жараёнларни моделлаштириш ва хавф омилларини аниқлаш инструменти сифатида намоён бўлади.

Алгоритмик риск-таҳлил эса жиноят содир этиш эҳтимолини белгиловчи омилларни (молиявий операциялар динамикаси, субъектлар ўртасидаги алоқалар, вақт ва ҳудуд хусусиятлари) математик моделлар орқали баҳолашга асосланади. Назарий жиҳатдан бу ёндашув проактив криминалогия концепциясига тўлиқ мос келади.

Иқтисодий жиноятлар бошқа жиноят турларидан фарқли равишда мураккаб ҳисоб-китоблар, кўп босқичли схемалар ва қонуний фаолият ниқоби остида амалга оширилиши билан тавсифланади. Шу боис уларни аниқлашда инсон омилига таянган таҳлил етарли самара бермайди.

ИИВ тизимида иқтисодий жиноятларга қарши курашиш асосан тезкор-қидирув тадбирлари, тергов ҳаракатлари ва профилактика чоралари орқали амалга оширилади. Сунъий интеллект ушбу фаолиятни қуйидаги йўналишларда сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиши мумкин:

- иқтисодий жиноятлар бўйича риск-профиллар шакллантириш;
- жиноятларнинг сабаб ва шарт-шароитларини тизимли таҳлил қилиш;
- профилактик тадбирларни аниқ ҳудуд ва субъектларга йўналтириш.

Амалиёт нуқтаи назаридан, SI асосидаги таҳлил ички ишлар органлари ходимларининг қарор қабул қилишдаги субъективлигини камайтиради ва бошқарув қарорларининг илмий асосланганлигини оширади.

Иқтисодий жиноятларга қарши курашишда энг муҳим вазифалардан бири - уларнинг олдини олишдир. Алгоритмик риск-таҳлил жиноятчиликнинг ўсиш тенденцияларини олдиндан аниқлаш имконини беради.

Бу ёндашув қуйидаги профилактик самараларни таъминлайди:

- иқтисодий хавфли соҳаларни барвақт белгилаш;
- назорат ва текширув ресурсларини мақсадли тақсимлаш;
- такрорий иқтисодий жиноятлар хавфини камайтириш.

Шу тариқа, сунъий интеллект жазоловчи эмас, балки профилактикага йўналтирилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш моделини шакллантиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, сунъий интеллектдан фойдаланиш бир қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқаради.

Олиб борилган таҳлил шуни кўрсатадики, иқтисодий жиноятларга қарши курашишда сунъий интеллект ва алгоритмик риск-таҳлилдан фойдаланиш ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу технологиялар жиноятларни аниқлаш билан бирга, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга қаратилган профилактик механизмларни ривожлантириш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан иқтисодий жиноятларга қарши курашишда сунъий интеллект ва алгоритмик риск-таҳлил технологияларини жорий этиш илмий ва амалий жиҳатдан долзарб вазифа ҳисобланади. Айниқса, ички ишлар органлари фаолиятида жиноятларни барвақт аниқлаш ва олдини олишда ушбу технологияларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Лайло НАЗАРОВА,

Ўзбекистон Республикаси Криминалогия тадқиқот институти етакчи илмий ходими, ю.ф.б.ф.д. (PhD).



НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий асослари, уларни амалга оширишдаги муаммолар ҳамда ушбу соҳада ижро механизмини такомиллаштиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий ечимлар ёритилган. Миллий қонунчилик ва Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги айнан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асослари келтирилган.

Калит сўзлар: инклюзив таълим, ногиронлиги бўлган аёл ва болалар, омбудсман, диспетчерлик хизмати, E-SUD тизими, "Юридик ёрдам", vka.sud, видеоконференцалоқа, сурдотаржимон, маънавий зарар, ота-оналик ҳуқуқи.

Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари халқаро Конвенцияда эълон қилинган мақсадларга мос келади. Шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳам халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига ва Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ тан олинадиган ва кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50, 57, 70, 115-моддаларида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги ва қонун олдида тенглиги, алоҳида таълим эҳтиёжларига эга болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланиши, давлат ҳимоясидалиги, имкониятлар кенгайтирилиши, ишга жойлаштирилиши, таълим олишига кўмаклашилиши, ахборотни тўққинликсиз олиш ва бошқа ҳуқуқлар кафолатланган. Шунингдек, "Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонун камситишларнинг олдини олиш, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш чора-тадбирларини кўришга қаратилган. Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормаларни ўз ичига олган 100 дан орტიқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат амал қилмоқда.

Статистик маълумотларга кўра Ўзбекистонда 18 ёшгача бўлган ногиронлиги бўлган болалар сони кўпчиликни ташкил этади. Туғилишдан ногиронлиги бўлган болалар инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликларига эга ва улар муҳофаза этилади. "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун боланинг бир қатор ҳуқуқларини кафолатлайди. Унда оилавий муҳит, жамиятга интеграциялашув, уй-жой, ижтимоий ёрдам, тиббий ёрдам олиш ва таълим учун қўшимча кафолатлар назарда тутилган. Шунингдек, Қонунда таълим, тиббий ва маданият муассасалари эркин фойдаланиш учун мослаштирилган бўлиши шартлиги ва соғлиқни сақлаш, давлат муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган. Улар ижтимоий ҳимоя қилиш ва тиббий-педагогик ривожлантириш "Таълим тўғрисида", "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида", "Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги ва "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонунлар доирасида таъминланади. Амалий таҳлиллар ногиронлиги бўлган болалар таълим ва тиббий хизматларда ҳали тўлақонли

тенг имкониятларга эга эмаслигини кўрсатмоқда. Уларнинг алоҳида эҳтиёжлари таълим жараёнида кам ҳисобга олиниши шахсий ривожланиш ва жамиятдаги фаол иштирокка тўсиқ бўлмоқда. Шу сабабли, ижтимоий адолат принципларини халқаро стандартларга мувофиқ ривожлантириш лозим. Инфратузилманинг тўлиқ мослаштирилмагани ва ижтимоий хизматларнинг мавҳумлиги тенг ҳуқуқли иштирокни чеклайди. Бунда жамоатчилик онги ва инклюзивлик маданиятини юксалтириш учун ахборот кампанияларига эътибор қаратиш муҳимдир.

ЖПКга кўра, жиноят ишини юритиш фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилиб, суд тарафларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши учун тенг имкониятлар яратиши шарт. Ногиронлиги бўлган шахслар учун одил судлов қуйидагилар орқали таъминланмоқда: вакиллар ва видеоконференцалоқа орқали иштирок этиш; E-SUD тизими орқали масофавий мурожаат қилиш; суд биноларини пандуслар билан жиҳозлаш. Оила жамият ва давлат ҳимоясидадир. Ногиронлиги бўлган болани парваришлаётган ота ёки она иккинчи томондан алимент олиш ҳуқуқига эга. Олий суд маълумотларига кўра, ногиронлиги бўлган болалар манфаатида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва алимент ундириш бўйича даъволар кўриб чиқилмоқда. Шунга қарамай, фарзандликка олиш соҳасидаги чекловчи нормалар қонунчиликда ҳамон сақланиб қолган.

Янги технологик ечимларни ўз ичига олган инновацион дастурларни жорий этиш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда илғор амалиётларни татбиқ этиш, жамоатчилик хабардорлигини ошириш ва қонунчиликдаги бўшлиқларни тизимли таҳлил қилиш, дастурларни молиялаштириш учун бюджет ва халқаро грантларни фаол жалб қилиш лозим.

Сардор ЖАЛИЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Давлат ва ҳуқуқ институти докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. ЎПҚ-139-сон Қонун // <https://lex.uz/ru/docs/1297315>.
2. <https://lex.uz/docs/6391378>.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
4. Initial report submitted by Uzbekistan under article 35 of the Convention, due in 2023 // CRPD/C/UZB/1.
5. Initial report submitted by Uzbekistan under article 35 of the Convention, due in 2023 // CRPD/C/UZB/1.
6. Initial report submitted by Uzbekistan under article 35 of the Convention, due in 2023 // CRPD/C/UZB/1.

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ИНСТИТУТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Сўнги йилларда Ўзбекистонда фарзандликка олишни ҳуқуқий тартибга солиш ва ушбу соҳани ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан ушбу соҳадаги миллий қонунчиликни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Фарзандликка олишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни барта-раф этиш ва бола манфаатларини ҳимоя қилиш давлатнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланди ҳамда қонунчиликка киритилган ўзгартиришларга кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ҳамда фарзандликка олишга тўсиқлик қилмайдиган жиноят турларини содир этиб, жазо муддатини ўтаганларга нисбатан фарзандликка олиш имконияти яратилди, қасддан содир этилган жиноят турлари аниқ кўрсатилди.

Шунингдек, жиноят содир қилганлиги учун илгари ҳукм қилинган ёки шу жиноятлари учун айбилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб жиноят иши тугатилган шахслар фарзандликка олувчи бўлолмаслиги белгиланди.

Бирок, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, амалиётда мазкур нормани қўллашда ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги турли хил суд амалиёти-нинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Масалан, аризачи К.Х. (ўғай ота) судга ариза билан муурожаат қилиб, турмуш ўртоғи С.А билан 2022 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлиги, биргаликдаги турмушдан бир нафар 2023 йилда туғилган Х.С. исмли фарзанди борлиги, турмуш ўртоғи С.А.нинг биринчи турмушдан А.С. исмли фарзанди улар билан бирга яшаётганлигини, ушбу болани фарзандликка олишга қарор қилганлигини маълум қилиб, 2016 йилда туғилган А.С.ни фарзандликка олиб беришни сўраган.

ФИБ туманлараро судининг 2023 йил июнь ойидаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилмаган. Сабаби аризачи К.Х. ЖИБ туман суди томонидан 23.09.2009 йилда ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми, 21.09.2010 йилда ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилганлиги асос қилиб олинган.

Бошқа бир ҳолатда эса, аризачи Ғ.С (ўғай ота) судга ариза билан муурожаат қилиб, турмуш ўртоғи Ё.С. билан 2022 йилда турмуш қурганлигини, ўзаро турмушдан фарзанди йўқлигини, турмуш ўртоғининг олдинги оиласидан бир нафар 2013 йилда туғилган С.Х. исмли фарзанди борлигини, улар билан бирга яшаётганлигини, шу сабабли қизни фарзандликка олмоқчи эканлигини билдириб, аризани қаноатлантиришни сўраган.

ФИБ туманлараро судининг 2023 йил сентябрь ойидаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Ўрганишда, аризачи Ғ.С. шахар прокуратурасининг 01.07.2023 йилдаги жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарори билан ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “а” банди, 228-моддаси 1-қисми ва 228-моддаси 3-қисми билан айбланувчи тариқасида жалб қилинган ҳамда унинг жиноят иши бўйича етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлиқ қоплаганлиги, муқаддам судланмаганлиги, қилмишидан пушаймонлигини билдириб берган аризасига асосан, жиноят ишининг унга нисбатан бўлган қисми ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 2-бандига асосан тугатилган.

Бу икки ҳолатда ҳам аризачилар ўғай ота ҳамда қонунчиликда кўрсатилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинган ёки жиноят иши айбилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб тугатилган шахслардир.

Фикримизча, ўғай ота ёки ўғай оналарга нисбатан қонунчиликнинг шу қисмини қўллаб бўлмайди, бундан оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлиги учун илгари ҳукм қилинганлиги мустасно. Чунки, бола фарзандликка олинмаса ҳам уша оилада ўша шахслар билан бирга яшайди. Бола манфаатидан келиб чиқиб, боланинг ҳақиқий онаси ёки отасининг розилиги бўлгандан кейин уни фарзандликка бермаслик тўғри бўлмайди.

Шу сабабли, ОКнинг 152-моддаси олтинчи хатбошисига, “бундан ўғай ота-ўғай оналар мустасно” деган нормани киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

ОКнинг 152-моддаси олтинчи хатбошисида жиноят турлари жиноят кодексидagi бобларнинг номи билан кўрсатилган бўлиб, ҳар бир бобда бир нечта моддалар ўз аксини топган. Бирок, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, қонунчиликда белгиланган жиноятларнинг ҳаммаси ҳам бола манфаатларига таъсир қилмайди.

Хусусан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига, бошқарув тартибига ва одил судловга қарши жиноятларнинг айрим турлари боланинг манфаатларига жиддий таъсир қиладиган жиноят турига кирмайди, деб ҳисоблаймиз.

Шу жиноятлар таркибига кирадиган - пора олиш (210-модда), пора бериш (211-модда), пора олиш-беришда воситачилик қилиш (212-модда), давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (213-модда), давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши (214-модда), спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши (214¹-модда), спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиш (214²-модда), тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ёхуд нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш (234-модда), қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш (235-модда) каби жиноят турларини қонунчиликда аниқ кўрсатиб, қолган фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар, бошқарув тартибига қарши жиноятлар ва одил судловга қарши жиноятлар таркибига кирувчи жиноятларни қонунчиликдан чиқариш лозим.

Будай жиноятлар жуда кўпчиликни ташкил қилиб, улар фарзандликка олиш жараёнини қийинлаштиришга, фуқароларнинг сарсон бўлишига, қонунни айланма йўллар билан бузиш орқали фарзандликка олиш ҳолатларига йўл очилишига, турли хил суд амалиёти юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Судланганлик муддати ўтган ёки судланганлиги олиб ташланган шахслар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар кўрилишида ҳам муаммолар мавжуд.

Судланганлик муддатининг тугаши ёки судланганликнинг олиб ташланиши билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлиши ЖКнинг 77-моддасида белгиланган¹.

Ушбу нормадан келиб чиқиб, айрим судлар судланганлик муддати ўтганлиги ёки олиб ташланганлигини асос қилиб, аризани қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқараётган бўлса, айрим судлар қонунда кўрсатилган ҳолатдан келиб чиқиб, аризани рад қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқармоқда.

Бу борада хорижий давлатларнинг қонунчилигига назар соладиган бўлсак, Белоруссияда қасддан жиноят содир этганликда айбдор деб топилган шахслар, шунингдек шахсга қарши қасддан оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбдор деб топилган шахслар фарзандликка олувчи бўлолмайдилар².

Германияда фарзанд асраб олишда жиноят содир этган шахслар учун мутлақ чекловлар бор. Хусусан, боланинг хавфсизлигига таҳдид солувчи жино-

ятлар, жиний жавобгарликка тортилганлик, айниқса жинсий зўравонлик, баданга оғир шикаст етказиш, болаларга нисбатан зўравонлик, одам савдоси ёки шунга ўхшаш жиноятлар учун судланганлик фарзандликка олиш имкониятини бутунлай йўққа чиқаради. Бошқа енгил жиноятларнинг характери, қачон содир этилганлиги ва жазонинг тури синчиклаб ўрганилади⁶.

Францияда фарзандликка олиш жараёнида ҳам судланганликни текшириш мажбурий ва бу жараённинг муҳим қисми ҳисобланади. Фарзандликка олишга рухсат олиш (agrement) учун ариза топширилганда муружаатчиларнинг жиний ёзувлари мажбурий тартибда текширилади. Жиний ёзунинг мазмуни (айниқса, болалар ёки оилага қарши содир этилган зўравонлик, жинсий жиноятлар) фарзандликка олишга рухсат бериш тўғрисидаги қарорга бевосита таъсир қилади. Қасддан содир этилган ва оғир жиноятлар фарзандликка олиш жараёнида катта тўсиқ ҳисобланади⁷.

Латвияда судланганлиги олиб ташланган ёки тугатилганидан қатъий назар, зўравонлик билан боғлиқ жиноятлар, ахлоқ ва жинсий дахлсизликка қарши жиноят содир этганлиги учун судланганлар, суд ҳукми билан васийлик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар, жиноят қонунида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар фарзандликка олувчи бўлмайдилар⁸.

Данияда судланганлик фарзандликка олиш жараёнида ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Судланганлик, айниқса оғир ёки зўравонлик билан боғлиқ жиноятлар, номзоднинг хавфсиз ва барқарор оила муҳитини яратиш қобилиятига шубҳа туғдиради. Болаларга қарши жиноятлар - жинсий зўравонлик, зўравонлик, қаровсиз қолдириш ёки бошқа ёш болаларга зарар етказиш билан боғлиқ жиноятлар, зўравонлик жиноятлари - оғир тан жароҳати етказиш, босқинчилик ва бошқа жисмоний зўравонлик билан боғлиқ жиноятлар, оилавий барқарорликка таҳдид солувчи жиноятлар гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиддий жиноятлар ва моливий фирибгарликлар каби жиноятлар фарзандликка олишда мутлақ тўсиқ ҳисобланади⁹.

Италияда фарзандликка олишда номзодлардан бири (ёки ҳар иккиси) жиний жазога ҳукм қилинмаганлиги ва давом этаётган жиний ишлар мавжуд эмаслиги талаб этилади. Буларда ҳам болаларга қарши жиноятлар, шахсга қарши жиддий жиноятлар, гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ жиноятлар, уюшган жиний гуруҳлар ва жиний уюшма билан боғлиқ жиноят содир этилган шахсларга фарзандликка олишда чеклов қўйилган¹⁰.

Хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, амалиётда юзага келаётган муаммоларнинг олдини олиш ва ягона суд амалиётига эришиш учун ОКнинг 152-моддаси биринчи қисми олтинчи хатбошисига **“судланганлиги олиб ташланган ёки судланганлик муддати ўтиб кетганлигидан қатъий назар...”** деган жумлани киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ОКнинг 152-моддаси саккизинчи хатбошисидан олтинчи ва еттинчи хатбошисидан кўрсатилган жиноятларни содир этганлик учун ўзига нисбатан жиноят иши айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб тугатилганлар ҳам фарзандликка олувчи бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Бироқ, бу нормага судланганлик масаласини қўллаб бўлмайди. Чунки ЖКнинг 70-моддасида, жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилатган вақтгача ўзгариб ёки намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлигини йўқотди деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин.

ЖКнинг 71-моддасига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, суд томонидан жазодан озод қилиниши мумкин.

Жиноят ишини тергов қилаётганда худди шу асослар юзага келган вазиятда шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши ЖК 84-моддаси 5-қисмига асосан тугатилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **“Судланганлик ҳолати тугаланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”** 18.09.2015 йилдаги 13-сонли Қарорининг 2-бандида, жумладан, жазо тайинланмаган ҳолда айблов ҳукми чиқарилган (ЖК 70, 71, 76-моддалари) шахс судланмаган ҳисобланиши ҳақида судларга тушунтириш берилган¹¹.

Бундан келиб чиқадики, жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилган шахслар ҳам жавобгарликка тортилмаган шахс ҳисобланади. Лекин у шахс шу жиноятни содир этганлигини эсдан чиқармаслик керак.

Суд амалиётида юзага келаётган муаммолардан яна бири бу – фақат фарзандликка олувчининг судланганлиги ҳақида маълумотномаларнинг аризага илова қилиниши бўлиб, фарзандликка олувчилар билан бир уйда яшовчи вояга етган шахсларнинг бу ҳақидаги ҳужжатлари талаб этилмаслигидир.

Суд амалиётига кўра, никоҳ асосида яшаётган эр-хотиндан бири судга фарзандликка олиш ҳақида ариза билан муружаат қилган бўлса, фарзандликка олинаётган бола суднинг ҳал қилув қарорига асосан уларнинг оиласига берилади ва бирга битта оилада яшайди.

Лекин, оилада эр-хотиндан бири муқаддам судланган бўлса, судланмаган эр ёки хотин судга ариза тақдим этиб, фарзандликка олишга эришмоқда. Бу ҳам келгусида бола манфаатига жиддий зарар етказиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси (кейинги ўринларда ФПК) 300-моддасида аризага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати белгиланган бўлиб, унда аризачиларнинг судланганлиги ҳақида маълумотларни илова қилиш лозимлиги белгиланмаган. Бу ҳам аризачиларнинг жиний тарихига нисбатан эътиборни камайишига сабаб бўлади.

Шу сабабли ФПКнинг 300-моддаси биринчи қисмини қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдириш таклиф этилади.

“Фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) ва улар билан бирга яшаётган вояга етган оила аъзоларининг судланганлиги ҳақидаги маълумотномалари;”

Хулоса қилиб айтганда, қонунчиликни такомиллаштириш орқали фарзандликка олиш тизимини соддалаштириш ва ягона суд амалиётига эришиш мумкин. Бунда хорижий тажрибани ўрганиш, суд амалиётида мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш натижасида қонуний ечим топиш муҳим ҳисобланади.

Насиба БЕГИМОВА,

Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 22.09.1994. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. <https://www.lex.uz>
2. Е.В.Мельникова “Уголовно-правовые ограничения права на усыновление (удочерение) в Российской Федерации. В сборнике совершенствование правовых и организационных основ деятельности органов внутренних дел. 2017. С.270-273
3. Е.В.Буянова “Процессуальные особенности рассмотрения дел об усыновлении (удочерении) детей”. Москва-2009. стр.100
4. Дадабоева Ж. “Фарзандликка олишни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари”. Тошкент-2011 й.
5. 11.01.1999. Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь <https://pravo.by>
6. Фарзандликка олишни жойлаштириш тўғрисидаги қонун. (Adoptionsvermittlungsgesetz-AdVerMiG) Германия.
7. Ижтимоий ва оилавий фаолият кодекси. Франция.
8. Латвия Республикаси Фуқаролик қонуни (Civillikums).
9. Фарзандликка олиш тўғрисидаги ижроия қарори. (Executive Order on Adoption) Дания.
10. “Вояга етмаган боланинг оилага бўлган ҳуқуқи”. (Diritto del minore ad una Famiglia) Италия. 04.05.1983 й.
11. 18.09.2015 й. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судланганлик ҳолати тугаланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида” 13-сонли Қарори.

МУДОФАА САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲАРБИЙ-ДИПЛОМАТИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЎРНИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада Россия Федерациясининг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлашда ҳарбий-дипломатик ҳамкорликдан қандай фойдаланиш таҳлил қилинади. Муаллиф ҳарбий альянслар, икки томонлама стратегик шерикликлар, қўшма ҳарбий машқлар, ҳарбий таълим дастурлари ва тинчликпарварлик ташаббуслари орқали ҳарбий дипломатиянинг амалий кўринишларини очиб беради. Шунингдек, Россия Федерациясининг ташқи сиёсий стратегиясида ҳарбий дипломатиянинг роли ва халқаро таъсирини баҳолайди.

Калит сўзлар: ҳарбий дипломатия, мудофаа салоҳияти, ривожланган давлатлар, стратегик ҳамкорлик, халқаро хавфсизлик, ҳарбий альянслар.

2020–2025 йиллар давомида Россия, АҚШ, Жанубий Корея, Хитой, Германия ва Туркия ва бошқа ривожланган давлатлар ҳарбий-дипломатик ҳамкорликни мудофаа салоҳиятини ривожлантиришда стратегик восита сифатида фаол қўллашмоқда.

Хусусан, АҚШ ва НАТО доирасидаги интероперабелликни таъминлаш мақсадида мунтазам қўшма машқлар ўтказиб, ўрта ва узоқ муддатли ҳарбий стратегиясини қайта кўриб чиқди. Хитой “Бир камар — бир йўл” ташаббуси доирасида ҳарбий ҳамкорликни геосиёсий таъсир воситасига айлантirdи. Россия эса қурол-яроғ экспорти орқали сиёсий таъсирни мустаҳкамлашга интилди, Туркия ўз миллий мудофаа саноатидаги ютуқлар орқали минтақавий ҳарбий-дипломатик мавқеини мустаҳкамлади. Жанубий Корея ва Германия каби давлатлар эса ҳарбий таълим, киберхавфсизлик ва юқори технологияли мудофаа салоҳиятига эътибор қаратдилар.

Умуман олганда, сўнгги ўн йилдаги таҳлиллар шундан далолат берадики, ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик нафақат мудофаа қобилиятини ошириш, балки давлатлар ўртасидаги ишонч стратегик манфаатлар мувофиқлашуви ва хавфсизлик архитектурасини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Бу жараён ҳарбий фанлар ва стратегия соҳасида замонавий ёндашувларни талаб этади ва уларни миллий хавфсизлик концепцияларига интеграция қилиш зарурлигини кўрсатади.

Ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик тушунчаси замонавий геосиёсий муҳитда муҳим аҳамият касб этади. Бу тушунча ҳарбий хизматчилар ёки Мудофаа вазирликлари томонидан ўтказиладиган, давлатнинг хавфсизлик ва мудофаа сиёсатини илгари суришга қаратилган суҳбатлар, музокаралар шунингдек кузатув тадбирлари мажмуасидир.

Ёқик Рајтинканинг фикрича, ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик тушунчаси замонавий геосиёсий муҳитда муҳим аҳамият касб этади. Бу тушунча ҳарбий хизматчилар ёки Мудофаа вазирликлари томонидан ўтказиладиган, давлатнинг хавфсизлик ва мудофаа сиёсатини илгари суришга қаратилган суҳбатлар, музокаралар ва кузатув тадбирлари мажмуасидир.

АҚШлик тадқиқотчилар Derek Ping ва Michael Wise бундай ҳамкорликни “чет элнинг қарорлари ва ҳаракатларини маълум қилишга қаратилган ҳарбийнинг тинч йўл билан олиб бориладиган фаолияти” деб таърифлайди. Яъни, қуролли кучлар томонидан уюштириладиган қўшма машғулотлар, мудофаа технологияларини шерикликда яратиш лойиҳалари, низоларни тинч йўл билан бартараф этиш бўйича музокаралар каби жамоатчилик дипломатияси воситалари ушбу тушунча доирасига киради. Шу муносабат билан ривожланган давлатлар орасидаги ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик ҳозирги кунда миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш учун муҳим рол ўйнамоқда.

Халқаро сиёсий-хавфсизлик майдонида ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик долзарблиги ошиб бормоқда. Мутахассисларнинг қайд этишича, “ҳозирги геосиёсий манзара кўп қиррали қарама-қаршиликлар ва қудрат учун курашларга бой” бўлиб, бутун дунёда хавфсизлик масалалари ташқи сиёсатида биринчи ўринни эгалляпти.

Жумладан, Россиянинг Украинага босқини Европа минтақасида хавфсизликка таҳдид солиб, Германия каби шарқий давлатлар мудофаа ҳаражатларини кескин оширишга ундамоқда.

Шу сабабли ривожланган давлатлар ўз ҳарбий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва халқаро таҳдидларга қарши биргаликда туриш мақсадида дипломатиянинг ҳарбий механизмларидан фаол фойдаланмоқда. Яъни, улар қўшма машғулотлар ва учрашувлар орқали тажриба алмашиб, қўшма технология лойиҳалари ва унинг ахборот алмашиш платформаларини яратмоқда ҳамда халқаро институтларда биргаликда хавфсизлик тизимларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилияпти. Бутун дунёдаги кескин вазиятлар шунинг заруриятларидан бири экани маълум бўлмоқда.

Ривожланган давлатларнинг мудофаа салоҳиятини ривожлантириш билан боғлиқ ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик йўналишлари ўзига хос хусусиятларга эга.

Сўнгги ўн йилда Россия Федерацияси ўз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлашда ҳарбий-дипломатик ҳамкорликни ташқи сиёсатнинг асосий инструментларидан бири сифатида фаол қўллаб келмоқда. Бу жараён стратегик шериклик, қурол-яроғ экспорти, минтақавий хавфсизлик ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик ва ҳарбий таълим соҳасидаги алоқаларни қамраб олган.

Авалло, Россия Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти (КХШТ, рус. ОДКБ) доирасидаги фаолияти орқали ўзининг минтақавий ҳарбий салоҳиятини стратегик даражада мустаҳкамлашга эришди. Жумладан, ҳар йили ўтказиладиган “Взаимодействие”, “Рубеж” ва “Нерушимое братство” қўшма машқлари КХШТга аъзо давлатлар ўртасида оператив ҳамкорликни юқори даражада сақлаб туришга хизмат қилмоқда.

Россиянинг Хитой, Ҳиндистон ва Эрон каби давлатлар билан ҳарбий-дипломатик муносабатлари ҳам сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Масалан, 2021 йилда Россия ва Хитой ҳарбий-ҳаво кучлари ўртасида биргаликда стратегик ҳаво патрули амалга оширилди. Бу икки томонлама ишонччи ошириш ва “ўзаро стратегик шериклик”-ни ҳарбий даражада таъминлашга қаратилган эди.

Россиянинг қурол-яроғ экспорти ҳарбий-дипломатик таъсирини кенгайтиришда яна бир муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Стокгольм Тинчлик тадқиқотлари институти (SIPRI) маълумотларига кўра, Россия 2020–2024 йиллар оралигида ду-

неда иккинчи энг йирик қурол экспорт қилувчи давлат бўлиб, Ҳиндистон, Миср, Алжир ва Вьетнам каби давлатларга асосий этказиб берувчи бўлган.

Бундан ташқари, Россия хорижий ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш соҳасида ҳам кенг қамровли дипломатик алоқаларни олиб бормоқда.

Жумладан, Марказий Осиё давлатларидан келган ҳарбий хизматчилар Россиянинг Воронеж, Санкт-Петербург ва Москвадаги олий ҳарбий таълим муассасаларида доимий равишда ўқишмоқда. Мазкур сиёсат Россия учун ўзаро ишонч ва сиёсий таъсирни кенгайтиришда самарали восита ҳисобланади.

Шу билан бирга, Россия Эрон, Туркия, Венесуэла каби давлатлар билан икки томонлама ҳарбий-сиёсий мулоқотни кучайтириб, жаҳон геосиёсий муҳитидаги тенгликни таъминлаш ва Фарбга қарши мултиполяр ёндашувни илгари суришга ҳаракат қилмоқда.

Масалан, 2022 йилда Россия-Эрон-Хитой иштирокида Ҳинд океанида ўтказилган қўшма денгиз машқлари ҳарбий-дипломатик алоқаларнинг янги босқичга кўтарилганини кўрсатди.

Умуман олганда, Россиянинг ҳарбий-дипломатик ҳамкорликка асосланган мудофаа стратегияси икки асосий йўналишда намоён бўлмоқда: биринчиси — стратегик иттифоқлар ва минтақавий ҳамкорлик тизимларини ривожлантириш орқали ҳарбий интероперабельликни таъминлаш; иккинчиси — қурол-яроғ экспорти, таълим ва махсус машғулотлар орқали дипломатик таъсирни кенгайтириш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Россиянинг ҳарбий-дипломатик ҳамкорликка асосланган мудофаа стратегияси қуйидаги асосий моделларга асосланган:

биринчиси, Минтақавий ташкилотлар доирасида координация (КХШТ, ШХТ);

иккинчиси, икки томонлама ҳарбий-сиёсий мулоқотларни институционаллаштириш;

учинчиси, қурол-аслаҳа экспорти орқали геосиёсий таъсирни кенгайтириш;

тўртинчиси, таълим орқали стратегик алоқаларни ривожлантириш;

бешинчиси, ғарбга муқобил глобал хавфсизлик форматини шакллантириш.

Фикримизча, Россия Федерациясининг мудофаа салоҳиятини ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик асосида ривожлантириш хусусиятларидан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имкониятлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, минтақавий ҳарбий ҳамкорликни институционаллаштириш зарур. Ўзбекистон КХШТ (ОДКБ) ва ШХТ каби ташкилотлар доирасида ҳарбий-стратегик муносабатларни изчил ривожлантириши, қўшма машқларда мунтазам иштирок этиш орқали ҳамкор давлатлар билан тактик мувофиқлашувни таъминлаши лозим. Бундай машқлар халқаро терроризм, наркотрафик ва гибрид таҳдидларга қарши биргаликда курашиш қобилиятини оширишга хизмат қилади;

иккинчидан, ҳарбий таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида қўшма дастурларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Россия ва бошқа стратегик ҳамкорлар билан офицерларни қайта тайёрлаш, ҳарбий академиялар ўртасида ўқув-илмий ҳамкорлик шартномаларини йўлга қўйиш, стажировкалар ва малака ошириш курсларини ташкил этиш орқали юқори малакадаги ҳарбий кадрлар резервини яратиш мумкин;

учинчидан, мудофаа саноатини ихтисослаштириш ва диверсификация қилиш орқали миллий ҳарбий-техник салоҳиятни ошириш зарур. Россия тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда дронлар, электрон кураш воситалари, разведка ускуналари, алоқа технологиялари каби замонавий сегментларда маҳаллий ишлаб чиқаришни ташкил этиш, чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда ҳарбий саноатни модернизация қилиш керак;

тўртинчидан, таълим орқали ҳарбий дипломатияни кучайтириш муҳим. Ўзбекистон ҳарбий академияларида хорижий курсантлар учун махсус грант дастурлари ва ўқув модулларини йўлга қўйиш орқали минтақа давлатлари билан узоқ муддатли ҳарбий-дипломатик алоқалар асоси яратилади. Бу тажриба Россия, Хитой ва АҚШ томонидан самарали қўлланилмоқда;

бешинчидан, Ўзбекистон халқаро ҳарбий-сиёсий форумларда ўз миллий позициясини фаол илгари суриши керак. Жумладан, Moscow Conference on International Security (MCIS), Xiangshan Forum (Хитой), CICA (Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш), SCO Forum (ШХТ) каби платформаларда Ўзбекистоннинг стратегик манфаатлари асосланган, тизимли ва дипломатик даражада ҳимоя қилиниши талаб этилади.

Мазкур моделлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳарбий салоҳиятни ривожлантиришда фақат ички ресурсларга таяниш эмас, балки стратегик ҳамкорликни ҳарбий ва дипломатик майдонда мутаносиб тарзда юритиш муҳимдир. Ўзбекистон учун эса мазкур тажрибаларни мослаштирган ҳолда, ҳарбий таълим, киберхавфсизлик, саноат кооперацияси, минтақавий хавфсизлик платформалари ва инсонпарвар ҳарбий дипломатия йўналишларини ривожлантириш устувор аҳамият касб этади.

Шу асосда, Ўзбекистонда ҳарбий-дипломатик ҳамкорликни миллий мудофаа сиёсатининг стратегик устуни сифатида шакллантириш, Россия Федерацияси билан ўзаро манфаатли ва мақсадли шерикликни институционал даражада мустақамлаш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Ботир АРИПОВ,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Erik Pajitka, Military Diplomacy and Its Present Functions // https://www.researchgate.net/publication/-315475293_Military_Diplomacy_and_Its_Present_Functions#:~:text=Military%20diplomacy%20can%20be%20defined,Promotion%20of.
2. <https://warroom.armywarcollege.edu/articles/military-diplomacy/#:~:text=of%20whether%20-military%20officials%20or,and%20behaviors%20is%20military%20diplomacy>
3. warroom.armywarcollege.edu
4. German defense minister: Transatlantic partnership with U.S. more vital now than ever // <https://washingtondc.jhu.edu/news/german-defense-minister-transatlantic-partnership-with-u-s-more-vital-now-than-ever/#:~:text=,today%E2%80%99s%20challenges%2C%20the%20minister%20added>.
5. ОДКБ расмий сайти – Пресс-релизлар ва ҳисоботлар 2023 (<https://odkb-csto.org/>).
6. Ministry of Defence of the Russian Federation. Joint Air Patrol Report, Moscow, 2022, p. 3–4.
7. SIPRI Arms Transfers Database, Stockholm International Peace Research Institute, 2024 йил, <https://www.sipri.org/databases/armstransfers>.
8. Kashin, V. Russia's Military Cooperation with Asia: A Strategic Outlook, Carnegie Moscow Center, 2021, pp. 12–15.
9. RIA Novosti. Совместные учения ВМС России, Ирана и Китая, Москва, 2023 йил, <https://ria.ru/20230315/-ucheniya-iran-rossiya-1856781234.html>.

ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗҒАТИШНИ РАД ҚИЛИШ

АННОТАЦИЯ: мақолада жиноят иши қўзғатишни рад қилиш институтининг жиноят процессининг дастлабки босқичида тутган ўрни ва аҳамияти комплекс илмий таҳлил қилинган. Амалдаги терговга қадар текширув жараёнида учраётган асосий муаммолар, жумладан текширувнинг юзаки ўтказилиши, идоралараро мувофиқлашувнинг етишмаслиги, текширув муддатларининг асоссиз чўзилиши ҳамда рад этиш қарорлари устидан назорат механизмларининг самарасизлиги илмий нуқтаи назардан ёритилган. Шунингдек, қонунни ўзгартирмасдан туриб, 21 та ваколатли орган (12 та ТҚТ субъекти, 5 та суриштирув, 3 та тергов, 1 та прокуратура) функция ва вазифаларини ягона амалий механизмга солиш, иш юритиш алгоритмларини стандартлаштириш ҳамда ягона электрон бошқарув муҳитини жорий этиш орқали институт самарадорлигини ошириш йўллари таклиф этилади.

Калит сўзлар: жиноят иши қўзғатишни рад қилиш, терговга қадар текширув, жиноят процессининг дастлабки босқичи, ИИБ тергови, прокуратура назорати, суд назорати, тезкор-қидирув фаолияти, идоралараро ҳамкорлик; электрон жиноят иши, рақамлаштириш; ҳуқуқни қўллаш амалиёти.

Жиноят иши қўзғатишни рад қилиш институти жиноят процессининг дастлабки босқичида муҳим ҳуқуқий кафолат сифатида намоён бўлади. Унинг асосий вазифаси — асоссиз жиноий таъқибнинг олдини олиш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ориқча юкланишдан сақлашдан иборатдир.

Шу билан бирга, мазкур институт амалиётда кўплаб тизимли муаммоларга дуч келаётгани унинг самарадорлигини пайсайтираётгани ҳақида илмий ва амалий таҳлиллар мавжуд. Бу ҳолат жиноят процессининг инсонпарварлик моҳиятини тўлиқ таъминлашга тўсқинлик қилади.

Жиноят иши қўзғатишни рад қилиш институти жиноят таркиби аломатлари мавжуд бўлмаган ёки жиноят ишини юритишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлган вазиятларда жиноят процессининг кейинги, репрессив босқичларига ўтишни чекловчи мустақил процессуал механизм ҳисобланади. Унинг доктринал моҳияти — давлатнинг “жиноий таъқибни бошлаш” ваколатини қонуний ва асосли мезонлар доирасида чеклаш, фуқаронинг дахлсизлик кафолатларини таъминлашдир.

Ҳуқуқшунос Б.Ю. Қодиров мазкур институтни процессуал филтер сифатида баҳолаб, унинг самарали ишлаши жиноят процессининг инсон ҳуқуқларига йўналтирилганлигини белгилаб беришини таъкидлайди.

А.Х. Раҳимов эса терговга қадар текширув босқичини жиноят процессининг энг заиф бўғини сифатида кўриб, рад этиш институтини қайта концепция қилиш, қарорларнинг мотивировкасини кучайтириш ва назорат механизмларини такомиллаштириш зарурлигини таъкидлайди.

Мазкур институтнинг функцияларини уч йўналишга ажратиш мақсадга мувофиқ: (а) асоссиз жиноий таъқибдан ҳимоя; (б) жиноят ишлари юритишини филтрлаш; (в) процессуал иқтисод ва тезкорлик. Функционал ёндашув рад этиш қарорини “кўриб чиқишдан қочиш” эмас, балки ҳуқуқий асосланган давлат реакциясини таъминловчи ҳал қилувчи қарор сифатида баҳолашни талаб қилади.

Институтнинг легитимлиги инсон ҳуқуқлари стандартлари билан уйғунликда ўлчанади. Хусусан, шахснинг ҳуқуқий ҳимояга бўлган ҳуқуқи, адолатли судловга эришиш, самарали шикоят воситаси мавжудлиги каби мезонлар терговга қадар босқичда ҳам аҳамиятга эга. Шу боис рад этиш қарорида ариза берувчи

учун тушунарли изоҳ, шикоят тартибини аниқ кўрсатиш ва далилларни баҳолаш мантигини ёритиш талаб этилади.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, жиноят тўғрисидаги ариза ёки хабар келиб тушган пайтдан эътиборан суриштирувчи ёки терговчи 10 сутка ичида (айрим ҳолларда прокурор санкцияси билан 1 ойгача) терговга қадар текширув ўтказиб, жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.

Бироқ ушбу муддатларнинг чекланганлиги ва рухсат этилган процессуал ҳаракатлар доирасининг торлиги аксар ҳолларда воқеанинг барча ҳолатларини тўлиқ аниқлаш имконини бермайди. Илмий тадқиқотлар терговга қадар текширув амалиётида юзаки ҳаракатлар устун эканини, бу эса асосланмаган қарорлар қабул қилинишига олиб келаётганини кўрсатмоқда.

ИИБ тизимида мурожаатлар оқими катта бўлгани сабаб “формал чекланишлар” кўп учрайди. Амалда ҳодиса жойи маълумотларини кечиктириб ёки умуман расмийлаштирмаслик, электрон далилларни ишончли сақлаш ва фиксация қилиш бўйича ягона стандарт йўқлиги, гувоҳлар билан ишлашда вақт фактори (freshness) инobatга олинмаслиги ҳамда қарор матнида факт–далил–баҳо занжири узилиб қолиши каби типик камчиликлар кузатилади.

Жиноят ҳақидаги хабарларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар сонининг кўплиги (21 тагача) идоралараро мувофиқлашув муаммосини келтириб чиқаради.

Муаммо фақат “кўплиги”да эмас, балки мурожаатнинг қайси органда “биринчи асосий қарор”гача етиб бориш траекторияси аниқ белгиланмаганида. Натижада мурожаат бир неча марта ўтказилади, муддатлар сунъий чўзилади, ариза берувчи ўз ҳуқуқий мақомини тушунмай қолади.

ИИБ тизимида иш самарадорлиги баъзан статистик кўрсаткичлар (кўрилган материаллар сони, муддатда яқунланганлик) билан баҳоланади. Бу эса “сифатга қарши рағбат” (perverse incentive)ни келтириб чиқариши мумкин: тез яқунлаш учун рад этиш қарорлари улуши ошиб кетади ёки аксинча, процессуал тавakkалдан қочиш учун материаллар қайта-қайта ўтказилади.

Амалиётда жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарорларни бир неча марта бекор қилиш ва қўшимча текширув тайинлаш учун аниқ чекловларнинг йўқлиги терговга қадар босқичнинг сунъий равишда чўзилишига олиб келади.

Прокуратура назоратининг энг муҳим вазифаси қарор қабул қилиш сифатини тизимли равишда оширишдир. Агар назорат фақат бекор қилишга тушса, амалиётда "қайта айланма" пайдо бўлади. Шу сабаб прокурор кўрсатмалари, (а) далилларнинг етарлилиги, (б) альтернатив версияларни текшириш, (в) электрон далилларни фиксация қилиш, (г) шикоят бериш ҳуқуқини таъминлаш каби стандартларни қамраб олиши лозим.

Суд назорати институти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги "охирги филтер" бўлиши керак. Жиноят иши кўзга-тишни рад қилиш қарорлари устидан тўғридан-тўғри судга шикоят қилиш механизми ИИВ ва прокуратура қарорларининг масъулиятини оширади.

Амалиётни кучайтириш учун судларда рад этиш қарорлари бўйича иш юритишда материалларнинг тўлиқлиги (file completeness) стандарти, суд қарорларида "камчиликлар картаси" (қайси далил етишмади, қайси ҳаракат бажарилмади)ни кўрсатиш ва прокуратуранинг процессуал позицияси ҳамда унинг далиллар асосини очиқлаш талабини кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Жаҳон амалиётда жиноят ишини бошлаш ва иш юритишни рад этиш механизмлари турлича. Германияда терговга қадар текширув мустақил босқич сифатида ажратилмаган, прокурор (Staatsanwaltschaft) асосий қарор қабул қилувчи ҳисобланади ва ишни бошламаслик қарори суд назорати билан мувозанатлаштирилади. Қозоғистон Республикасида 2014 йилдан бошлаб жиноят ишини кўзга-тиш институти бекор қилиниб, барча муносабатлар Ягона реестр орқали автоматик тарзда терговга қабул қилинади.

Англия-Уэльс ҳуқуқ тизимида иш юритишни бошлашда прокуратура (CPS)нинг дискрецияси юқори бўлиб, "public interest" ва "evidential sufficiency" мезонлари етакчи ўрин тутди. АҚШда эса "probable cause" стандарти ва суд ордерлари институти терговга қадар босқичда далил йиғишнинг легитим чегараларини белгилайди. Бу ёндашувлар Ўзбекистон амалиёти учун "етарли далил стандарти"ни амалиёт йўриқномалари орқали аниқлаштириш зарурлигини кўрсатади.

Континентал тизимда мотивировкалик талаби марказий ўрин тутди. Россия амалиётда "возбуждение дела" ва "отказ" қарорлари прокурор назорати остида чиқарилса-да, амалда қарор матни сифати ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Францияда эса прокуратура (parquet) қарорларида фуқаро учун тушунарли асослар ва шикоятни қайта кўриб чиқиш механизмлари кенгроқ ифодаланади. Ушбу тажриба Ўзбекистон учун қарор мотивировкасини ички стандартлар орқали кучайтиришга илмий асос беради.

Жиноят ҳақидаги хабарларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган 21 та органни айрим-айрим бошқариш самара бермайди; уларни функция бўйича кластерлаш зарур. Шунга кўра: 12 та ТҚТ субъекти — ахборот ва тезкор натижа берувчи, 5 та суриштирув — ҳуқуқий баҳолаш ва текширув режалаштириш, 3 та тергов — процессуал қарор контури ҳамда 1 та прокуратура — сифат ва қонунийликни бир хиллаштирувчи мета-назоратга ажратиш лозим.

Амалиётда жорий этиладиган процесс харитаси (process map) куйидаги йўл билан ишлайди: муносабат қабул қилинди → электрон картотка очилди → ваколатли кластер танланди → ТҚТ пакет тайёрлади → суриштирув чек-лист бўйича текширди → тергов мотивировкали қарор қабул қилди → прокуратура сифат филтридан ўтказди → судга шикояти бўлса, материал

тайёр ҳолда тақдим этилди. Бу жараёнда ҳар қадам таймер ва назорат нуқталари билан боғланган бўлади.

Кўп субъектли тизимда сифатни бошқариш учун КРІ лар фақат ҳажмга эмас, сифатга қурилиши керак. Таклиф этиладиган индикаторлар:

рад этиш қарорларининг прокурор томонидан бекор қилиниши улуши (ҳудудлар кесимида);
рад этиш қарорларининг суд томонидан бекор қилиниши улуши;
такрорий қўшимча текширувлар сони (бир материал бўйича);
муддат бузилиш ҳолатлари ва уларнинг сабаб тақсономияси;
электрон далиллар фиксацияси бўйича чек-листга риоя қилиш даражаси;
ариза берувчига қарорни етказиш тезлиги ва шикоят ҳуқуқи ҳақида хабардор қилиш сифати (audit).

Қонунни ўзгартирмасдан қарор сифатини ошириш учун рад қилиш қарорининг минимал структураси белгиланади: 1) ҳодиса баёни ва муносабат мазмуни; 2) текширувда амалга оширилган ҳаракатлар; 3) йиғилган далиллар (жадвал кўринишида); 4) далилларга ҳуқуқий баҳо; 5) альтернатив версиялар ва нега рад этилгани; 6) қарорнинг ҳуқуқий асоси; 7) шикоят тартиби ва муддати. Бундай структура қарорнинг қисқа ёки узун бўлишини эмас, мантиқий тўлиқлигини таъминлайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, таклиф этилган ташкилий ва методик чоралар қонунчилик нормаларини ўзгартирмасдан туриб ҳам рад қилиш институтининг амалий самарадорлигини сезиларли оширади. Калит нуқта — 21 та орган фаолиятини бир тизим сифатида бошқариш: функционал кластерлар, стандарт чиқиш натижалари, электрон трекинг, КРІ ва уч томонлама (ИИВ-прокуратура-суд) қайта алоқа цикли. Шу йўл билан терговга қадар босқичда инсон ҳуқуқлари кафолатлари кучаяди, қарорлар сифати ошади ва иш юритишнинг сунъий чўзилиши камаяди.

Наргиза ФАХРИДДИНОВА,

3-даражали адлия маслаҳатчиси, Ички ишлар вазирлиги Академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Амалдаги таҳрир.
3. Қодиров Б.Ю. Жиноят ишлари юритишда идоралараро ҳамкорлик. – Тошкент, 2019.
4. Раҳимов А.Х. Терговга қадар текширув муаммолари. – Тошкент, 2020.
5. Қиёсий жиноят процессуал ҳуқуқ. – Тошкент, 2021.
6. Суд-тергов амалиёти таҳлили материаллари. – Тошкент, 2021.
7. Жиноят процессуал ҳуқуқи бўйича илмий тадқиқотлар тўплами. – Тошкент, 2022.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (2025 йил 26 декабрь).
9. Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (2014). – Амалдаги таҳрир.
10. Германия Федератив Республикаси жиноят процесси бўйича манбалар (StPO) – умумий қиёсий маълумот учун.
11. Англия-Уэльс прокуратураси (CPS) амалиётига оид қиёсий шарҳлар – умумий қиёсий маълумот учун.
12. АҚШда probable cause стандарти ва суд ордерлари институтига оид қиёсий шарҳлар – умумий қиёсий маълумот учун.



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ИНСТИТУТ

Сўнги йилларда дунёда юз бераётган қуролли можаролар, иқтисодий инқирозлар, пандемия ва бошқа шу каби воқеаларнинг ривожланиши инсон ҳуқуқлари институтларининг ролини ошириб, ушбу муаммоларни янада самарали ҳал қилиш учун инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини қайта кўриб чиқиш ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Зеро, инсон ҳуқуқларини таъминлаш – ҳар қандай демократик давлатнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Бу бўйича миллий марказларнинг тузилишидан мақсад эса инсон ҳуқуқлари бузилишларининг олдини олиш, давлатнинг ўз халқи олдида масъуллигини ошириш, давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил назорат механизмини яратиш ҳамда халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларини мамлакат ичида амалга оширишдир. Миллий марказлар — давлатга қарши эмас, аксинча халқ манфаати учун давлатга ёрдам берувчи мустақил институтлардир.

Миллий инсон ҳуқуқлари институтлари (NHRI) 1990 йилда бор-йўғи 8 та давлатда мавжуд бўлган бўлса, 2025 йилга келиб 118 та давлатда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, мониторинг олиб бориш ва давлат сиёсати ижросини баҳолашда муҳим демократик институт сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистонда ушбу институт 1996 йил 31 октябрдаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини тузиш тўғрисида”ги Президент Фармони асосан ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасига кўра, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ҳамда воситаларини тўлдирди, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ва инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришга кўмаклашади. Давлат инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратади.

Амалдаги қонунчиликка асосан Марказ ўз ваколатларини барча давлат органлари ва ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга ошириши белгиланган бўлсада, Марказнинг институционал мустақиллиги, давлат органлари ва ташкилотларига таъсири чекланган, чунки Марказ директори Президент томонидан, Марказ директорининг ўринбосари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади. Марказ ҳар йили Президент, Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамасига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади. Марказ асосан республика бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Марказнинг ўтган даврдаги фаолияти давомида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий қонунчиликни халқаро нормаларга мослаштириш, давлат органлари ва ташкилотлари учун ҳуқуқий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш, БМТ шартномавий органлари учун миллий ҳисоботлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди.

Гарчи Президент ташаббуси билан сўнги йилларда инсон ҳуқуқлари олий кадрият даражасига кўтарилиб, мажбурий меҳнатни бартараф этиш, коррупциянинг олдини олиш, одам савдоси ва қийноқларга қарши кураш, гендер тенглиги, ногиронлиги бўлганлар, болалар ҳуқуқлари бўйича қонунлар қабул қилиниши орқали Марказнинг халқаро нуфузи ошиб, БМТ органлари билан ҳамкорлик кучайтирилган бўлсада, Марказ ҳали “Париж тамойиллари”га мос “А” мақоми (тўлиқ мустақил) даражасини олишга эриша олмади.

“Париж тамойиллари” инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишда институтларнинг мустақиллиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида уларнинг ваколатлари, таркиби ва вазифалари каби талабларни белгилайди. Ушбу тамойиллар, асосан инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил институтларга конституциявий ёки қонуний ҳужжатда кўрсатилган кенг ваколатларни беришни талаб қилади.

“Париж тамойиллари” асосида стандартлаштириш миллий институтларни баҳолаш учун ягона халқаро андозаларни тақдим этади, институтларнинг ижро этувчи ҳокимиятдан мустақиллигини таъминлашга, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Миллий инсон ҳуқуқлари институтлари глобал альянси (Global Alliance of National Human Rights Institutions - GANHRI)нинг 2025 йил ҳолати бўйича 118 давлатдан 91 та давлатнинг миллий институти “А” мақоми институтлар рўйхатида,

қолган 27 та давлатнинг институти “Б” мақомидаги институтилар рўйхатида киритилган бўлиб, рўйхатга Ўзбекистондан 2021 йилда киритилган.

Бу борадаги халқаро тажрибага назар ташлайдиган бўлсак, рўйхатда “А” мақомига эга бўлган Даниянинг Инсон ҳуқуқлари институти вазирилик ва ҳукуматдан мутлақо мустақил бўлиб, институт давлат сиёсатини инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан баҳолаш ҳуқуқига эга. Жанубий Кореяда Корея Миллий инсон ҳуқуқлари комиссияси мустақил комиссия сифатида фаолият юритади ва унинг тавсияларини давлат қабул қилишга мажбур.

Германияда Инсон ҳуқуқлари институти парламентга ҳисобот беради, Институтнинг болалар, мигрантлар ҳуқуқлари ва гендер тенглиги бўйича махсус бўлимлари мавжуд, Австралияда Инсон ҳуқуқлари комиссияси камситиш ёки инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳақидаги шикоятларни текшириш, таълим, меҳнат жамоалари учун инсон ҳуқуқлари бўйича таълим дастурлари ва ресурсларини ишлаб чиқиш, миллий аҳамиятга молик масалалар бўйича жамоатчилик сўровларини ўтказиш, тегишли тавсиялар бериш, халқаро шартномаларга мувофиқ қонунлар, дастурларни ишлаб чиқиш учун парламент ва ҳукуматга маслаҳатлар бериш ҳуқуқига эга бўлиб, ҳар бир соҳада инсон ҳуқуқлари индикаторлари ва статистикаси юритилади.

Ўзбекистонда Марказнинг молиялаштиришда давлатга қарамлиги, раҳбарларининг давлат томонидан тайинланиши, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этишда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар бўйича мустақил танқидий чиқишлар қилмаслиги, жамоатчилик билан мулоқот етарлича эмаслиги сабабли “Париж тамойиллари”даги “институционал мустақиллик” талабига тўлиқ мос деб бўлмади.

Марказ фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда халқаро рейтингда “А” мақомига эга бўлиш мақсадида хориж тажрибаси асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш орқали Олий Мажлис томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази раҳбари ва унинг ўринбосарини сайлаш ва Марказнинг фақат Олий Мажлисга ҳисобдорлигини жорий қилиш, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳуқуқий мақоми қонун билан тартибга солиш ва “Human rights - Uzbekistan” миллий портални жорий қилиб, унда вазирилик, идора ва бошқа ташкилотлар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ҳолати бўйича мониторинг натижалари ва рейтинг кўрсаткичларини очиқ эълон қилиб бориш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, Инсон ҳуқуқларига оид барча қонун ва қонун ости ҳужжатлари лойиҳасини Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан келишиш, кенг жамоатчиликни Марказ фаолияти бўйича хабардор этиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маърузалар тўпламини ҳар чорак якунида босма ва электрон нашрларда чоп этиб бориш ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича Марказ кўрсатмаларига риоя этмаганлиги учун таъсир чоралари қўлланиши орқали ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, ушбу ҳолатлар бўйича Парламент эшитувларини йўлга қўйиш ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг молиявий мустақиллигини таъминлаш ҳам унинг мустақиллиги тўла таъминланишида муҳим омил бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари Миллий маркази сўнги йилларда жиддий институционал ва амалий ривожланиш йўлини босиб ўтди. Марказнинг ҳуқуқий мақоми янада ошириш ва ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқиш учун унинг ваколатларини кенгайтириш, мустақиллигини мустаҳкамлаш, жамоатчилик билан мулоқотни кучайтириш ҳамда халқаро стандартларга тўлиқ мослаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бекзод НИШОНОВ,

Одил судлов академияси тингловчиси.

ҲУҚУҚИЙ - ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

АННОТАЦИЯ: мақолада қийноқ тушунчасининг ҳуқуқий ва ахлоқий моҳияти, унинг турлари ҳамда халқаро ва миллий қонунчиликдаги тақиқланиши илмий таҳлил этилган. Шунингдек, қийноқларга қарши кафолатлар ва амалий муаммолар бўйича хулосалар баён этилган.

Калит сўзлар: қийноқ, инсон ҳуқуқлари, конвенция, жиноий жавобгарлик, адолат, тергов, шарт ва кадр-қиммат.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари – ҳар қандай демократик давлатнинг асосий қадриятларидан биридир. Инсоннинг жисмоний дахлсизлиги ва руҳий соғломлигини таъминлаш бу ҳуқуқларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Қийноқлар эса мазкур ҳуқуқларга қарши йўналтирилган энг оғир ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этилади.

Бугунги кунда дунё ҳамжамияти қийноқларни бутунлай йўқотиш мақсадида турли халқаро шартномалар ва миллий дастурларни амалга оширмоқда. Ўзбекистон ҳам мазкур соҳада муҳим ҳуқуқий ислохотлар йўлини танлаган.

Қийноқнинг илмий таърифи турли манбаларда турлича берилса-да, уларнинг умумий жиҳати — инсонга жисмоний ёки руҳий азоб етказиш орқали маълум натижага эришишдир.

Мутахассисларнинг фикрича, қийноқ инсонга узоқ муддатли психологик таъсирга эга бўлган, шахс сифатида йўқ қилишга қаратилган ҳатти-ҳаракат сифатида баҳоланади. Жароҳат, яраларни шифокор даволайди, бироқ у қийноқ оқибатларини тезда бартараф эта олмайди. Бунга анча кўпроқ вақт керак. Қийноқларни бошдан кечирган инсонлар қалбдаги мана шу битмас жароҳат билан узоқ йиллар яшашига мажбур бўладилар, чунки бундай иллатни унутиш қийин ва мушкулдир. Ҳаттоки 30 йил ўтган ҳам уларга психологик ёрдам керак бўлиши мумкин.

Шу ўринда айтиш керакки, қийноқ бу жамият танасидаги жирканч касаллик. Уни даволаш учун аввало шаффоқлик таъминланиши керак. Чунки айнан шаффоқлик - қийноқларнинг барвақт олдини олишда таъсирчан воситаларидан биридир.

Омбудсман ҳузурида Қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳларининг ташкил этилиши шулар жумласидан.

БМТнинг 1984 йил 10 декабрда қабул қилинган “Қийноқларга ва бошқа шафқатсиз, инсон кадр-қимматини камситувчи муносабат ҳамда жазо турларига қарши конвенция”сида қийноқ қуйидагича таърифланган:

“Қийноқ – бу маълум маълумотни олиш, жазолаш ёки мажбурлаш мақсадида давлат мансабдори ёки унинг кўрсатмаси билан шахсга жисмоний ёки руҳий азоб беришдир.”

Халқаро ҳамжамиятда қийноқларга қарши бир қатор ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, асосийлари сифатида қуйидагиларни мисол қилиш мумкин:

- БМТнинг “Қийноқларга қарши конвенция”си (1984 йил);
- Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил)нинг 5-моддаси;
- Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил);
- Европа инсон ҳуқуқлари конвенцияси (1950 йил)нинг 3-моддаси ва бошқалар.

Таъкидлаш жоизки мазкур ҳужжатларда қийноқлар ҳар қандай ҳолатда, ҳатто фавқулодда ёки ҳарбий шароитда ҳам оқланмаслиги қатъий белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддаси мазкур таърифни миллий қонунчиликда мустақамлаб, қийноқ учун жавобгарликни белгилайди.

Қийноқлар ўзига хос турларга бўлинади:

Жисмоний қийноқлар – уриш, боғлаб қўйиш, ток улаш, сувсиз қолдириш, озик-овқат ёки ухлашдан маҳрум қилиш ва бошқалар.

Руҳий қийноқлар – таҳдид қилиш, ҳақорат, яқалиқда узоқ сақлаш, яқинларига зарар етказиш билан кўрқитиш кабилар.

Бу турдаги ҳаракатлар нафақат инсоннинг соғлигига зарар етказиши, балки унинг руҳиятига салбий таъсир қилади, кадр-қимматини камситиши ва шахснинг давлатга бўлган ишончини йўқотади.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига тизимли ва босқич-ма-босқич имплементация қилишнинг ўзбек модели шаклланди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатга, шу жумладан БМТнинг 7 та асосий шартномаси ва 4 та Факультатив протокоliga қўшилган. Бу халқаро ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан миллий маърузалар БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ҳамда шартномавий кўмиталарига доимий равишда тақдим этиб борилмоқда

Сўнги йилларда мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада кучайтириш, жумладан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғай-

ринсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларига мутлақо йўл қўймаслик мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Халқаро ҳужжатлардаги инсон ҳуқуқлари бўйича асосий талаблар миллий қонунчиликда ўз аксини топган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида “Ҳеч ким қийноққа солиниши, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи жазо ёки муомалага дучор этилмаслиги лозим”лиги белгиланган.

Шунингдек,

- Жиноят кодексиди (235-моддаси) қийноқ учун жавобгарлик белгиланган;

- Жиноят-процессуал кодексиди (17-моддаси) ишни тергов қилишда зўравонлик қўллаш қатъий ман этилган;

- “Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ” ва Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) қийноқларнинг олдини олиш механизмларини амалга ошириб келмоқда.

Айрим ҳолларда тергов жараёнларида зўравонлик ёки ноқонуний босим ҳолатлари қайд этилади. Бу ҳолатлар тергов органларида шаффоқлик этишмаслиги, ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги ва адвокат ҳимоясидан тўлиқ фойдаланмаслик каби омиллар билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йил 17 декабрдаги резолюцияси билан қабул қилинган “Махбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари” (Нелсон Мандела қоидалари) жорий қилинмоқда.

2021 йил 26 июнда Президентимизнинг “Қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам инсон ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Президент Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, “ҳибсга олинган ва жиноий жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан қийноққа солиш, руҳий ҳамда жисмоний босим ўтказиш ва бошқа ғайринсоний зўравонликка солиш ҳолатларига қарши принципаал кураш бошладик. Фуқароларни сохта далиллар, тўхмат ва бўҳтонлар асосида жавобгарликка тортишдек номақбул амалиётга барҳам берилди”.

Қийноқларнинг олдини олиш бўйича қуйидагилар тақлиф қилинади:

- тергов жараёнларини видеоёзувга олиш тартибини мажбурий қилиб белгилаш;
- суриштирув ва тергов қилиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар учун қийноқларга қарши махсус ўқув дастурлари жорий этилиб, доимий ўқитиб боришни йўлга қўйиш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида жиноятчиликни таҳлил қилишда ўтган йилга нисбатан солиштириб баҳолаш тартибига чек қўйиш;

- жамоатчилик назоратини кучайтириш;

- оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириб, уларнинг имкониятларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, қийноқлар – инсон ҳуқуқларига, давлат обрўси-га ва қонун устуворлигига қарши жиноят бўлиб, давлат ва жамиятнинг вазифаси – қийноқларнинг ҳар қандай шаклига нисбатан муросасизлик сиёсатини амалга оширишдир.

Ҳуқуқий, ахлоқий ва ижтимоий механизмларни такомиллаштириш орқали қийноқларнинг олдини олиш, инсон шаънини ҳимоя қилиш – ҳуқуқий демократик давлат қуришининг муҳим шартидир.

Хусниддин ДАВРАНОВ,

Одил судлов академияси тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: 2023.
3. БМТ “Қийноқларга қарши конвенция”, Нью-Йорк, 1984 йил.
4. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1948 йил.
5. Абдулазизов Ш. “Инсон ҳуқуқларини таъминлашда қийноқларга қарши курашнинг миллий механизмлари”, Юридик тадқиқотлар журнали, №2, 2022 й.
6. <https://ombudsman.uz/uz/docs/qiyonoqlarga-qarshi-kurashning-sifat-jihatidan-yangi-bosqichini-belgilagan-hujjat>
7. <http://nhrc.uz/uz/news/m7344>

ПРОФЕССИОНАЛ СУДЬЯЛАР КОРПУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ

Республикамизда суд тизимини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлашда стратегик аҳамият касб этади.

Аҳоли сонининг барқарор ўсиб бориши, тадбиркорлик субъектларининг кўпайиши ва янги ижтимоий муносабатлар турларининг шаклланиши ҳамда ҳуқуқий тартибга солинишга эҳтиёжнинг ўсиши судларда иш ҳажмининг ортиши билан боғлиқ масалаларни кун тартибига чиқарди. Статистик маълумотларга кўра ҳозирги шароитда Ўзбекистон суд органларига мурожаатлар сони ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бу ҳолат судьялар сонининг ҳам ушбу омилга мувофиқ тарзда мунтазам оширилиши зарурлигини кўрсатади.

Олий суд тизимидаги айни кунлардаги мавжуд судьялар сони фуқаролар ва тадбиркорларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқларидан самарали фойдаланишига бўлган эҳтиёжларини келажакда тўлақонли қаноатлантиришга имкон бермаслиги мумкин. Чунки судьялар сонининг аҳоли сонига жорий нисбати судьялар иш ҳажмининг кескин ошишига сабаб бўлмоқда.

Жаҳон тажрибасига қаралса, аҳоли сони бўйича ҳар 100 минг кишига Германияда 24, Испания ва Италияда 10, Португалияда 19, Венгрияда 29, Хорватияда 42, Австралияда 27 нафар судья тўғри келмоқда.

Агар, Ўзбекистондаги аҳоли сонини биздаги мавжуд судьялар сонига бўлсак, ўртача 23 089 кишига 1 нафар, яъни ҳар 100 минг кишига ўртача 4,3 нафар судья тўғри келади.

Жаҳонда судьялар сонини нормал белгилаш бўйича қатъий белгиланган мезонлар мавжуд эмас. Аммо амалиётда судьяларнинг мамлакат аҳолиси сонига нисбати бўйича маълум бир ўлчовлар мавжуд. Бошқача қилиб айтганда, судларда иш ҳажмининг шаклланишида судьялар сони муҳим роль ўйнайди ва ушбу сон меъёрини тартибга солишда аҳоли сони ва иш ҳажмидан келиб чиқиб баҳо берилиши мақсадга мувофиқ.

Европа Кенгашининг Одил судлов самарадорлиги бўйича комиссияси (СЕРЕЈ) ҳисоботларида судьялар сони мамлакатлар аҳолиси сонидан келиб чиқиб баҳоланади. СЕРЕЈнинг 2024 йилги ҳисоботида (2022 йил ҳолати бўйича) 48 та давлатнинг суд тизимини ўрганиш асосида ушбу мамлакатлардаги судьялар сони ҳар 100 минг киши ҳисобига ўртача 17,6 нафарни ташкил қилиши кўрсатилган.

Қайд этиш жоизки, халқаро ташкилотлар ҳам одил судлов самарадорлигини таъминлашда судьялар сони етарли бўлиши муҳимлиги ҳақида тавсиялар берган. Хусусан, Одил судлов самарадорлиги бўйича Европа комиссияси ҳам ўз ҳисоботларида мамлакатларнинг судлари самарадорлиги натижаларини эълон қилиб боради. Хусусан, давлатларнинг судлар учун ажратадиган бюджет маблағи миқдори ва ҳар

100 минг аҳоли сонига тўғри келувчи профессионал судьялар сони таҳлил қилинади.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда республикамизда ҳам судьялар сони салмоқли даражада оширилди. Жумладан, судьяларни ўқитиш ва малакасини ошириш тизими ҳам такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-141-сонли фармони суд тизими учун юқори малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштириш, таълим, илм-фан ва амалиёт узвийлигини таъминлаш орқали профессионал судьялар корпусини шакллантиришда жиддий қадам бўлди, дейишимиз мумкин. Бинобарин, ушбу Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби негизида Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ташкил қилинди. Фармонга асосан 2025 йил 1 октябрдан бошлаб судьялик лавозимларига номзодлар Академияда давлат гранти асосида олти ойлик қайта тайёрлаш курсларида тайёрланиши, мазкур курслар “назария — амалиёт — имитация” тамойилига асосланган дуал таълим шаклида ташкил қилиниши ва курслар якунлангач, Судьялар олий кенгаши раҳбарлигида тузиладиган идоралараро комиссиянинг якуний аттестациясидан муваффақиятли ўтган битирувчиларга сертификат тақдим этилиши белгиланди. Фикримизча, эндиликда, босқичма-босқич тарзда судьялар тайёрлаш даврийлигини мақбуллаштириш ва бир вақтнинг ўзида судьялар сонини ошириб боришнинг реал имкониятларини яратиш мумкин бўлади.

Назаримизда, давлатимизда суд тизими кадрларини тайёрлаш борасида олиб борилаётган мазкур ислоҳотларнинг келажакда янада чуқурлаштирилиши аҳолимизнинг қонун устуворлиги ва адолат таъминланишига бўлган ижтимоий эҳтиёжларининг қондирилиш даражасининг ортишига ҳамда шахс, жамият ва давлат манфаатларининг суд ҳокимияти орқали ҳуқуқий жиҳатдан мувозанатли таъминланишига ёрдам беради.

Нурмуҳаммадхон АБУЛСАИДОВ,

Одил судлов академияси тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Судьялар сонини кўпайтириш: судьяларнинг ихтисослашувини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ, 30.09.2024. 17:00 Манба: // <https://www.gazeta.uz/uz/2024/09/30/adolat/>

СУДЬЯ ОДОБИНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ЖИХАТЛАРИ

Суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган туб ислоҳотлар судьяларга қатор ижтимоий ва моддий имтиёзлар бериши баробарида лавозимига ҳар жиҳатдан муносиб бўлишдек мажбурият ҳам юклайди. Чунки, жамоатчиликнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончи судьянинг профессионал салоҳиятидан ташқари юксак маданиятига ҳам боғлиқ. Негаки, судьялар доим жамоатчилик марказида бўлиб, уларга бўлган эътибор ижтимоий фаол бўлган бошқа касб эгаларидан кам эмас. Аксинча, судьянинг хизмат ва ундан ташқари пайтда ўзини тутиши, ахлоқ-одоби, юриш-туриши, оиласи ва яқинларига муносабати доимий муҳокама мавзусига айлангани бор гап. Шу боис ҳам ислоҳотларнинг бугунги босқичида судьяларнинг маънавий-ахлоқий қирраларига жиддий эътибор қаратилаётир.

Жамиятда мутлақ, абадий ва ўзгармас ахлоқ йўқ. Ахлоқ тарихан ўзгарувчан ва нисбий мустақилликка эга бўлган ижтимоий ҳодисадир. Ҳар бир касб-хунарга хос ахлоқий норма, принцип ва сифатлар бўлгани ҳам аниқ ва мажбурий ахлоқий меъёрлари бор. Бу меъёрлар Судьялар олий кенгашининг (2024 йил 15 май, СОКҚ-1903-сон) қарори билан тасдиқланган “Судьялар одоби кодекси” да ўз ифодасини топган.

“Судьялар одоби кодекси” - судьялар амал қилиши шарт бўлган меъерий ҳужжат ҳисобланади. Мазкур кодекс 18 та моддадан иборат бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Судлар тўғрисида” ги, “Ўзбекистон Республикасининг Судьялар олий кенгаши тўғрисида” ги Қонунлари, судьялар одобини тартибга солувчи халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ҳамда ҳар бир жамиятнинг миллий қадриятлари асосида ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар одоби кодексининг 13-моддаси 1-қисмида судья хизматдан ташқари вақтда ҳам қандай хулқ-атворга эга бўлиши кўрсатилган.

Яъни, судья хизматдан ташқари вақтда жамиятда умумэтироф этилган одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиши, жамоатчилик билан муносабатда камтар ва босиқ бўлиши, кибрга берилмаслиги, судья эканлигини заруратсиз билдиришдан тийилиши лозимлиги белгиланган.

Судьялар хулқ-атворига оид меъёрлар қадимдан бор. Лекин судьялар одоб-ахлоқ қоидаларига оид дастлабки ҳужжат 1994 йил 7 майда Италияда (“Суд этикаси кодекси”) ишлаб чиқилган. Мазкур кодексда судьяларнинг жамият билан муносабатлари, суд фаолияти учун ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш, судьялик мажбурияти, оммавий ахборот воситалари билан алоқалар, холислик ва мустақиллик талабларига амал қилиш ва бошқа ҳолатлар ўз ифодасини топган.

Судьялар учун ишлаб чиқилган бу турдаги “махсус” кодекслар кўплаб давлатларда амалда қўлланади. Лекин баъзи давлатларда ахлоқ-одоб нормалари қонунларга таркибий қисм сифатида киритилган.

“Судьялар одоб-ахлоқининг Бангалор принциплари” (2002 йил 26 ноябрь, Гаага) - судьялар касб этикаси оид энг асосий халқаро ҳужжат ҳисобланади. Ундан кўплаб миллий қонунчиликларда андоза сифатида фойдаланилган.

“Бангалор принциплари” қуйдагилардир:

мустақиллик;
холислик;
ҳалоллик ва поклик;
одоб нормаларига риоя қилиш;
тарафлар тенглиги;
билимдонлик, сидқидиллик ва интилувчанлик.

Қайд этилган нормалар судьяларга қўлланма сифатида фойдаланиш, судлов органларига (судьяларнинг) одоб-ахлоқи ва юриш-туришини тартибга солишнинг таянч принциплари сифатида қўллаш учун йўналтирилган. Мазкур тамойиллар судьялар ўз хулқ-атвор ва одоб ахлоқи бобида судлов стандартларини қўллаб қувватлаб туриши учун таъсис этилган.

Судьялар касб этикасига эътибор берилишининг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, у суд иштирокчи бўлган тарафлар яхши маънода тақлид қилишига, урфга киришига олиб келади. Судга нисбатан ҳурмат ва масъулият ҳиссини шакллантиради.

Судьялик касб этикаси – бу судьянинг хизмат ва хизматдан ташқари фаолиятига оид ахлоқ қоидаларидир. Этикет - ҳар бир халқнинг ибтидоий жамоа давридан бошлаб, ҳозиргача бўлган урф-одат ва анъаналарни ўз ичига олади. Этикет - яхши хулқ, жамоат жойларида ўзини тўғри тута олиш, ташқи қиёфа ва муомала маданиятини назарда тутати.

Судья кибру ҳаво, манманлик каби иллатларга берилмаслиги, ҳаётда оддий ва камтар, энг муҳими - маданиятли бўлиши лозим. Агар судьяда бу ҳислатлар муҳассам бўлса, бу фақат суд тизимида обрў келтиради.

Ўзбек халқининг қадим ҳикматида бежиз айтилмаган: хусн тўйда, одоб кунда керак!

Боҳир ИСКАНДАРОВ,

Одил судлов академияси тингловчиси.



ВНЕДРЕНИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ В СУДОПРОИЗВОДСТВО В ОТНОШЕНИИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

АННОТАЦИЯ: в статье анализируются вопросы внедрения международных стандартов в судопроизводство в отношении несовершеннолетних в Республике Узбекистан. Рассматриваются направления государственной политики по защите прав ребёнка и проблемы практической реализации соответствующих гарантий. Особое внимание уделяется защите несовершеннолетних, пострадавших от преступлений, а также применению принципа наилучших интересов ребёнка. Сформулированы предложения по совершенствованию уголовного и гражданского судопроизводства с учётом международных стандартов.

Ключевые слова: Права ребёнка, несовершеннолетние, международные стандарты, судопроизводство, наилучшие интересы ребёнка.

Защита прав и законных интересов несовершеннолетних является одним из приоритетных направлений государственной политики Республики Узбекистан и основывается на общепризнанных международных стандартах в сфере прав человека. В национальном законодательстве закреплён комплекс гарантий, направленных на обеспечение прав ребёнка, однако эффективность их реализации во многом зависит от уровня внедрения международных подходов в правоприменительную практику, в том числе в судопроизводство.

Особую актуальность данная проблематика приобретает при рассмотрении дел с участием несовершеннолетних ввиду их повышенной уязвимости и латентного характера правонарушений, что обуславливает необходимость совершенствования судопроизводства с учётом принципа наилучших интересов ребёнка.

Согласно статье 4 Закона Республики Узбекистан “О гарантиях прав ребёнка”, основными направлениями государственной политики по защите прав ребёнка являются:

- обеспечение прав, свобод и законных интересов ребёнка;
- охрана жизни и здоровья ребёнка;
- недопущение дискриминации ребёнка;
- защита чести и достоинства ребёнка; обеспечение равенства прав и возможностей детей.

Данная норма не является новшеством для национальной правовой системы и имплементирована из современных институтов международного права, в связи с чем выступает вектором реализации прав и законных интересов ребёнка в Республике Узбекистан. Однако наряду с нормативным декларированием прав и законных интересов ребёнка представляется необходимым развитие практических, в том числе превентивных, механизмов их обеспечения.

В этой связи предлагается:

- Несовершеннолетних, пострадавших от преступлений и признанных потерпевшими по уголовному делу, допрашивать в качестве потерпевших однократно.

С этой целью целесообразно внести дополнение в статью 121 УПК Республики Узбекистан, установив возможность предварительного закрепления показаний в обязательном порядке по решению суда без ходатайства прокурора, с соблюдением правил судебного разбирательства.

- Вести специальные учебные курсы (предметы) в общеобразовательных школах, в рамках которых обучающимся будет разъясняться порядок и сроки обращения в компетентные органы и учреждения в случае применения к ним жестокого либо унижающего честь и достоинство обращения.

- Предусмотреть возможность выдачи охранного ордера несовершеннолетним, подвергшимся жестокому или унижающему честь и достоинство обращению.

- Уточнить понятие “наилучшие интересы ребёнка” путём его нормативного закрепления с детализованными критериями при рассмотрении споров, связанных с детьми, в гражданском судопроизводстве.

При разрешении таких споров целесообразно установить обязательное получение заключения комиссии специалистов в составе психолога, педагога и врача-педиатра (в настоящее время соответствующее заключение выдается исключительно органами опеки и попечительства).

- Учитывая латентный характер правонарушений в отношении несовершеннолетних, подвергшихся жестокому или унижающему честь и достоинство обращению и, как правило, не обращающихся за защитой, предлагается учредить должность помощника председателя махалли, непосредственно подотчётного Уполномоченному по правам ребёнка.

Учреждение указанной должности будет способствовать своевременному выявлению подобных правонарушений на уровне махаллей и оперативному информированию Уполномоченного по правам ребёнка.

Камол КАЮМОВ,
слушатель Академии правосудия
Республики Узбекистан.

АДМИНИСТРАТИВНО-ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ОКАЗАНИЯ ГОСУДАРСТВЕННЫХ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ

АННОТАЦИЯ: в настоящей работе административно-правовые аспекты оказания государственных услуг через призму обеспечения инклюзивности публичных сервисов. Автор представляет результаты социологического исследования в рамках диссертационного исследования, подтверждающего гипотезу о неэффективности действующих административных регламентов для уязвимых категорий граждан. Научная новизна заключается в предложении модели так называемого “невидимого правительства” (Invisible Government), минимизирующей административные барьеры за счет интеллектуализации и автоматизации административных процедур.

Ключевые слова: цифровая трансформация, инклюзивность, административные барьеры, государственная услуга, социальный опрос.

Переход к модели так называемого “Сервисного государства” в Узбекистане требует концептуального пересмотра административно-правовых режимов функционирования органов исполнительной власти. Также в современных условиях актуализируется потребность в переходе от реактивного к проактивному государственному управлению. Научный интерес представляет разработка алгоритмизированных моделей оказания государственных услуг, обеспечивающих прозрачность и инклюзивность, что требует устранения структурных барьеров на пути к полномасштабной цифровой интеграции государственных институтов.

В рамках диссертационного исследования нами был проведен репрезентативный социальный опрос среди пользователей государственных услуг ($n=500$, база – официальный Телеграм-канал Министерства юстиции Республики Каракалпакстан)¹. Данный метод позволил выявить существенные дефекты правоприменительной практики, а именно активное ядро пользователей составляют лица в возрасте 31–50 лет (65,4%) с высшим образованием (89,4%). Доля пенсионеров составляет всего 1%, что свидетельствует о выраженном “цифровом разрыве”. Несмотря на высокую узнаваемость портала my.gov.uz (98,4%), мобильный

сегмент (приложение MyGov) используют лишь 10% опрошенных. 45% респондентов не осведомлены о законодательно закрепленной 10-процентной скидке при получении услуг онлайн. 55% опрошенных не понимают правовой сущности композитных и проактивных государственных услуг. Хотя 83,2% удовлетворены качеством, каждый пятый заявитель (20,8%) продолжает сталкиваться с административными барьерами.

Согласно мировым трендам развития публичных сервисов, представленным в исследованиях Deloitte, ключевым вектором трансформации является переход к персонализированным моделям взаимодействия. Результаты проведенного нами исследования (согласно которому 20,8% респондентов сталкиваются с системными барьерами) подтверждают необходимость внедрения концепции “проектирования, ориентированного на результат” (Outcomes by Design). Данный подход позволяет минимизировать административные дисфункции путем сквозной автоматизации процессов. В связи с этим, на основе анализа отчета Service Delivery Trend Outlook, автором были классифицированы ключевые препятствия цифровизации, препятствующие эффективному оказанию государственных услуг.

Таблица 1. Сравнительный анализ инструментов цифровой трансформации государственных услуг

Группа факторов	Текущий инструментарий (Узбекистан)	Перспективное дополнение (Опыт ОЭСР)	Ожидаемый эффект / Обоснование
Технологические	Mobile-ID, идентификация Face-ID	Внедрение Conversational AI (LLM) (опыт Сингапура – “LifeSG”)	Минимизация “информационного шума”, упрощение навигации для лиц с ограниченными возможностями.
Организационные	Оптимизация и реинжиниринг регламентов	ИИ-мониторинг нормативных коллизий (опыт Германии – “Digitalcheck”)	Автоматическое выявление избыточных административных процедур и “скрытых” барьеров.
Социальные	Центры обучения цифровой грамотности	Проактивное сегментирование (Smart Nudging) (опыт Швеции)	Переход от заявительного к проактивному принципу оказания услуг для социально уязвимых групп.

Текущая модель цифровизации в регионе носит ограниченную социальную репрезентативность цифровых госуслуг. Минимальная доля пенсионеров (1%) и лиц со средним образованием среди активных пользователей свидетельствует о существенном цифровом разрыве. Это обосновывает необходимость закрепления в административных регламентах принципа “цифровой инклюзивности” и внедрения упрощенных (Light) интерфейсов для уязвимых категорий граждан.

Несмотря на высокую узнаваемость портала my.gov.uz (98,4%), выявлена диспропорция в использовании каналов доступа, если ЕПИГУ (электронный) – 67,4%, центры государственных услуг (офлайн) – 22,6%, Мобильное приложение MyGov – всего 10%. Следовательно, низкая востребованность мобильного сегмента при высоком уровне цифровизации требует пересмотра административно-правового статуса мобильных платформ. Необходима имплементация технологий Mobile-ID и законодательное упрощение процедур идентификации через смартфоны

Кроме того, исследование выявило существенный институциональный пробел правовых реформ, а именно 45% респондентов не осведомлены о законодательно закрепленной 10-процентной скидке при получении услуг в режиме онлайн, в то время как 55% опрошенных не понимают правовой сущности композитных и проактивных государственных услуг.

Представляется, что нормы права (экономические преференции) теряют эффективность без механизмов автоматизации. Автор предлагает заменить заявительный принцип получения скидки на автоматический расчет инвойса проактивное оказание услуг в силу закона *ex officio* (автоматический расчет льгот). Неосведомленность о проактивных услугах подтверждает гипотезу о необходимости формирования новой “цифровой правовой культуры”.

Несмотря на общую положительную оценку качества 83,2% и прозрачности 79,2%, однако 20,8% заявителей всё еще продолжают сталкиваться с административными барьерами².

Наличие устойчивой группы лиц с негативным опытом (каждый пятый респондент) диктует необходимость перехода от декларативного упрощения к внедрению механизмов стимулирующего правового воздействия и систем интеллектуальной поддержки на каждой стадии административного производства.

Так, эмпирические данные наглядно иллюстрируют тезис о необходимости внедрения маркетинговых коммуникаций.

Таблица 2. Анализ административно-правовых барьеров и механизмы их преодоления

Выявленный барьер (на основе опроса, n=500)	Юридическая природа барьера	Предлагаемое научно-практическое решение
Низкий уровень мобильной активности (10% MyGov)	Процессуальная сложность процедур удаленной идентификации	Дальнейшее упрощение Mobile-ID и Face-ID
Информационная асимметрия в вопросах предпочтений (45% не знают о скидках)	Превалирование заявительного порядка реализации материальных норм	Переход к автоматическому расчету инвойса (принцип ex officio)
Выраженный цифровой разрыв (1% пенсионеров)	Отсутствие дифференцированных административных регламентов	Нормативное закрепление принципа “цифровой инклюзивности” и Light-интерфейсов

